

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИСЛОМ
МАНБАШУНОСЛИГИ**
(ўқув қўлланма)

«Тошкент ислом университети»
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент-2013

Мазкур ўкув қўлланма «Ислом манбашунослиги» фани бўйича ёзилган. Қўлланмада манбашунослик, унинг ўзига хос жиҳатлари, манбалар ва уларнинг турлари, Куръон, хадис, тафсир, ақида, фикх, тасаввуф, тарих каби ислом манбашунослигининг асосий йўналишлари ва бу соҳалар бўйича ёзилган манбалар хақида илмий маълумотлар берилган. Маълумотлар талабаларда шарқ манбалари, исломшунослика оид кўлёзма асарларга оид илмий ва амалий билим ҳамда кўникмаларни ҳосил қилишга қаратилган.

Ўкув қўлланма Тошкент ислом университети ўкув жараёнида, шунингдек исломшунос, диншунос, тарихчи мутахассис ва тадқиқотчилар томонидан фойдаланиш учун мўлжалланган.

Тузувчилар:

Исломов З. – ТИУ “Исломшунослик” кафедраси профессори, фил.ф.д.

Солиев А. – ТИУ “Исломшунослик” кафедраси ўқитувчisi

Такризчилар:

Ш.Зиёдов – тарих фанлари номзоди

Д.Рахимжонов – тарих фанлари номзоди, доцент

Масъул мухаррир:

Қ.Зоҳидов – тарих фанлари номзоди

Фанинг ўкув қўлланмаси Тошкент ислом университети Ўқув-услубий кенгашининг 2011 йил «27» апрель 13-сон мажлисида ва Илмий кенгашининг 2011 йил «29» апрель 9-сон мажлисида муҳокама қилинган ва нашрга тавсия этилган.

5 220 400 – “Диншунослик” йўналиши ўкув дастури ва ўкув режасига мувофиқ ишилаб чиқилди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридан Дин ишилари бўйича қўмитасининг 2012 йил 2 апрелдаги № 680-рақамли тавсияси билан чоп этилди.

“ТАВСИЯ ЭТИЛГАН”

“Исломшунослик” кафедраси мажлисида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

1-мавзу: Манбашунослик фанининг предмети, асосий вазифалари, тармоқлари

1. Манбашунослик фанини ўрганишдан мақсад
2. Манбашунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари
3. Манбалар турлари
4. Манбашуносликнинг тармоқлари
5. Манбашуносликка оид адабиётлар таҳлили

Мавзунинг ўқув мақсади: манбашунослик фани, тармоқлари, унинг ижтимоий-гуманитар фанлар сирасида тутган ўрни, фанининг предмети, мақсади, вазифалари, манбалар ва уларнинг турлари хақида маълумот бериш.

Таянч иборалар: манба, манбашунослик, моддий ва маънавий манбашунослик, этнографик, лингвистик, ёзма, халқ оғзаки ижоди, мўъжаз расм-миниатюра манбалари, манбашунослик билан боғлиқ фанлар

1. Манбашунослик фанини ўрганишдан мақсад

Манбашунослик фани талабаларда ушбу фан соҳаси тўғрисида умумий тушунча ҳосил қилиш ва уларда тарихий, адабий, диншунослик, исломшунослик ва бошқа фан соҳаларига оид манбалар асосида мустақил ўрганиш кўникмаларини ҳосил қилишдан иборат.

Маълумки, тарихий манбалар инсоният тарихи, тарихий сана ва воқеалар, шахслар хақида маълумот берса, адабий манбаларга шоир, ёзувчилар, уларнинг турли жанрлардаги адабий асарлари хақидаги маълумотлар киритилган. Ислом манбашунослигига Куръон ва ҳадислар, фикҳ, ақида, тасаввуф, мантиқ, балоғат манбалари хар томонлама тавсиф ва таҳлил қилинади. Фандаги мавжуд

барча соҳа ва йўналишларни, тарихий нуқтаи назардан манбашунослик асосларини ўрганиш мумкин.

Масалан, ислом таълимотининг асосий манбала-ри саналмиш Куръон ва ҳадислар турли гурух вакилла-ри томонидан турлича талқин қилинган ва қилинмоқда. Манба маъноларининг кенглиги ва вазиятга қараб зарур маъносинигина ажратиб олиш, уларга тўлақонли ёшда-шиш ҳамда мукаммал ўрганишни талаб этади. Бу ҳолат ўз навбатида манба ва у билан боғлиқ барча истилоҳ, тушун-ча, маълумотларни ўзлаштириш зарурлигини кўрсатади. Бунинг учун талаба, тадқиқотчи манбага тўлиқ кириб бориши керак. Унинг тили, яратилишининг тарихий ва-зияти, шароити, муаллиф, унинг шахсияти ва қатор омил-лар ҳақидаги маълумотларга эга бўлиш тадқиқотчи, тала-банинг манба бўйича илмий изланишига ижобий таъсир қиладиган омиллардан ҳисобланади. Бу каби масалаларга барча даврларда ҳам холис илмийлик билан ёндашилма-ди, бунинг натижасида манбаларни турли талқин қилиш ҳолатлари юзага келди. Мана шундай ҳолатларнинг олди-ни олиш ҳамда тарихга ҳаққоний баҳо бериш давр тала-бига айланди.

Ўзбекистон мустақиллик шароитида тарихий адоп-латни тиклаш, ислом манбаларини холис ва объектив ўрганиш, тарихий воқеа ва ҳодисаларни асл манбалар асосида тадқиқ этиш зарурлигини инобатга олиб, ман-башунослик ва айниқса ислом манбашунослигини том маънода ўрганиш ишига кенг имконият яратила бошлан-ди. Мана шу мақсадда тарихий, адабий, ислом манбашу-нослигини илмий-назарий тадқиқ қилиш ва амалий ис-тифодага киритиш соҳасига алоҳида эътибор қаратилди. Чунки манбашунослик фани манбаларга илмий ёндашув кўникмаларини ҳосил қилишга ёрдам беради. Манбашу-нослик ўзига турдош фанлар билан яқиндан боғлиқ, ман-башунос олим эса билим доирасининг кенглиги, мантиқий мушоҳадасининг чукурлиги ва бир неча тилларни мукам-мал билиши билан ажралиб туради.

2. Манбашунослик фанининг предмети, мақсад ва вазифалари

Манбашунослик фани тарих, адабиётшунослик, исломшунослик, фалсафа каби ижтимоий-гуманитар фанлар, астрономия, математика, геометрия каби аниқ фанларнинг асосий ва муҳим соҳаларидан бири бўлиб, турли манбаларни ўрганиш ҳамда улардан илмий фойдаланишнинг назарий ва амалий жиҳатларини ўрганади.

Манба қадимдан сақланиб қолган, илм-фан, табиат ва жамиятнинг маълум босқичдаги тарихи, ҳолати, ривожи, улар билан боғлиқ маълумотларни ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликлардир. Мазкур ёдгорликлар оғзаки ҳамда ёзма обидаларга бўлинади.

Моддий ёдгорликларга қадимий обида, мақбара, шаҳар, қаср ва қалъалар, буюм ва ашёлар киради.

Маънавий ёдгорликлар деганда қадимги ёзувлар, халқ оғзаки ижоди намуналари, афсоналар, ёзма ёдгорликлар – битик, кўлёзма китоб, хужжатлар ва архив материаллари тушунилади. Моддий ёдгорликлар маънавий ёдгорлик сифатида ҳам илмий аҳамиятга эга. Шу нуқтаи назардан улар бир-бири билан чамбарчас боғлиқ ва бир-бирини тўлдиради.

Умуман, манба инсон ижтимоий фаолияти натижасида пайдо бўлган ва унинг хусусиятларини ўзида акс эттирган моддий ва маънавий ёдгорликлардан иборат. Уларни ўрганадиган фан манбашунослик деб аталади.

Манбашунослик фани ижтимоий фан соҳасида асосан тарихий, адабий ва ислом манбашунослиги каби йўналишларга ажralади.

Манбашунослик фанининг вазифаларига манбаларни кидириб топиш, уларни рўйхатга олиш, туркумлаш, тавсиф қилиш, тадқиқ этиш, маълумотларнинг тўла ва объективлигини аниқлаш, манбанинг фан тараққиётини ўрганишдаги аҳамиятига баҳо бериш киради.

Манбашунослик ижтимоий-гуманитар фанларнинг бир қатор ёрдамчи соҳалари билан боғлиқ ҳолда фаолият олиб боради.

Палеография (юонон. палео – қадимий, греко – ёзув; қадимий ёзув) қадимий қўлёзма асарларнинг қофози, муқоваси, сиёҳи, ёзуви ва ёзиш усулларини текширади.

Дипломатика (юонон. диплома – икки букланган қофоз; хужжат) расмий хужжатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш билан шуғулланади.

Геральдика (юонон. геральд – герб, белги, нишон) қадимий герблар, турли-туман нишон, тамфа ва белгиларни ўрганади.

Сфрагистика (юонон. спрагис – муҳр) қадимий муҳрлар (подшоҳлар, хонлар, амирлар ва қозилар муҳрлари) ва уларнинг ёзувларини текширади.

Эпиграфика – (юонон. эпи – устида, тепасида, греко – ёзув; бирон нарса; буюм устидаги ёзув) тош, металл, ёғоч ва бошқа қаттиқ буюмлар устига ўйиб ёзилган қадимги битикларни ўрганади.

Нумизматика (лотин. нумис – пул) қадимий пулларни, ашёси, шакли, вазни, ёзувлари, зарб этилган жойи ва вақтини текширади.

Метрология (юонон. метрон – ўлчов, логос – тушунча, билим; ўлчовлар ҳақида тушунча) ўтмишда турли мамлакат ва халқлар орасида амалда бўлган оғирлик, масофа ва сатҳ ўлчовларини ўрганади.

Хронология (юонон. хронос – вақт, логос – тушунча, билим; вақт ҳақида тушунча) қадимги халқлар орасида ва мамлакатларда амалда бўлган йил ҳисоби ҳамда тақвимни ўрганувчи соҳа. Абу Райҳон Берунийнинг “Осор албоқия” (Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар) номли асари турли тақвимларни ўрганишга бағишлилангани учун Европада “Хронология” номи билан машхур.

3. Манбалар турлари

Манбаларни умумий характерига қараб қуйидаги ассоций гурухларга бўлиш мумкин:

Моддий (ашёвий) манбалар

Инсоният маданиятининг илк ўчокларидан бири бўлмиш Марказий Осиёда дастлабки ёзув оромийча хат негизида тахминан эрамиздан аввалги биринчи минг йиллик ўрталарида пайдо бўлган. Маълумотларга кўра, юртимизда араб истилосига қадар ўн саккиз ёзув тури мавжуд бўлган. Ёзма ёдгорликларнинг катта қисми замонамизгача етиб келмаган.

Моддий манба деганда ибтидоий одамлар истиқомат қилган манзиллар ва дафн этилган жойлар, уларнинг қуроллари, бино ва турли иншоотлар, уй-рўзгор буюмлари ва зеб-зийнат тақинчоқлари тушунилади. Моддий ёдгорликларни қидириб топиш ва ўрганиш ишлари билан археология илми шуғулланади.

Этнографик манбалар

Халқларнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган материал ва маълумотлар этнографик манба ҳисобланади. Жумладан, халқ, қабила, уруғ номлари, инсон қўли, ақлзаковати билан яратилган қурол, буюмларнинг нақш ва безаклари, кишилар онгida, шунингдек, оғзаки ва ёзма адабиётда сақланиб қолган ўтмиш урф-одат ва анъаналири, кишиларнинг турмуш тарзи этнографик манба сирасига киради. Этнография юононча этнос “халқ”, грапҳо “ёзман” маъноларини англатади ва халқ ҳақида маълумотлар, халқшунослик билан боғлиқ маълумотларни ўрганади.

Лингвистик манбалар

Лингвистик манбалар тил конун-қоидалари, тил-шунослик масалалари, унинг лексик бойлиги, бир тилли изохли ҳамда кўп тилли лугатлар муаммолари билан шуғулланади. Бу манбаларга қадимги тарихий атамалар ҳам қимматли манбавий материал бўлиб, аждодларимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётини ўрганишга ёрдам беради.

Лингвистик манбалар халқларнинг қадимги тиллари фонетикаси, лексикаси, сўз қатлами ҳақида қимматли маълумотлар беради.

Халқ оғзаки ижоди манбалари

Халқ оғзаки ижоди маданиятнинг энг қадимги қисми бўлиб, унинг илдизи инсониятнинг илк даврларига бориб тақалади. Оғзаки адабиётнинг айрим намуналари қадимги юонон тарихчилари, шунингдек, Табарий, Масъудий, Беруний, Фирдавсий, Ибн Асир каби шарқ олимларининг асарлари орқали бизгача етиб келган. Каюмарс, Жамшид ва Сиёвуш, Аморт ва Спаретра, Тўмарис ва Широқ ҳақидаги киссалар, афсоналар шулар жумласига киради.

“Алпомиш”, “Гўрўғли” каби достонлар, халқ эртаклари, маросим қўшиклари, мatal ва топишмоқлар манба шунослик обьекти сифатида аҳамиятга эга. Бу халқ дурданалари турли ижтимоий табақага мансуб кишиларнинг турмуши, маънавий қиёфаси, урф-одати ҳақида қимматли маълумот беради. Манбаларнинг бу тури билан фольклор шунослик фани шуғулланади.

Ёзма манбалар

Ёзма манбалар маңбашуносликнинг асосий воситаси саналади. Инсоният тарихи, маданияти, фани, адабиёти, умуман инсон ҳаёти билан боғлиқ ёзма маълумотларнинг барчаси ёзма манбаларга киради. Ҳозирги кунда сақланиб қолган катта ҳажмдаги кўп сонли қўлёзма ҳамда босма, тошбосма асарлар ёзма манбаларнинг асосини ташкил этади.

Мўъжаз расм – миниатюралар

Маълумки, инсоният тарихида инсон ҳамда тасвирларга нисбатан турли фикрлар билдирилган. Бу масала га ислом таълимоти ўзига хос муносабатда бўлган, хусусан, Амир Темур ва темурийлар даврида ўзининг юксак тараққиёт босқичига кўтарилган даврда қўлёзма китобларни зийнатлаш учун яратилган нафис мўъжаз расмлар ҳам манба сифатида қабул қилинган. Юртимиз тарихи ва

моддий ашёлар, хунармандчилик, кийим-кечак, м៊еморий обидалар ва умуман моддий маданиятимиз хусусиятлари ни ўрганиш учун хизмат қиладиган нафис мўъжаз тасвирий санъат намуналари – миниатюра расмлар қимматли манба ролини ўтайди. Чунки уларда ашёлар тасвири баъзан бадиий ижод хусусиятларига мослаштирилган ҳолда акс эттирилади.

Буюк мусаввир Камолиддин Беҳзоднинг “Самарқанддаги Бибихоним масжидининг қурилиши” номли машхур расми миниатюра санъатининг ёрқин намунаси саналади. Бу расмда XV асрдаги қурилиш жараёни, унда иштирок этган усталар тўғрисида мукаммал тасаввур берилади. Бундай расмлардан тарихни ўрганишда тасвирий восита сифатида унумли фойдаланиш мумкин.

Умуман, бизгача етиб келган қадимги деворий расмлар ва қўлёзма китобларга ишланган ҳамда алоҳида муракқаълардаги расмларнинг манба сифатида аҳамияти катта.

4.Манбашуносликнинг тармоқлари

Манбашунослик фани асосан икки йўналишга эга бўлиб, у назарий манбашунослик ва амалий манбашуносликдан иборат.

Назарий манбашунослик

Назарий манбашунослик амалий манбашунослик тажрибасини умумлаштиради, ёзма манбаларнинг вужудга келиши, манбаларни излаб топиш, туркумлаш, тавсифлаш, тартибга солиш асосларини ишлаб чиқади ва уларни илмий муомалага киритиш, ўрганишнинг мақсадга мувофиқ асосий усул ва йўлларини аниқлайди. Ушбу жараён қуидаги амалиётларни ўз ичига олади:

Манбаларни туркумлаш

Шарқ қўлёзма манбаларини туркумлашнинг ягона аниқ бир тартиби ишлаб чиқилмаган. Манбашунослик

анъаналарига кўра кўлёзма ва босма манбалар мавзуу, тил, фан соҳаси бўйича туркумланиб фехрест шаклига келтирилган. Бу борада юртимизда ҳам жаҳон андозаларига мос келадиган анъана шаклланган. Шунга қарамай, халқаро доирадаги каталог-фехрестлар андозаларидан фойдаланиш манбашунослик соҳасининг ривожига ижобий таъсир кўрсатади. Жумладан, Англияниң Британия музейида сакланаётган Шарқ кўлёзмаларининг шарқшунос Чарлз Риё томонидан, Францияниң Париж Миллий кутубхонасининг Эдгар Блоше томонидан тиллар бўйича тузилган фихристлари маълум.

Ўзбекистондаги илк тажриба сифатида Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасидаги кўлёзмалар “Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқ кўлёзмалари мажмуаси” фихристи тузилган. Мазкур фихрист фан соҳалари бўйича тузилган бўлиб, ҳозирга қадар унинг ўн бир жилди чоп этилган.

Олимлар кўлёзма манбаларни ўрганиш борасида турли қараашларни илгари сурадилар. Б.А.Ахмедов “Ўзбекистон тарихи (ўрта асрлар) манбалари”ни ашёвий манбалар, расмий ҳужжатлар, тарихий, гео-космографик ҳамда биографик асарларга ажратиб ўрганишни тавсия килади.

Кўлёзма манбаларга кенг ёндашиш талаб этилади. Хусусан, бадиий адабиётларда ҳам тарихий воқеалар, шахслар тўғрисидаги маълумотлар баёни мавжуд бўлиб, фақат уларнинг ўзига хос баён услуби, бадиятини назардан қочирмаслик керак. Чунки тарихчи бор ҳақиқатни ёзиши керак бўлса, шоир ёки ижодкор бадиий тўқима, бўрттириш, муболагага йўл қўйиши мумкин. Масалан, Алишер Навоий бадиий асарларида шоир даврига ва замондошларига оид қимматли фикр, мулоҳазалар мавжуд.

Алишер Навоийнинг “Хамса” асари таркибидағи доистонларида ҳам тарихий маълумотлар, хусусан Мирзо Улуғбек шахси ва унинг илмий мероси тўғрисида жуда қимматли маълумот мавжуд.

Амалий манбашунослик

Амалий манбашунослик бевосита ёзма манбаларни назарий манбашунослик тавсиясига биноан ўрганиш, излаб топиш, тавсиф этиш ва зарур мавзу учун янги, керакли маълумотларни илмий муомалага олиб кириш билан шуғулланади.

Амалий манбашуносликда тадқиқотчи ўзи учун танлаб олган бирор мавзуга оид манбаларни аниқлаб олгандан кейин уларнинг ҳар бирини ташки белгилари ва ички мазмунига кўра гурухларга ажратиб илмий таҳлил этади.

Манбаларнинг ташки белгиларига қўллэзма, хужжат битилган қофознинг ўлчами, қофоз тури, вараклар сони, муқоваси, матн ўлчами, хати, сиёхи, хаттоти, асар номи, муаллифи, китобат тарихи, жойи каби маълумотлар киради. Бу маълумотлар асарнинг тўлақонли ўрганилишида муҳим аҳамиятга эга.

Қўллэзманинг муаллифи, асар номи, ёзилган вақти ва жойи, котиби ҳақидаги муҳим маълумотлар муқаддима ва колофон – хотимада келтирилади. Манбалар билан ишлаш мутахассисдан катта малака ва турли шарқ тилларини билишни талаб этади.

Юртимизда манбашунос олимларнинг залворли оиласи шаклланган. Улар сирасига Ҳамид Сулаймонов, Азизхон Қаюмов, Убайдулла Каримов, Бўривой Аҳмедов, Ботирбек Ҳасанов, Қавомиддин Муниров, Саидбек Ҳасанов каби етук олимлар кирадилар. Шунингдек, Ибодулла Одилов, Абдуқодир Муродов, Абдулла Носиров, Ҳабибулла Солиев каби зарринқалам хаттотлар ҳам манбашунослигимиизда ўчмас из қолдирган.

Манбаларни ички белгиларига қараб таҳлил этиш

Қўллэзма асарнинг таркиби ва мазмунини таҳлил қилиш, ғоявий, бадиий савияси ва илмий қийматини аниқлаш манбаларнинг ички белгиларига қараб таҳлил этиш доирасига киради.

Кўлёзма асарнинг илмий қиймати унда баён этилган маълумотлар, воқеа-ходисаларга муаллифнинг холис муносабати, келтирилган далил ва маълумотларнинг тўғрилиги ва олдинга сурилган фикр ва ғоялар билан белгиланади.

Тарихий, адабий, ислом манбаларининг дастҳат, аслият, компилятив –нусха эканлиги, турли манбалар маълумотларини териб ёки айнан келтирилганлиги, тўла ва ноқислиги, қисқалиги, воқеаларнинг баён этилиш тарзи ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Илмий тадқиқотларда асл ва мўътабар қўлёзмаларга таяниб иш олиб бориш ҳар бир далил ва маълумот, рақамлар энг ишончли, нодир, бирламчи манбалардан олиниши керак.

Манбанинг таркиби ва мазмунини илмий таҳлил қилишдан кузатилган мақсад, унинг муҳим ва қимматли томонларини аниқлаш, унда келтирилган далилларнинг ишончлилиги ва тўғрисини бошқаларидан ажратса олиш ҳамда энг муҳими асарда баён этилган воқеани холис тарихчи нуқтаи-назаридан туриб баҳолай олишдан иборат.

Манбашунослик талабларидан бири шуки, ёзма манбани факат унинг бир ўзида келтирилган далил ва маълумотларга қараб баҳолаб бўлмайди. Баъзи ҳолларда келтирилган далил сохта, баён этилган воқеа эса соҳлаштирилган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун ҳам асар ҳақида қатъий бир фикр айтишдан аввал уни ўзига ўхшаш бошқа асар билан солишириб кўриш, келтирилган далилларни бир-бирига солишириш ва текшириш зарур.

Амалий манбашунослик шу кунгача маълум даражада тажриба тўплади. Кўплаб ёзма ёдгорликлар асл нусха-факсимиле, танқидий матн, таржима ва изоҳли таржима, табдил кўринишларида чоп этилди. Турли қўлёзма фондлари, кутубхона ва музей, шахсий мажмуалардаги ёзма ёдгорликлар тавсифи фиҳрист – каталогларда эълон қилиниб, уларда амалга оширилган манбашунослик соҳасидаги тадқиқотлар натижалари умумлаштирилди.

Манбаларни ўрганиш бўйича амалга оширилган ишлар, тажрибалар умумлаштирилиб, тадқиқотлар учун энг қулай ва истиқболли тадқиқ метод ва усуллари аникланиб, ишлаб чиқилди, уларнинг замонавий, самарадорлиги юкорилари амалиётда кўллаш имконияти яратилди.

Фан-техника соҳасидаги янгиликлар жумладан замонавий компьютерлар ёзма манбаларни тадқиқ этиш имкониятини янада кенгайтириди.

Амалий манбашунослик назарий билим ва тажриба асосида манбашуносликнинг конкрет, муайян соҳаси, бўлими, даври масаласи ёки бирор манба юзасидан амалий тадқиқот олиб боради, архив, музей, кутубхона ва шахсий мажмуаларда мавжуд ёзма манбаларни ўрганиб, энг қимматли нодирларини илмий муомалага олиб кириб, кенг жамоатчилик маънавий мулкига айлантиради.

Умуман, назарий ва амалий манбашунослик бири-бирини тўлдиради, бири иккинчиси учун асосий тадқиқот йўналиши ва услубларини белгиласа, иккинчиси биринчиси учун фактик материал жамлаб, асос бўлиб хизмат қилувчи далилларни йигади.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида юртимизда тарихий, адабий, ислом манбашунослиги бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш имконияти яратилди. Мазкур мутахассисликлар бўйича юзлаб диссертациялар ҳимоя қилинди, рисола ва монографиялар нашр этилди.

5. Манбашуносликка оид адабиётлар таҳлили

Манбашунослик ва соҳага оид қўлланма, тадқиқот, рисола ва адабиётларга Ўзбекистон мустақиллигидан сўнг алоҳида эътибор қаратилди. Бой маънавий меросимиз дурданалари, жаҳон маданияти хазинасига улкан ҳисса бўлиб кўшилган алломаларимиз қаламига мансуб нодир асарлар том маънода кенг ўрганила бошланди. Юртимизда яратилган манбашуносликка оид дарслик ва қўлланмалар ичida академик Б.Аҳмедовнинг “Ўзбекистон тарихи ман-

балари” дарслиги ўзидаги қимматли маълумотлар жамлангани билан ажралиб туради.

А.Ҳабибуллаевнинг “Адабий манбашунослик ва матншунослик” қўлланмасида ҳам қатор ижобий хусусиятлар мавжуд бўлиб, улардан тарихий манбашунослик бўйича дарслик тузишда фойдаланиш мумкин.

А.А.Мадраимов томонидан тузилган “Манбашуносликдан маъruzалар мажмуаси”да илк бор араб, форс ва турк тилидаги тарихий манбалар хусусиятларини очишга ҳаракат қилинган.

Манбашунослик фанининг кўп асрлик анъанаси юртимиз манбашунослигига оид юқоридаги нашрларда умумлаштиришга ҳаракат қилинди. Шунингдек, манбашуносликка оид адабиётларга турли соҳаларга оид энциклопедик лугатларни киритиш мумкин. Жумладан, Ислом энциклопедик лугатини шундай адабиётлар сирасига киритиш мумкин. Унда ислом маданияти ривожига улкан ҳисса қўшган Имом Бухорий, Имом Термизий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Лайс Самарқандий каби йирик олимларнинг асарлари ҳақидаги маълумотлар берилган. Шунингдек, “Ўзбекистон ислом обидалари”, “Тошкент ислом маданияти гавҳари” каби альбомлар ҳам манбашунослик адабиётлари сифатида аҳамиятга молик.

Манбашуносликка оид адабиётлар қаторида юртимиз фонdlарининг фижристлари алоҳида ўрин тутади. Жумладан, Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллёзма ва тошбосма китоблар каталоги, Ҳамид Сулаймонов фонди каталоги, Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси каталоги манбашуносликка оид муҳим адабиётлар сирасига киради.

Фойдаланилайдиган манба ва адабиётлар

1. Аҳмедов Б.А. Ўзбекистон тарихи манбалари. – Т.: “Ўқитувчи”. 2001. – Б. 13-20.

2. Сайдқулов Т.С. Ўрта Осиё ҳалқлари тарихининг тархнавислигидан лавҳалар. – Т: “Ўқитувчи”. 1993. Б. 3-9.

3. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д.Ю.Юсупова, Р.П.Джалилова. –Т.: “Фан”. 1998. – С. 3-7.
4. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая. – М.: “Наука”, 1987. – С. 5-17.
5. Манбашуносликдан маърузалар мажмуаси / Тузувчи А.А.Мадраимов. –Т.: ТДПУ, 2001. – Б. 10-18.
6. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. 2- илмий тўплам. – Тошкент. 2010.

Мавзуни мустаҳкамлаши учун бериладиган саволлар:

1. Манбашунослик фанининг мақсадлари нимадан иборат?
2. Манбашуносликнинг асосий мавзуи ва вазифалари нимадан иборат?
3. Қандай манба турларини биласиз?
3. Манбашуносликнинг қайси йўналишини биласиз?
4. Назарий манбашуносликнинг мақсади ва вазифаси нимадан иборат?
5. Амалий манбашунослик деганда нимани тушунасиз?
6. Манбанинг ташқи моддий белгилари деганда нимани тушунасиз?
7. Манбанинг ички белгилари – таркиби ва мазмуни нимадан иборат?
9. Манбашунослик қандай турдош фанлар билан алоқада бўлади.

2-мавзу: Ислом манбашунослиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари

1. Ислом манбашунослиги тушунчаси.
2. Ислом манбашунослигини даврлаштириш.
3. Ислом манбаларининг жанр хусусиятлари.
4. Ислом манбашунослиги фан соҳаси сифатида.

Мавзунинг ўқув мақсади: Ислом манбаларининг юзага келиши, тарихий жараёнлар ва улар таъсирида манбаларнинг шаклланиши, мавзуларнинг жанр хусусиятларига таъсири, ислом манбашунослиги тушунчаси.

Таянч иборалар: Ислом манбалари, даврлаштириш, тафсир, ҳадис, ақида, фикҳ, насрый ва назмий асар, шарҳ, ҳошия, таълиқот.

1. Ислом манбашунослиги тушунчаси.

Ислом манбалари тушунчаси кенг қамровли тушунча бўлиб, у ислом дини билан боғлиқ соҳаларга оид мавжуд асарларни ўз ичига олади. Исломнинг асосий манбалари сифатида Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар назарда тутилади. Қуръони каримнинг турли даврларда китобат қилинган қўлёзмалари, нашр этиш усули юзага келиши билан чоп этилган босма нусхалар ислом манбашунослигининг асосий обьекти вазифасини ўтайди. Ҳадисларнинг муҳаддислар томонидан жамланган тўпламларининг қўлёзма нусхалари ҳам ислом манбалари сифатида эътироф этилган. Ислом дини билан боғлиқ соҳа ва йўналишлар жумладан, тафсир, ақида, фикҳ, тасаввуф бўйича ёзилган

асарлар ҳамда уларнинг қўлёзма, босма нусхалари ислом манбашунослигининг асосини ташкил этади.

2. Ислом манбашунослигини даврлаштириш.

Ислом манбаларининг катта муддатли тарихий давр ва жараёнларда яратилган барча ёзма мероси қўлёзма ҳамда босма нусхаларда давримизга қадар етиб келган. Маълумотларга кўра манбаларнинг маълум қисми сақланмаган. Улар урушлар, турли табиий оғатлар натижасида жисмонан йўқ бўлиб кетган, мавжуд бўлганлари ҳам ҳар хил сабаблар билан дунёнинг турли мамлакатларига бориб қолган ва ҳозирда ўша ердаги қўлёзмалар фондларида сақланмоқда. Аксарият манбашунос олимлар ислом манбаларини икки – жоҳилия даври ислом манбалари ҳамда ислом даври манбаларига бўлиб ўрганадилар. Жоҳилия даври ислом манбалари ўзининг камсонлиги, маълумотларнинг озлиги билан ажралиб туради. Бу борада Абу-л-Фараж Исфаҳонийнинг “Китобу-л-агоний”, Калбийнинг “Китобу-л-асном”, қадимги арабларнинг “Муаллақот” тўпламларини эътироф этиш мумкин. Ислом даври манбалари эса тарихий даврнинг узунлиги ҳамда манбаларнинг кўплиги, хилма-хиллиги билан фарқланади. Юртимиз ҳамда дунё фондларида ислом манбашунослигига мансуб ўн тўрт асрдан ортиқ давр мобайнида яратилган юз минглаб қўлёзма ва тошбосма асарлар мавжуд.

3. Ислом манбаларининг жанр ҳусусиятлари.

Минглаб нусхадаги ислом манбаларини таҳлил этиш уларнинг мавзу нуқтаи назаридан ранг-баранглигини кўрсатади. Мазкур мавзулар бўйича ички ҳусусиятларига кўра турли жанрлар таъсири доирасида ёзилган. Ислом манбашунослигининг асосий манбаи Қуръони карим араб маданиятининг энг қадимий жанри ҳисобланмиш шеърий наср, қофияли наср, яъни сажъда ёзилган. Умуман араб

тилидаги ислом манбалари асосан арабларнинг қисқа баён усулида яратилган. Тафсир манбалари кенг, батафсил баён усулида ифодаланган бўлса, ақида, қалом манбалари, матнлари қисқалиги билан ажralиб турган. Фикҳий асарлар мавзусининг кенглиги, ҳажмининг катталиги билан фарқланган. Улар асосан насрый баён жанрида ёзилган. Ақида матнларининг шарҳлари, ҳошиялари ҳажмининг катталиги белгиланади. Масалан, Насафийнинг “Ақоиди насафия” асари матни жуда қисқа, лекин, унга ёзилган барча шарҳлар катта асарлар сифатида шаклланган. Тасаввуф манбалари кўп сонли бўлиши билан бирга ҳам шеърий, ҳам насрый жанрда ёзилган.

4. Ислом манбашунослиги фан соҳаси сифатида.

Манбашунослик фан соҳаси сифатида турли тармокларга бўлинган. Тарихий, адабий ва бошқа фан соҳаларининг манбашунослиги бўйича маълум изланишлар, тадқиқотлар олиб борилган. Ислом манбашунослиги фан соҳаси сифатида янгилиги билан ажralиб туради. Ислом манбашунослиги мустақил фан соҳаси сифатидағи мақомига 1999 йил Вазирлар Махкамаси хузуридаги Тошкент ислом университетининг очилиши ва Олий малякали мутахассисликлар рўйхатига 24.00.00. рақам билан Шарқшунослик фанлари мутахассислиги таркибида 24.00.02- Ислом тарихи ва манбашунослиги ихтисослигининг киритилиши билан бошланган. 2013 йилга қадар мазкур ихтисослик бўйича 25 та докторлик ва номзодлик диссертациялари химоя қилинган. Республикаизда олий таълимдан кейинги илмий ва илмий педагогик кадрларни тайёрлаш тўғрисидаги фармон қабул қилиниши билан мазкур фан соҳаси 07.00.05 рақам билан тарихий фанлар соҳасига киритилди.

Фойдаланиладиган манба ва адабиётлар

1. Тарихий манбашунослик
2. Манбашунослик

Мавзууни мустаҳкамлаши учун бериладиган саволлар:

1. Ислом манбашунослиги фан соҳаси сифатида қачон шаклланган?
2. Ислом манбашунослигининг бошқа фан соҳалари билан алоқадорлиги.
3. Ислом манбашунослиги қандай даврларга бўлинади?
4. Ислом манбаларининг жанр жиҳатидан ўзига хослиги нималарда кўринади?

2-мавзу: Жоҳилия даври манбашунослиги ва манбаларининг илмий таҳлили

1. Жоҳилия даври манбашунослиги ва унинг ўзига хослиги.
2. Абу-л-Фараж Исфаҳоний ва унинг “Китабу-л-агоний”асарининг манбашунослик таҳлили.
3. Ҳишом ибн Муҳаммад Калбий ва «Китабу-л-асном» асарининг манбашунослик тадқиқи.

Мавзунинг ўқув мақсади: Ислом манбашунослигининг шаклланиш босқичлари, илк ислом даврларида манбашунослик, манбаларнинг жамланиш тарихи, Абу-л-Фараж ал-Исфаҳонийнинг «Китобу-л-агоний», Ибн Калбийнинг «Китабу-л-асном» асарлари ҳақида маълумот бериши.

Таяинч иборалар: ислом манбашунослиги, жоҳилия даври манбалари, Абу-л-Фараж ал-Исфаҳонийнинг «Китобу-л-агоний», Ибн Калбийнинг «Китабу-л-асном» асарлари.

1. Жоҳилия даври манбашунослиги ва унинг ўзига хослиги

Манбашунослик фанида тарихан катта ва ҳажман кенгқамровли ислом манбашунослигини назарий жиҳатдан иккига – жоҳилия даври манбашунос-лиги ва том маънодаги ислом манбашунослигига бўлиб ўрганиш қабул қи-линган. Ислом манбашунослигининг шаклланишига катта таъсир кўрсатган, унинг манбаларининг тарихий негизларини ўрганишга амалий ёрдам беради-ган, ўзига хос шаклланиш тарихига эга бўлган жоҳилия даври

манбашунослиги катта илмий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни жамлаган.

Жоҳилия даври манбаларидан арабларнинг қадимги ҳамда илк ислом давридаги ижтимоий, иқтисодий, маданий ва майший ҳаёти ҳакида батафсил маълумот олиш мумкин. Мазкур манбалар жамланиш нуқтаи назаридан кейинроқ китобат қилинган бўлсада, уларда илк ислом даври билан бирга арабларнинг қадимги тарихи узвий боғланган ҳолда ёритилган. Бу даврни ёритишда жоҳилия даври шеърияти алоҳида аҳамият касб этади. Чунки мазкур давр манбаларининг асосий қисми шеърий усулда яратилган. Жоҳилия даври чуқур илмий маълумотлар берса оладиган арабларнинг қадимги жанри ҳисобланган “Муаллақот”лар, Абу-л-Фараж Исфаҳонийнинг “Китабу-л-ағоний”, Аҳмад Закийнинг «Китабу-л-асном»асарлари манбалардан ҳисобланади.

2. Абу-л-Фараж Исфаҳоний ва унинг “Китабу-л-ағоний” асарининг манбашунослик таҳлили

Жоҳилия даври манбашунослигининг катта ҳажмдаги йирик ва асосий манбаларидан бири Абу-л-Фараж Исфаҳонийнинг “Китабу-л-ағоний” (“Қўшиқлар китоби”) асари ҳисобланади.

Абу-л-Фараж Али ибн Ҳусайн ибн Мұхаммад ибн Аҳмад ибн Ҳайсам ибн Абдураҳмон ибн Марвон ибн Абдуллоҳ ибн Марвон ибн Мұхаммад ибн Марвон ибн Ҳакам ибн Абул Ос ибн Умайя ибн Абдушамс ибн Абду Манноф Курайший Умавийнинг насиби Бани Умайя қабиласи (умавийлар)нинг охирги халифаси Марвон ибн Мұхаммад (Марвон II) га бориб тақалади.

Абу-л-Фараж милодий 897 йил Исфаҳонда Абу-л-Аббос Аҳмад ибн ал-Муваффакнинг халифалик даврида туғилган. У туғилган йилда буюк шоир Баҳтарий вафот этган эди. Абу-л-Фараж Бағдодда ўсиб улғайган ва у ерни ўзига ватан тутган. У 967 йил 21 декабрда Бағдодда вафот

этган. Манбаларда келишича, у шиаликка мансуб бўлган.

Абу-л-Фараж Исфаҳоний араб адабиёти, шеърияти ва тарихи бўйича етук олим бўлган, ҳадис, грамматика, лугат илми, табобат, астрономия билан шуғулланган. У ёзган машхур асарлар 20 жилдан иборат “Ағоний ал-қабир” (Қўшиқлар катта китоби) деб номланади. Унда араб шеърияти ҳақида муфассил маълумотлар берилади. Бундан ташқари унинг «Мақотил ат-толибин», «Насаби Абдушшамс», «Насаби бани Шайбон», «Насаби Оли ал-мулаххаб», «Айём ал-араб» номли асарлари ҳам мавжуд.

Муҳаммад ибн Исҳоқ Надимнинг айтишича, у адабиёт соҳасида катта шухрат қозонган. Абу-л-Фараж Исфаҳоний ҳадис соҳасига ҳам ўзининг катта ҳиссасини кўшган. Муҳаммад ибн Жаъфар, Али ибн Аббос Бажалий, Абу Ҳусайн ибн Абу Ахвас, Абу Бакр ибн Дурайд каби олимлардан ҳадис эшитган. Ундан Дору Қутний, Иброҳим ибн Аҳмад Табарий, Абул Фатҳ ибн Абу-л-Фаворис, Али ибн Аҳмад ибн Довуд Разоз ва бошқа кўп муҳаддислар ривоят қилган.

Абу-л-Фараж Исфаҳоний арабларнинг тарихи ва наслабларини жуда яхши ўрганган ва бу ҳақда 5 жилдан иборат «Айём ал-араб» («Арабларнинг кунлари») номли асарини ёзган. Шеърият бобида ўз замонасининг энг етук шоирларидан ҳисобланган. Абу Али Тануҳий шундай дейди: «Асарда шеър шоирлари, муганнийлари, яъни бастакорларига тегишли бўлган хабарларга қўшимча равишда шеърнинг ёзилиши, қўлланиш сабаблари ва ўша шеърга тегишли бўлган бошқа маълумотлар устида ҳам алоҳида тўхталиб ўтган”.

Асарнинг ҳар бир фаслида ўзига хос ривоятлар, хикоятлар келтирилиб, уларда арабларнинг машхур кунларини эслатиб турадиган муҳим маълумотлар мавжуд.

Асарда кишини одоб-ахлоққа чақирувчи ва жоҳилия даври подшоҳлари, ислом давридаги халифалар ҳақида чиройли қиссалар жуда кўп учрайди.

Муаллиф асарда Хорун ар-Рашидга бағишланған юзта мусиқий байтни келтиради. Асардаги қўшиқларнинг ҳаммаси Исҳоқ ибн Мувсимийнинг услубига кўра келтирилган.

Абу-л-Фараж Исфаҳоний байтларни уларга яқин маънодаги шеърлар билан қўшиб келтирган.

Китоб кейинги давр шоирларининг учта машхур танланған байтлари билан бошланған. Абу-л-Фараж Исфаҳоний айтадики, «Агар асар бундай тартибланмаса, жуда кўп бефойда асоссиз нарсалар пайдо бўлиб қолиши мумкин. Бу эса асарни ноқисликка олиб келади. Бундай ҳолатда ўкувчиларнинг унга бўлган қизиқиши сўнади. Чунки инсон табиати кўчувчи».

Абу-л-Фараж Исфаҳоний бу асарида ўзига маълум бўлган қадимги ва кейинчалик яратилган араб қўшиқларини жамлаган. Бундан ташқари ҳар бир қўшиқнинг шоири, бастакори ҳакида тўлиқ маълумотларни келтириб, зарур ўринларда шеърларни қисқартирган ва баъзиларини эса шарҳлашга ҳаракат қиласан.

Жоҳилия даври адабиёти, урф-одатлари, тарихи ва жуғрофиядан хабар берувчи ўзига хос услубда ёзилган шеърлар, қасидалар, қўшиқлар арабларнинг ўша даврдаги юксак маънавиятидан дарак беради. Абу-л-Фараж Исфаҳонийнинг “Китабу-л-афоний” асари ўша даврдаги шоирларнинг насл-насаблари ҳакида ҳам ҳикоя қиласан.

3. Ҳишом ибн Мұхаммад Калбий ва «Китабу-л-асном» асарининг манбашунослик тадқиқи

Асар исломдан олдинги жоҳилия даврига тегишли бўлиб, арабларнинг ислом кириб келгунга қадар бўлган диний эътиқодларидан ҳикоя қиласан.

Араб манбаларида келтирилишича, Маккада Каъба ичида 360 бут-санам бўлган. Араблар қадимги бут ва санамларга бағишланған Ибн Тудойи, Жоҳиз, Ибн Калбийларнинг 3 асарини тилга оладилар. Мазкур манба-

лардан Ибн Калбийнинг «Китабу-л-асном» (“Санамлар китоби”) асари давримизга қадар етиб келган. Муаллиф Куфада туғилиб ўсан, кейин Бағдоддага келиб шу ерда вафот этади. Асарнинг баъзи қисмлари ва маълумотлар Ёқут Ҳамавийнинг “Муъжаму-л-булдон”, Бағдодийнинг “Хизонату-л-адаб” асарларидан ўрин олган.

Ҳишом ибн Калбий араб қабилалари, тарих, генеология соҳаларини жуда яхши билган. У Куфада туғилган, кейинчалик Бағдоддага қўчиб келган ва ҳижрий 206, милюдий 821 йилда вафот этган. Унинг отаси Муҳаммад Калбий (вафоти 146/763 йил) машҳур муаррих, муфассир, муҳаддис бўлган.

“Китобу-л-асном” асарида арабларнинг бут ва санамларга сифиниши, урф-одатлари, маросимлар, қурбонликлар ва бошқа ибодат, маросимлари ҳақида маълумотлар берилган. Шунингдек, асарда ўша даврдаги Арабистон ярим оролида исломнинг тарқалиши ва турли шаклдаги бут-парастликнинг йўқолиши жараёни ҳам ёритилган. Айнан шу даврда маҳаллий аҳолининг маълум қисми насронийликдан хабардор бўлганлиги ҳақидаги маълумот асарда келтирилган. Асарда Арабистон худудига тарқалган бут ва санамлар, уларга эътиқод қилувчи қавм ва қабилалар номма-ном келтирилган. Жумладан, Калб қавми Вадд санамига, Мазхиж қавми Яғус, Ҳайвон қавми Яук, Ҳимор қавми Наср, Ҳажар қавми Уззо бутларига сифинганлар. Манот эса арабларнинг умумий олий бути саналган.

1914 йилда мисрлик олим Аҳмад Закий Пошиш “Китобу-л-асном”ни нашрга тайёрлайди. Лекин номаълум сабабларга кўра, асар нашрдан чиқмайди. Асарнинг 1924 йилдаги нашри унга шуҳрат олиб келди ва кенг тарқалишига сабаб бўлди. Унинг кўлёзма нусхаси Мисрда сақланмоқда.

“Китабу-л-асном” асарини В.В.Полосин рус тилига таржима қилган ва 1984 йили чоп этилган. Ундан мундарижа, муқаддима, асосий қисм, қўшимчалар, так-

лифлар, қисқартиришлар рўйхати, библиография, исмлар, топонимлар, этнонимлар, худоларнинг номлари, муқаддаслаштирилган нарсалар номлари ва матнга оид луғат ўрин олган.

Асар жаҳоннинг турли халқлари тилларига таржи-ма қилинган. Унинг Р. Клинке-Розенберг томонидан немис тилига, Н.Фариснинг инглиз тилига, В.Аталлахнинг француз тилига, Икеда Осамонинг япон тилига қилинган таржималари мавжуд.

Умуман олганда жоҳилия даври манбалари ислом манбашунослигида алоҳида ўринга эга.

Мавзуни мустаҳкамлаши учун бериладиган саволлар:

1. Жоҳилия даври ҳакида нималар биласиз?
2. Жоҳилия даври ҳакида маълумот берувчи манбаларни айтинг.
3. Абу-л-Фараж Исфаҳоний қандай асарлар ёзган?
4. “Китаб ал-агоний” қандай асар?
5. Ибн Калбийнинг «Китабу-л-асном» асари ҳакида маълумот беринг.
6. “Муаллақот” ҳакида нималар биласиз?

Фойдаланиладиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Абу-л-Фараж Исфаҳоний. Китабу-л-агоний.т.1-XX. Бейрут. 1955.
2. Фролова Е. Ранний ислом. Наука и религия. М.: 1971.№10.
3. Ҳасанов А. Макка ва Мадина тарихи. –Т.: 1992.
4. Ҳасанов А. Қадимги Арабистон ва илк ислом.Жоҳилия асри.-Т.: 2001.
5. Аҳмад Закий. Китаб ал-аснам ан Хишам ибн Мухаммад ал-Калбий. Ал-Кахира.1924.

4-мавзу: Қуръони карим ислом манбашунослигининг асосий манбаси сифатида

1. Қуръоннинг нозил бўлиш ва жамланиш тарихининг манбашунослик таҳлили
2. Мусҳаф – ислом манбаси сифатида
3. Қуръоннинг қўлёзма, тошбосма ва замонавий нусхалари
4. Қуръони каримнинг таркибий таҳлили
5. Қуръоннинг таржималари ва уларнинг ислом манбашунослигига туттган ўрни

Мавзунинг ўқув мақсади: Қуръоннинг китоб ҳолига келтирилиши, унинг қадимий қўлёзмалари, Усмон мусҳафи, манбанинг мавжуд қўлёзма, тошбосма ва замонавий нашрлари хақида манбашунослик маълумотларини етказиши.

Таянч иборалар: Қуръон, мусҳаф, Усмон мусҳафи, Қуръоннинг қўлёзмалари, тошбосмалари, замонавий нашрлари.

1. Қуръоннинг нозил бўлиш ва жамланиш тарихининг манбашунослик таҳлили

Қуръони карим ислом таълимотининг асосий манбаи сифатида илмий аҳамиятга эга. Маълумки, Қуръон 610 йили Мухаммад (с.а.в.) 40 ёшга кир-ганда нозил бўла бошлаган. Дастлаб, Қуръоннинг “Алак” сурасидаги дастлабки 5 ояти, энг охирида “Бакара” сурасининг 281-ояти нозил бўлган. Манба-ларда “Тавба” сурасининг охирги 128–129-оятлари, шунингдек, “Моида” сурасининг 3-ояти охирги нозил бўлган оят деган фикрлар ҳам мавжуд.

Ал-Ҳоким ўзининг «Мустадрак» асарида «Расулуллоҳ (с.а.в.) атрофларида 44 та ваҳий котиблари бор эди. Улардан 14 нафарлари шахсан Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида Қуръон оятларини кўчириш ишлари билан шуҳрат қозонганлар, шу билан бирга ҳар бирлари ўзларидан кейин китобат ишлари билан шуғулланадиган ноиб тайёрлашга катта эътибор берар эдилар», деган ҳадисни келтиради.

Ибн Аббосдан ривоят қилинишича: «Расулуллоҳ (с.а.в.)га бирор оят нозил бўлса, ваҳий котибларига: «Бу оятни фалон номли суранинг фалон оятидан кейин ёзиб қўйинглар!» – деб буюрардилар.

Суралар Қуръонда ҳажмига кўра катта суралардан кичикларига қараб тартибланган.

Абу Бакр ал-Анборий «ар-Раъд» китобида шундай ёзади: “Аллоҳ таоло Қуръонни Рамазон ойининг қадр кечасида дунё осмонига бутун холида туширган”. Кейин 23 йил давомида бўлинниб-бўлинниб, баъзи сура ва оятлар содир бўлаётган воқеаларга мувофиқ, баъзилари эса саволларга жавоб тарзида нозил этилган. Ҳар бир сура ва оятни Жаброил Пайғамбаримиз (с.а.в.)га олиб келар экан, унинг қўйилиш жойини – сура ва оятлар тартибини очик кўрсатарди».

Аксарият уламолар: «Қуръоннинг сураларга бўлинниши ва уларнинг ҳар бирига ном берилиши Пайғамбар (с.а.в.) нинг суннати эканлигига иттифоқ қилганлар». Саҳобалардан келтирилган ривоятларга кўра, Пайғамбар (с.а.в.)нинг ансорлардан ва муҳожирлардан бир неча ваҳий котиблари бўлиб, улар Қуръонни узлуксиз ёзиб боришар ва тўла жам қилгандилар.

Имом Бухорий Анас ибн Моликдан ва Имом Муслим Ҳамомдан ривоят қилишларича, Қуръонни тўла жам қилган саҳобалар Убай ибн Каъб, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Собит ва Абу Зайд эди.

Имом Бухорий Анас ибн Моликдан ривоят қилган яна бир ҳадисда шундай дейилади: «Пайғамбар вафот этган

вақтларида тўрт кишидан бошқа ҳеч ким Қуръонни жам қилмаган эди: Абу Дардо, Муоз ибн Жабал, Зайд ибн Со-бит ва Абу Зайд».

Ибн Касир юқоридаги ҳолат бўйича «Бу ерда Анас тўрт кишидан бошқа деганларида фақат ансорларни кўзда тутган. Чунки муҳожирлардан ҳам жам қилганлар борлигига шубҳа йўқ», деган маълумотни келтиради.

Муҳожирлардан Усмон ибн Аффон, Али ибн Абу Толиб, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Солим мавло Ҳузайфа, Абдуллоҳ ибн Умар ва Амр ибн Ослар ҳам Қуръонни жам қилганликлари ҳақида ривоятлар бор. Қуръонни тўплам ҳолида жам қилганлар орасида Микдод ибн Амр ва Абу Мусо ал-Ашъарийлар ҳам бор эди.

Дастлаб араблар ўргасида ислом динининг тарқалиши жараёнида Расулуллоҳ (с.а.в.) Қуръоннинг баъзи оятларини араб қабилалари орасида энг машхур бўлган етти қабила лаҗжалари бўйича ўқишига ижозат берди. Шу билан Қуръон ўқилишидаги «етти қироат» йўналиши мазҳабларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

Имом Муслим Абу Саъд ал-Худрийдан Пайғамбар (а.с.): «Мен сизларга айтиб берган Қуръон оятларидан бошқа бирон нарсани мендан кўчириб ёзманглар», - дедилар, мазмунидаги саҳих ҳадисни келтирган.

Қуръоннинг жамланиш тарихи бўйича исломшунос олимлар томонидан кўплаб асар ва тадқиқотлар яратилган. Булар қаторида Суютий, Заркаший ҳамда ўтган асрда Али ибн Сулаймон Абийд, Иброҳим Абёрий, Муҳаммад Шаръий Абу Зайд, ғарб тадқиқотчиларидан Т. Нельдеке, И. Гольдциер, Р. Белл ва В.М. Уотт тадқиқотларини зикр этиш мумкин.

Қуръоннинг жамланиши илк даврда уч босқичда амалга оширилган:

Биринчи босқич: Муҳаммад (с.а.в.) хаётлик чоғида Қуръон оят ва суралари тери, хурмо дарахти пўстлоги, тош, суяқ каби нарсаларга ёзилган. Макка давриданоқ

Куръон сахифалар ва турли ашёларга ёзib борилгани қайд этилган ривоятлар мавжуд. Умуман, Куръоннинг ўзида “китоб”, “киртос”, “саҳифа” каби сўзларнинг ишлатилгани бу тушунчаларнинг арабларга яхши маълумлиги ва уларда бу нарсаларнинг ишлатилганини билдиради.

Иккинчи босқич: Ямома жангидан кейин Умар ибн Хаттобнинг таклифига кўра Абу Бакр буйруғи билан Зайд ибн Собит Куръон матнини сахифаларга ёзib жамлайди.

Учинчи босқич: Ҳузайфа ибн Ямоннинг Усмон ибн Аффонга Куръоннинг турлича ўқилиши кишилар орасида тушунмовчиликларни келтириб чиқаётгани ҳақидаги хабаридан сўнг Халифа Усмон яна Зайд ибн Собит ва бир нечта саҳобаларга Куръонни жамлашни топширади.

Хижратдан кейинги даврда Куръоннинг ёзib борилиши ва жамланишига доир Зайд ибн Собитнинг сўзи эътиборга молик: “Биз Пайғамбар (с.а.в.) ҳузурларида тери бўлакларига Куръонни ёзар эдик”. Яна унинг ривоят қилишича, “Расууллоҳ (с.а.в.) ҳузурларида ваҳийни ёзib борар эдим. У киши менга ёзib бўлганимдан сўнг “Ўқи!” дер эдилар. Мен ўқир эдим. Агар бирор нарса тушиб қолган бўлса тўғрилар эдилар”. Муслим ривоят қилишича, “Расууллоҳ (с.а.в.): Мендан Куръондан бошқа нарсани ёзib борманглар”, деганлар.

Ушбу даврда Муҳаммад (с.а.в.)га Абдуллоҳ ибн Арқам, Зайд ибн Собит, Жаъфар, Умар, Усмон, Муғийра, Муовия, Холид ибн Саъид ибн Ослар котиблик қилганликлари ҳақида маълумотлар мавжуд.

Ином Бухорийнинг “Саҳих”ида келтирилган ривоятга кўра, Умар ибн Хаттоб Абу Бакр ҳузурига келиб, Ямома куни бўлган жангда кўп қорилар ҳалок бўлгани, Куръонни билган кишиларнинг вафоти уни ёддан кўтарилишига олиб келиши мумкинлигини айтиб, жамлаш таклифини беради. Сўнг Зайд ибн Собит чақиртирилиб, унга Муҳаммад (с.а.в.)га тушган ваҳийнинг ёзувчиси бўлганлиги учун Куръонни жамлаш топширилади. Зайд ибн Собит бунга

тезда розилик бермагандан сўнг Абу Бақр унга бу вазифанинг зарурлиги ва муҳимлигини тушунтиради. Зайд ибн Собит рози бўлади ва дараҳт пўстлоғи, тери, тошларда ёзилган ҳамда кишилар ёдидаги Қуръон оятларини саҳифаларга ёзиб, жамлай бошлайди.

Маълумотларга кўра, Абу Бақр (р.а.) даврида Қуръоннинг дастлабки ёзма шаклда жамланишига қорилар, ёд билганларнинг вафоти, унинг кишилар онгидан кўтарилиш хавфи сабаб бўлган. Чунки, ислом тарихига оид манбаларда ушбу жангда 70 нафар Қуръонни ёд олган кишилар вафот этгани нақл этилади.

Жараён қандай кечганлиги борасида ривоятлар камчиликни ташкил қиласди. Уларга кўра, Абу Бақр Умар ибн Хаттоб ва Зайд ибн Собитга масжид олдида ўтиришлари ва Қуръондан деб ҳисобланган оят ва сураларни икки гувоҳ бўлган ҳолатдагина қабул қилиб, жамлашларини буюради.

Агар илгариги даврдаги жамланиш ҳақидаги ривоятларни ҳисобга олинса, тери, тош, пўстлоқ каби турли ашёларга ёзилган Қуръон суралари бу даврда қофоз саҳифаларга кўчириш ва бир жойда жамлаш иши амалга оширилгани маълум бўлади.

Ушбу жамланма “сухуф бақрия” – “Абу Бақр саҳифалари” ёки “Абу Бақр мусҳафи” сифатида номланиб, етти лаҳжани ўз ичига олган деб ҳисобланади. Мазкур мусҳаф аввал Абу Бақрда, унинг вафотидан сўнг Умар ибн Хаттобда, кейин эса, унинг қизи Ҳафсада сақланади.

Кейинги Усмон мусҳафи эса, умуман олганда, етти лаҳжадан бири Қурайш лаҳжасига кўра ёзилган.

Учинчи босқич: Усмон ибн Аффон даврида мусҳафда жамланиши. Абу Бақр ва Умар вафотларидан кейин ҳалифалик Усмонга ўтгандан сўнг орадан 19 йил ўтиб, 651 йилда Қуръонни яна жамлаш эҳтиёжи туғилди. Бу сафар энди, бир нечта лаҳжаларда ўқиб, ҳар бир ўқиш эгаси бошқасини нотўғри ва хато деб ҳисоблай бошлагандан кейин бу муаммо чора кўрилишини талаб этди.

Ривоятга кўра, Хузайфа ибн Ямон Озарбайжон ва Арманистон билан бўлган урушда иштирок этиб, мусулмонлар орасидаги бу ихтилофни пайқайди. Хузайфа бу ҳолат келишмовчиликлар кучайишига олиб келишини айтади. Чунки кишилар ўз мусҳафлари бўйича ўқишни тўғри, бошқаси хато, деб санар эдилар.

Ушбу уруш бўлаётган жойларга кўра, Шом ва Куфадаги саҳобаларнинг ўқиш услублари ва мусҳафлари ўртасида жиддий тортишув кечган, дейиш мумкин. Хузайфанинг ҳам Куфага келиб, турлича ўқиши асосидаги низолар ҳакида сўзлашига кўра ҳам, айнан ушбу шаҳар мусҳафининг бошқа яна бир мусҳаф билан ўқилишда жиддий ихтилоф бўлган. Бунгача бир нечта саҳобаларнинг мусҳафлари мусулмонлар орасида тарқалган бўлиб, минтақаларга қараб улар асосида Қуръон ўқилган. Ҳуммас аҳли – Микдод ибн Асвад, Дамашқ аҳли – Убай ибн Каъб, Куфа аҳли – Абдуллоҳ ибн Масъуд, Басра аҳли – Абу Мусо Ашъарий мусҳафлари бўйича ўқир эдилар.

Усмон олимлар билан маслаҳатлашгандан сўнг, Зайд ибн Собит, Абдуллоҳ ибн Зубайр, Саъид ибн Ос, Абдураҳмон ибн Ҳорисларни чақиради. Ҳафсада сақланаётган саҳифалар асосида китоб шаклидаги, Қурайш лаҳжасидаги ўқиш услубини ягона китоб шаклига келтириш вазифасини юклайди. Халифа Усмоннинг уларга, “агар сизлар Зайд ибн Собит билан ўқишида ихтилоф қилсангиз, унда Қурайш лаҳжасида ёзинг, Қуръон Қурайш лаҳжасида нозил бўлган”, сўзи эътиборга молик.

Усмон мусҳафи матни ягона шаклга келтирилгандан сўнг унинг жамланиш жараёнига хизмат қилган бошқа барча мусҳаф, ёзилган Қуръон бўлаклари ёқиб юборилади.

632 йилда жамланган Абу Бақр сухуфлари 651 йил жамланган Усмон мусҳафига қадар маълум маънода Қуръон лаҳжаларини сақлаб турди. Усмон мусҳафи кейинги даврда чиқиши мумкин бўлган катта ихтилофларга чек қўйди. Ҳажжож ибн Юсуфнинг саъй-ҳаракати билан

Усмон мусҳафини кенг ёйиш, мусҳафларни бирхилликка келтиришга катта ҳисса қўшилди.

Зайд ибн Собит мусҳафни тайёрлашда ўзининг илгариги тажрибасига мурожаат этган ҳолда иш олиб борган. Зайд аввало Абу Бакр сухуфлари асосида ишни амалга оширган.

Биринчи уриниш Куръоннинг кейинги жамланишида муҳим тажриба вазифасини ҳам ўтаган. Усмон томонидан тайёрланиб, ўлкаларга юборилган мусҳафлар ўқишни ягона лаҗжа асосида бўлишини таъминлашдаги асослардан бири бўлиб, ҳар бир мусҳаф билан қори масъул қилиб юборилгани унинг мавқеини мустаҳкамлаган.

Куръоннинг замонавий матни асоси Усмон мусҳафи асосида шакллантирилган, лекин унинг устида олиб борилган тадқиқотларга кўра, унда бошқа лаҗжалардаги сўзлар ҳам ишлатилган. Демак, Усмон мусҳафида Қурайш лаҗжаси асосий ўрин тутган.

Шундай қилиб, Зайд ибн Собит – Мадинага, Абдуллоҳ ибн Соиб – Маккага, Муғийра ибн Шихоб – Шомга, Абу Абдураҳмон Сулламий – Куфага, Омир ибн Абдулқайс – Басрага мусҳафлар билан ўқитиш учун масъул қилиб юборилганлар.

2. Мусҳаф – ислом манбаси сифатида

Мусҳафлар борасида мусулмон олимлари томонидан кўплаб «Расму-л-мусҳаф» илми борасидаги илмий изланишлар олиб борилган. II/VIII асрдан бошлаб Ибн Омир (ваф. 118/736) “Ихтилоф масоҳиф Шом ва Ҳижоз ва Ироқ”, Кисой (ваф. 189/805) “Ихтилоф масоҳиф ахли л-Мадина ва ахли л-Куфа ва ахли л-Басра” каби ўнга яқин асарлар яратганлар. Булардан Абу Бакр Сијистонийнинг “Китобу-л-масоҳиф” асаригина бизгача етиб келган.

Усмон мусҳафи ёзув услуби кейинги даврларда янада мукаммаллашган ва ҳозирги кунда ишлатиладиган хатдан қисман фарқ қиласиди. Шунингдек, бу ёзув адабиётларда ҳижозий деб ҳам юритилади.

Араб ёзуви асли наботий ёзувидан, у эса оромий ёзувидан келиб чиққан. Сўнг Куфа ва Ҳижоз мактаблари йўналиши асосида тараққий этган. Куфа мактабидан фарқли равишида Ҳижоз мактаби услуби майин, осон ёзилиши билан ажралиб туради. Қуръоннинг дастлабки кўллётмаларида нуқталар, ҳаракатлар, сураларнинг бошланишини ажратиш, оятларга рақамлар қўйилиши бўлмаган. Шунингдек, Усмон мусҳафида сўзлар сатр охирига сигмаган ҳолларида унинг давоми кейинги сатрга ёзилган. Кейинчалик эса сўзни сатрга сифдириш, уни бўлмаслик услуби келиб чиқди.

Куръон матнини мукаммаллаштиришнинг биринчи босқичида эъроб нуқталари қўйилган. Бу босқичда ҳаракатлар ҳозиргидагидек бўлмай, нуқталар билан ифодаланган: фатҳа ҳарфнинг устига нуқта қўйиш, касра ҳарфнинг остига нуқта қўйиш, замма ҳарфнинг ёнига нуқта қўйиш билан ифодаланган. Нуқталар асосий майдан бошқа рангда, аксарият қизил рангда белгиланган.

Умавийларнинг Ироқдаги волийси бўлган Зиёд ибн Убайдуллоҳ Абу-л-Асвад Дувалийга (ваф. 69/688й.) сўзларнинг келишигини (марфӯъ, мансуб, мажрур) яъни, эъробини ажратиш учун белгилар қўйишни буюради. Дувалий дастлаб Куръонга ҳеч нарса қўшиб бўлмаслигини айтиб, уни рад этади. Сўнг бир кун бир киши “Инналлоҳа барийъун минал мушрикина ва расулиҳи” деб, яъни “расулаҳу”ни хато ўқигани ва маъно бузилганини эшитиб, Зиёднинг олдига келиб, сўзларга белгилар қўйишга розилигини билдиради ва эъробни ифодалаш мақсадида нуқталар қўяди.

Иккинчи босқичда ҳарфларга нуқталар қўйиш амалга оширилган. Маълумотларга кўра, Абдулмалик ибн Марвон Ҳажжожга Ироқ уламоларини йиғишини ва ҳарфларни ажратиш учун нуқталар қўйиш лозимлигини айтади. Маълумки, ب, ت, ث, د, ذ, ر, ز, س, ش, ص, ض, ط, ظ, ع, غ, ف ва Ӯқаби ҳарфлар нуқталарсиз ёзилган. Ҳажжож Яхё ибн Яъмур ва Наср ибн Осимларга бу ишни амалга ошириш

буюрилади. Ҳарфларга нұқталар қўйиш эъжом нұқталари ёки забт нұқталари деб аталган.

Учинчи босқичда эъроб нұқталари ҳозирги кундаги шаклларга ўзгартырған. Чунки олдинги босқичларда қўйилған эъроб ва эъжом нұқталарининг бир-бири билан аралашиб кетиш ҳоллари кўпайди. Дувалий нұқталарни қизил рангда қўйган бўлса-да, ўкувчиларга ҳам, хаттотлар учун ҳам қийинчиликлар туғдира бошлаган эди. Тилшунос олим Ҳалил ибн Аҳмад Фароҳидий бу масалани ечиб ҳозирги ҳолатга, яъни фатҳа ҳарф устига “алиф” ҳарфини кичик ва қия тарзда чизиш билан, касра “алиф” ҳарфини кичик ва қия тарзда ҳарф остига, замма эса ҳарф устига «вов» ҳарфини кичик тарзда чизилиши билан амалга оширилған. Шу каби, “сукун”ни ифодалаш учун “хо” (ҳарфун ҳафиғ – енгил ҳарф) шаклида чизилған. Тащдидни ифодалаш учун эса “шадда” сўзидан “шин” ҳарфи кичик тарзда ишлатилған.

Мусҳаф матни янада ривожлантирилиб, хизб, жузъ, ўндан бир, бешдан бир, тўртдан бир, саккиздан бир каби кисмларга ажратилди ва уларни кўрсатиш учун маҳсус белгилар қўйилди.

Ибн Муқла томонидан насх хати қашф этилгандан сўнг Куръон ушбу хат тури билан ёзила бошланади. Матнда нұқталар ва ҳаракатлар сақланиб, ҳарфларнинг шакли аниқлаштирилиб, ёзилиши ва ўқилиши осонлаштирилди.

Усмон мусҳафининг хусусиятлари:

- Эъроб ҳаракатлари ва эъжом нұқталари мавжуд бўлмаган.
- Феълнинг кўплік шакли охирига “алиф”нинг кўшилиши.
- Ҳамзанинг айrim ўринларда ҳарфсиз сатрнинг ўртасига ёзилиши.
- “Вов” ҳарфининг айrim сўзларда талаффуз этилмасада, кўшилиши.
- “Фасл” ва “Васл” қоидаси, “ан” ва “ин” ҳарфлари

кейинги ҳарфлар билан қўшилишида баъзан ажратилиши ва баъзан қўшилиши.

– Икки қироатни қамраб олиш мақсадида сўзлардан “алиф”нинг тушириб қолдирилиши, “та марбута”нинг “та” шаклида ёзилиши.

– Тарқатилган мусҳафлардан бирига мос келувчи ўқиш услубининг мавжудлиги ва мусҳафларнинг турли қироатларни қамраб олиши мақсадида бир сўзнинг уларда турлича ёзилган сўзларнинг мавжудлиги.

Машхур тарихчи Ибн Касир (ваф. 774/1373й.) ўз давридаги Усмон мусҳафи ҳақида маълумот беради. Жумладан, “Дамашқдаги жомеъ масжиднинг шарқий руқнида сақланётгани Усмон мусҳафлари орасида энг машҳури саналади. Ушбу мусҳаф илгари Табарияда бўлган, сўнг 518/1124 йил Дамашққа олиб келинган. У жуда катта, чиройли нафис хатда, сиёҳ билан фикримча, тuya тери-сига ёзилган”, деган фикрни беради. Бу ҳақда яна Абу Абдуллоҳ Зинжоний Шом мусҳафини Ибн Фазлуллоҳ Умрий VIII аср ўрталарида кўрганини зикр этиб, ушбу мусҳаф Санкт-Петербургдаги қўлёзмалар фондида сақлангани ва кейинчалик Британия музейига кўчирилганини маълум қилади”. Ўзбекистон мусулмонлар идораси қўлёзмалар фондида Усмон мусҳафининг энг қадимий халифа Усмон қўлида сақланган қўлёзмаси сақланади.

3. Қуръоннинг қўлёзма, тошбосма ва замонавий нусхалари таҳлили

Манба ва китобларнинг нашр орқали кўпайтириш усули юзага келгунига қадар инсоният томонидан яратилган барча ёзма ёдгорликлар қўлёзма ҳолида кўпайтирилган. Қуръони карим ҳам босма усулда чоп этилишига қадар ислом тарқалган катта худудлардаги юқори савиядаги моҳир хаттотлар томонидан қўлёзма шаклида кўчирилган. Қуръоннинг Усмон мусҳафи ва Катта Лангар Қуръони каби кўплаб ноёб қадимий қўлёзмалари мавжуд ва шу

каби нусхалар Ўзбекистон, Миср, Туркия, Россия, Эрон каби қатор дунё мамлакатлари фондларида сақланмоқда. Жумладан, тарих фанлар доктори М.Ҳасанийнинг таъкидлашича, Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институтида Катта Лангар нусхаси ва ундан кейинроқ IX асрда куфий хатида кўчирилган 579 сақланиш рақами остида сақланаётган Қуръоннинг қадимий қўлёзмаси сақланади. Мазкур қўлёзма Бақара сурасининг 22-оятидан бошланган бўлиб, бундан аввалги оятлар матни йўқолган ва кейинчалик бошқа хаттот томонидан сулс хати билан тўлдирилган. Нусха Таббат сураси билан тугайди. Қолган суралар ҳам бошқа котиб томонидан ёзиб кўйилган.

Қуръони каримнинг бу қўлёзмасининг хотимаси йўқлиги сабабли унинг кўчирилиш муддати ва ўрни кўрсатилмаган. Бироқ, қўлёзманинг матн хусусиятлари ва ёзув белгиларига қараб, уни IX асрнинг бошларида кўчирилган, деб хисоблаш мумкин. Қуръон қўлёзмаларининг таҳлили матнларнинг IX асрдан бошлаб куфийдан сулс хатига алмаша бошлаганлигини кўрсатади. Мазкур қўлёзма куфий хатида битилган бўлса-да, унда сулс хатининг белгилари ҳам яққол кўриниб туради.

ЎзРФАШИ фондида Қуръони каримнинг ўз даврида Муҳаммад Порсо (ваф. 1420 й.), Садир Зиё (1867-1932), Муҳаммадали халфа Собир ўғли, Қўқон хони Худоёрхон, Хива хони Муҳаммад Раҳимхон – Феруз (1864-1910), қози калон Бурҳонуддин Садр (ваф. 1315/1897-98 й.) каби шахсларнинг кутубхоналарига мансуб бўлган санъат асари даражасида кўчирилган ноёб қўлёзмалари мавжуд.

Қуръони каримнинг қадимий қўлёзма нусхалари Ўзбекистон мустақиллиги йилларида ҳам китобат қилинмоқда. Жумладан, 2004 йилда машҳур хаттот Ҳабибуллоҳ Солиҳ томонидан Тошкентдаги Усмон мусҳафи терига қайта кўчирилган ва ҳозирда Тошкент ислом университети фондида сақланмоқда.

Қуръони каримнинг қўлёзма нусхалари Марка-

зий Осиё минтақасидаги барча кутубхоналарда мавжуд бўлган. Жумладан, ЎРФА Шарқшунослик институти фондида Куръони каримнинг 380 та нодир қўлёзмалари сақланади.

Мазкур фонд минтақамизнинг деярли барча худудларидаги 1930 йилгача мавжуд бўлган кутубхоналар, мадрасалар, хонақоҳларда сақланган қўлёзмалар, китобларни жамлаш натижасида вужудга келган.

Куръон қўлёзмалари нодир нусхаларининг етиб келишида нафақат маҳаллий зиёлиларнинг, балки диёrimизга келган элчиларнинг ҳам хизмати катта бўлган. Мусулмон дунёсидан келган ҳар бир элчи ўз юритида моҳир хаттотлар томонидан кўчирилган ажойиб нусхаларни олиб келиб, хон ёки саройдаги задогонларга ҳадя ҳам этганлар.

Шубҳасиз улар орасида Куръон нусхалари ҳам бор эди. Бу масалани ўрганиш ҳозирги кунда қуръоншунослик, манбашунослик, кутубхоначилик, давлатчилик тарихи ва бошқа соҳаларда янги маълумотларни юзага чиқаришга ёрдам беради.

Шунинг учун Куръоннинг матбааларда босилиши дастлабки даврда фақат Европа давлатларида амалга оширилган. Венецияда 1537–1538-йилларда Куръоннинг биринчи нашри чиқарилган бўлса, сўнг Гамбургда 1694-йилда нашр этилди.

Айрим маълумотларга кўра, Римда, тахминан 1499–1538-йиллар оралиғида ҳам чоп этилган. Лекин ушбу нашр Усмон мусҳафига мос эмаслиги сабабли мусулмон ўлкаларида эътиrozга учради, шу туфайли Рим Папаси томонидан мазкур нашрни ман этишга буйруқ чиқарилган.

1125/1694-йил нашр этилган Гамбург нусхаси протестантлик оқимиға мансуб Эбраҳам Хинклман томонидан нашр этилган. Мазкур нашр 560 сахифадан иборат бўлган, унда сураларнинг номи, матнда имловий хатоларга йўл қўйилган. Нашрнинг бир нусхаси Мисрдаги «Дор

ал-кутуб ал-Мисрия» фондида 176 инвентар рақами остида сақланмоқда.

Рим нашри 1698 йил амалга оширилган бўлиб, у икки қисмдан иборат: биринчи қисми Куръон матни ва таржи-маси, иккинчисида иловалар берилган. Ушбу нашр итали-ялик руҳоний Людвико Мараччи томонидан амалга оширилган бўлиб, илгаригилардан ҳарфларни аниқ ифодалаш каби бир мунча сифати яхшиланганини кўрсатади.

Куръон Россияда 1787 йил Санкт-Петербургда Мавло Усмон бошчилигида, сўнг 1848 йилда Қозонда Мухаммад Шокир Муртазо ўғли томонидан 466 саҳифада чоп этилган. Унда Усмон мусҳафига риоя этилган бўлиб, оятлар рақамлари қўйилмаган. Вақф қоидалари сатр тепаларида қўйилган. Нашрда хатоларга йўл қўйилган, бироқ улар китобнинг охирида илова тарзида келтирилган.

1834 йилда шарқшунос Флюгель томонидан Лейпцигда чиқарилган Куръон нашри кўпчилик шарқшунослар томонидан яхши қабул қилинган бўлса-да, мусулмон олимлари томонидан Усмон мусҳафига тўлиқ мос келмаслиги учун танқидга учраган.

Шу каби, Эронда 1244/1828 йил Техронда, 1248/1833 йил Табризда, 1887 йилдан кейин Ҳиндистон матбааларида нашр этилди.

Юқоридаги нусхалар ҳам Усмон мусҳафига кам ўринларда мос келиб, замонавий имло қоидалари асосида ёзилган эди.

1308/1890 йилга келиб, Қохирада Ризвон ибн Мухаммад Мухаллатий Усмон мусҳафи қоидаларига риоя этган ҳолда, Куръоннинг босма нашрини амалга оширган. У тўлиқ вақф ўринларига “то”, кифоя вақф ўринларига “коф”, вақф ҳасан ўринларига “ҳо”, солих вақф ўринларига “сад”, жоиз вақфларга “жим” ҳарфларини қўйган. Шу каби кириш қисмida Имом До-нийнинг “Муқниъ”, Абу Довуднинг “Китобут-тандзил” асарлари асосида ёзувни таҳрир этганлигини зикр этиб, илк даврда Куръон ёзилиш тарихига тўхталган.

Ушбу мусҳаф “Мухаллалотий мусҳафи” номи билан танилган. У мусҳаф олдинги нашрлардан устун бўлсада, варакларининг сифатсизлиги ва тошбосма нашрнинг қоникарли бўлмаганлиги учун Азҳар раҳбарияти томонидан бир нечта кишидан иборат гурух тузилиб, уни кўриб чиқиш иши, яъни Усмон мусҳафи қоидаларига мослик даражаси, Ҳафснинг Осимдан қилган ривоятига мувофиқлигини кузатиш, “Китобут-Тароз” асари асосида Харроznинг кўйган белгиларини текшириб, Андалус ва Мағриб ўлкалари белгиларини Халил ибн Аҳмад Фароҳидий ишлаб чиқкан эъжом ва эъроб белгилари билан ўзгартириш каби ишлар топширилади. Азҳар нашри илк бора 1342/1923 йил, сўнг яна бир бор қироат илмига оид асосий китобларга солиширилган ҳолда, айrim тузашлар киритилиб, бир йилдан кейин иккинчи марта чоп этилади.

1984 йил Саудия Арабистонида ташкил этилган Мусҳаф нашрига мўлжалланган матбаа томонидан Қуръон асосан Ҳафснинг Осимдан қилган ривояти бўйича чоп этиб келинмоқда. Ушбу мусҳаф хаттот Усмон Тоҳа томонидан ёзилган намуна асосида тайёрланган бўлиб, асосий хусусияти унда ҳар бир бетнинг охирида оят тугайди.

Ҳозирда Ҳафснинг Осимдан ривояти асосида оятларни ҳар бир бетда тугамай кейинги бетга ўтадиган шаклда ҳам тайёрланган. Шу билан бирга, ушбу матбаада Варшнинг Нофеъдан қилган ривояти асосидаги мусҳаф ҳам нашр этилган.

Ҳозирда мазкур матбаа томонидан бир йилда 10 миллиондан ортиқ нусха чоп эттириш йўлга қўйилган бўлиб, ислом оламида Ҳафс ривояти бўйича ўқиш услуги тарихда мисли кўрилмаган ҳолда тарқалмоқда.

4. Қуръони каримнинг таркибий таҳлили

Қуръон ва унинг таркибий тузилиши бўйича Заркаший, Суютий, Манноъ Қаттон, Т. Нёльдеке, Н. Остроумов,

А.Мансуров, Р.Обидовлар илмий тадқиқотлар олиб боргандар.

У ақида, шариат қонун-қоидалари, тарихий қиссалар, одоб-аҳлоқ масалалари акс этган масдар бўлиб, ислом динига оид турли илм ва фан йўналишларининг ажralиб чиқишига ижобий таъсир кўрсатган.

“Қуръон” сўзи “қарања” – “ўқимок” сўзининг ўзагидан олинган “мафъул” бўлиб, “ўқиладиган нарса” маъносини билдиради. Истилоҳий маънода “Аллоҳнинг Муҳаммад (с.а.в.)га туширган, сахифаларга ёзилган, тавотурлик даражасида нақл этилган, тиловати билан ибодат қилинадиган сўзи”, деб таъриф берилган. У манбада “Китоб”, “Фурқон”, “Зикр”, “Калом”, “Қавл”, “Танзил” номлари билан ҳам аталган. “Қуръон” сўзи 70 дан ортиқ оятларда келгани учун муқаддас китобнинг асосий номига айланган. Қуръон жамлангандан кейин “мусҳаф” деб ҳам атала бошланди.

Қуръон билан боғлиқ ибора “вахий” бўлиб, у “тез суръатда, махсус, махфий тарзда тегишли кишига билим ва маълумотни билдириш” истилоҳий маъносини англатади. Қуръонда “вахий” сўзи “васваса” маъносида жин ва шайтонларнинг бир-бирларига махфий тарзда маълумот бериши ҳамда “илҳом” маъносида Аллоҳнинг асалирларга йўл-йўрик кўрсатганида, “амр” маъносида Исо хаворийларига нисбатан имон келтиришга буюрилганларида ишлатилган. Лекин “вахий” сўзи асосан Аллоҳ томонидан пайғамбарларга билдирган сўзларига нисбатан ишлатилган.

“Сура” сўзи араб тилида “юқорилик”, “баландлик” маъноларини билдиради. Унинг келиб чиқиши бўйича турлича қарашлар мавжуд. Баъзилар унинг иврит тилидаги “шурах” (қатор) сўзидан келиб чиққанини айтганлар. Яна бошқа қарашга кўра, бу сўз қадимги сурия тилидаги “шурта” “сурта” (ёзув) сўзларидан келиб чиқкан.

“Сура” сўзи “бошланиш, тугалланиш ва номларга эга камида уч оятдан иборат Қуръон қисмлари”га нисбатан қўлланилади.

“Оят” сўзининг маъноси эса, “белги”, “аломат”, “мўъжиза”, “хужжат” маъноларини билдириб, “Қуръон-нинг алоҳида, олдинги ва кейингиларидан узилган, бошланиши ва тугаши бўлган бўлаклари”га айтилади. Оят кўпинча бир жумлани ўз ичига олади. Шунингдек, оядта бир нечта жумла бўлиши ёки бир нечта оят бир жумлани ифодалаши мумкин. Оятларнинг белгиланиши ваҳий асосида бўлган деган қараш кўпчилик уламолар томонидан қабул қилинган. Ривоятга кўра, сахобийлар Пайғамбар (с.а.в.)дан ваҳийни тинглаётганларида бироз тўхташ ва қаломни вақтинча узишларидан билиб борганлар. Шунга биноан “оят” атамаси Қуръонда қаломнинг ўзидан олдинги ёки кейингисидан узишда белги-аломат асосида бўлганидан келиб чиқкан.

Ваҳийнинг тушиши баъзан муайян вақт кетма-кетлигига, баъзан узилишлар билан, баъзан бирор саволга жавоб сифатида, баъзан масала юзага келган ҳолатда, баъзан сабабсиз нозил бўлган.

Оятлар ўнта, бешта, ёки ундан кам ёки кўпроқ ҳажмда тушган. Баъзан бир оятнинг ярми тушиб, кейин қолгани нозил бўлган. Узун суралардан Мурсалот, Сафф, Аньом суралари тўлиқ ҳолда тушган.

Қуръон суралардан, улар эса, оятлардан таркиб топган. Сурага “боб” сифатида ҳам таъриф берилади. Қорилар томонидан ёдлаш ва эслаб қолишга осон бўлиши учун қисмларга бўлинган. Рубъ (чорак), хизб (бўлим) ва жузъ (пора)ларга бўлиниб, Қуръон 240 рубъ, 60 хизб, 30 жузъдан иборат. 1 жузъ хозирги энг кўп тарқалган Мадина мусҳафида 20 бетни, 1 хизб 10 бетни, 1 рубъ 2,5 бет ва ундан ортиқроқни ташкил қиласи. Қуръонни айнан шундай тақсимлаш кўпчилик олимлар томонидан қабул қилинган.

Суралар қүйидагиңа ҳам тақсум қилинади:

1. Сабъ тувол – Етти узун суралар. Улар: Бақара, Оли Имрон, Нисо, Моида, Аньом, Аъроф, Тавба.
2. Миъун – Юзликлар. Улар: Етти узун сурадан кейинги юзга яқин оят ёки ундан ортиқ суралар. Юнус сурасидан Намл сурасигача бўлган қисм.
3. Масоний. Юзликлардан кейинги туркум суралар. Бу “Қасас” сурасидан “Хужурот”гача бўлган қисмни камраб олади.
4. Муфассал. Масонийлардан кейинги туркум суралар. “Муфассал” деб номланишининг сабаби сураларнинг қисқалиги учун “басмала” билан тез-тез узилиб туришидандир. Ушбу суралар туркумининг бошланиши “Қоф”сурасидан то “Нос” сурасигачадир.

Куръон сураларининг ҳар бири алоҳида ном билан аталган, айримларининг икки ва ундан ортиқ номлари ҳам зикр қилинади. Сураларнинг номланиши ўзига хос услубида амалга оширилган.

Куръонда 114 та сура, 6236 оят, 77937 та сўз, 323015 та ҳарф мавжуд. Энг катта сура «Бақара» 286 оятдан, энг қисқа сура “Кавсар” 3 оятдан иборат. Энг узун оят “Бақара” сурасининг 282-ояти бўлиб, унда 128 та сўз, 540 та ҳарф ишлатилган. Энг қисқа ояtlар “Ва-з-зуха” (Зухо: 1) ва “Ва-л-фажр” (Фажр:1) саналади.

Ислом манбаларида Куръоннинг нозил бўлиши 610 йилдан бошлангани ва 622 йилга қадар Маккада 632 йилга қадар Мадинада нозил бўлганлиги ҳақида маълумот берилади.

Куръон ояtlари куну тун, муқим бўлиб, сафарда бўлмаган ҳолатларида нозил бўлган. Маккий ва маданий суралар Куръон илмларида алоҳида ўрин тутади. Қисқача таъриф бериб айтилганда, маккий суралар асосан яккахудоликка чақириш, тавҳид мавзусини қамраб олган бўлса, маданий сураларда шаръий ҳукмлар асосий ўрин тутади.

Шу боис, ислом динининг илк даврларидан бу илмни билиш, оят ва су-раларнинг нозил бўлиш жойи, замонига қараб ажратишга эътибор берилади.

Энг кенг тарқалган қарашга кўра, маккий суралар 86 та, маданий суралар 28 та. Маккий ояtlар 4603 та, маданий ояtlар 1633 та. Шунга кўра, Қуръоннинг деярли тўртдан уч қисми Маккада, тўртдан бир қисмидан ортиқроғи Мадинада нозил бўлган. Фоиз ҳисобида тақрибан 74% –26%.

Маккий ва маданий суралар ҳақида ҳадис тўпламларида маълумотлар мавжуд.

Юқоридаги ихтилоф ва мунозаралар туфайли кўпчилик Қуръон илмларига оид асарларда турли рақамлар келтирилади. Уларнинг орасида маккий ва маданий суралар нисбатини 85/29, 87/27 деган қарашлар ҳам бир нечта уламолар томонидан кўллаб-қувватланган.

Қуръоннинг маккий сураларида маданий ояtlар ҳамда аксинча маданийларида маккий ояtlар мавжуд.

Қуръон нозил бўлиши тартибига кўра эмас, балки нозил бўлган ояtlар мажмуаси ёки ояtlар кўрсатма асосида ҳамда қисман саҳобийлар ижтиҳоди билан тартибга солинган. Натижада, Усмон мусҳафи ва у асосда ҳозирги кунимиз мусҳафи тартиби шаклланган.

5. Қуръон таржималари ва уларнинг ислом манбашунослигига тутган ўрни

Қуръоннинг Европа тилларига таржималари борасида олиб борилган тадқиқотларга кўра, энг дастлабки таржи-ма лотин тилига қилинган бўлиб, Петр Достопочтенный (1092-1156) буйруғига кўра, 1143 йилда Петр Толедский, Петр Пуатъелар томонидан амалга оширилган. Бу таржи-ма ўз даври имконият ва талабларига кўра, асосан ислом динига танқидий ёндашув асосида амалга оширилгани тадқиқотларда зикр этилган. Ушбу таржима Европада Қуръонни ўрганиш бўйича дастлабки қадам бўлди ва XVI асрдан бу борада янги ишлар юзага кела бошлади.

1530 йилда Венецияда, 1543 йил Библиандр Роберт Кеттонский томонидан амалга оширилган Қуръоннинг лотин тилига таржимаси нашр этилди. XVII асрда ислом динига қизиқиши янада ортди. 1649 йил Александр Росс томонидан Қуръон биринчи бор инглиз тилига таржима қилинди. Ушбу таржиманинг камчилиги унинг араб тилидан эмас, балки француз тилидан амалга оширилганлигига эди. 1698 йилда италиялик Людовик Мараччи томонидан Қуръоннинг араб тилидаги нашри, 1734 йилда Лондонда Жорж Сейл тарафидан Қуръоннинг янги инглиз тилидаги таржимаси чоп этилди. Унга муаллиф таржима билан бирга изоҳлар ҳам берган, бунда асосан Байзович нинг шарҳига кўпроқ таянган.

XIX асрда, 1834 йил Густав Флюгель томонидан тайёрланган Қуръоннинг араб тилидаги нашри ғарб қуръоншунослигига мурожаат этиладиган манбалардан бўлди.

Юкоридагилардан кўриниб турибдики, бу даврга қадар Қуръонни ўрганиш асосан унинг нашри ва таржимасига эътибор қаратиш юзасидан амалга оширилди.

1843 йил “Мұхаммад пайғамбар (с.а.в.) нинг ҳаёти ва фаолияти”га доир китоб ҳамда “Қуръонга тарихий-танқидий муқаддима” номли Густав Вайлнинг тадқиқоти эълон қилинди. Ушбу иш Европада қуръоншунослик соҳаси бўйича бу даврга қадар амалга оширилганлари орасида салмоқлироқ бўлди. Унинг шогирдларидан Алойс Шпренгер ва Уильям Миуир ўз устозларидан фарқли равишда Мұхаммад (с.а.в.) ҳаётини ёритишида ишончлироқ манбаларга асосланганлари учун уларнинг тадқиқотлари мукаммалроқ кўринишга эга бўлди. Шпренгернинг пайғамбар ҳаётига бағишлиланган тадқиқоти 1851 йил Ҳиндистонда, сўнг 1861–1865-йилларда З жилдлик “Мұхаммаднинг ҳаёти ва таълимоти” номли асари немис тилида нашр этилди. Ушбу асарнинг кириш қисми қуръоншуносликка бағишлиланган бўлиб, унда маккий ва

маданий суралар, Қуръоннинг жамланиши борасида сўз юритилган.

Юкоридагилардан ғарб шарқшунослари ишончли манбаларга мурожаат этмаганлари, балки турли асарлардан ишончли ва ишончсиз маълумотларни ишлатиш ва илмий муомалада таҳлилсиз фойдаланиш услуби қўлланилгани намоён бўлади. Бу тадқиқотлар асосан Қуръонга танқидий ёндашув кўпроқ устун бўлган даврда юзага келган бўлиб, шунга кўра ислом дини, унинг манбалари, Пайғамбар тарихини ўрганиш бошланғич босқичда бўлган дейиш мумкин.

Юкорида кўрсатиб ўтилган изланишлар қамровини кенгайтириш мақсадида 1857 йил Париж Ёзма ёдгорликлар ва бадиий адабиётлар академияси Қуръонни тадқиқ этишга бағишлиган танлов эълон қилди. Бу ҳаракат қуръоншунослик соҳасини янги поғонага олиб чиқди. Танлов иштирокчиларига қўйидаги вазифа кўйилган эди: “Қуръон қисмларининг бошланғич кўриниши, тартиби ҳамда қай йўсинда амалга оширилгани, Мухаммад пайғамбарнинг ҳаётига оид Қуръонда зикр этилган ўринлар, буни ёритишда араб тарихчилари ва муфассирлари асарларидан фойдаланиш, Қуръоннинг энг дастлабки даврда талаффуз қилинишидан, то унинг ҳозирги кундаги ҳолатигача бўлган даврдаги ўзгаришларини ўрганиш, қадимги нусхаларни ўрганиш, бунда уларнинг турли қироатларда ўқилишини аниқлаш”.

Ушбу танловда Алойс Шпренгер, италиялик Мишель Амари ҳамда Теодор Нёльдекелар иштирок этдилар. Нёльдеке 1856 йилда Қуръоннинг келиб чиқиши борасида тадқиқотини нашр этган эди. Ушбу танловда айнан у ғолиб чиқди. 1860 йилда академия маблағи ҳисобидан “Қуръон тарихи” номли кейинги давр тадқиқотлари учун асос бўлган асарини нашр этди.

Т. Нёльдеке 1898 йили ушбу ишнинг иккинчи нашрини тайёрлашни Фридрих Шваллига топширади. Қуръоннинг

келиб чиқишига бағишланган қисми 1909 йилда Лейпциг-да нашр этилди. Қуръоннинг тузилишига бағишланган иккинчи қисми 1919 йилда чоп этилди. Швалли шу йил вафот этгандан сўнг, учинчи Қуръон матнлари тарихига бағишланган қисми Г. Бергштрассер томонидан ишлана бошланди. Учинчи китобнинг учдан икки қисми 1926 ва 1929 йилларда чоп этилди. У ҳам вафот этганидан кейин китобнинг қолган қисми устида ишлаш энди Отто Претцлга ўтди. Шу тарзда Т. Нёльдеке тадқиқотининг қайта ишланиши узоқ даврни ўз ичига олиб, асосий тўрт шарқшунос олимнинг бу борада қунт билан ишлашига тўғри келди. Китоб биринчи нашридан 68 йил кейин, қайта ишланиши бошлангандан 40 йил кейин тугатилди. Албатта бу давр мобайнида тадқиқот бойитилди. Бу эса ўз навбатида унинг илмий қадри ортишига замин яратди.

Т. Нёльдеке қуръоншунослик борасида тадқиқотлари ни давом эттирган бўлиб, “Қуръон тили ҳақида” номли тадқиқотини яратган. 1902 йили Хартвиг Хиршфельд “Қуръоннинг тузилиши ва шарҳлари бўйича янги изланишлар” номли ишини нашр эттирди.

Йозеф Хоровицнинг “Қуръон тадқиқотлари” номли асари қуръоншуносликда муҳим аҳамият касб этди. Унда муаллиф Қуръондаги қиссалар ва исмлар борасида изланиш олиб борган. Артур Жефферининг “Қуръонда чет тили лексикаси” номли тадқиқотида бу борадаги изланишларнинг хulosаси берилган.

Шунингдек, Игнац Гольдциернинг “Ислом тафсир ийўналишлари” номли тадқиқоти ҳозирга қадар ғарб шарқшунослиари томонидан машҳур ва қимматли асар сифатида тан олиниб келинмоқда. У қўплаб масалаларга янгича қарашлари билан муносабат билдирган. Масалан, унинг фикрига кўра, “Қуръон матнларини тузиш қисман шарҳлашни ўз ичига олган”.

XХ асрда Ричард Белл, Режи Блашер ва Руди Парет каби олимлар Қуръонни ўрганиш бўйича алоҳида аҳамиятга молик ишларни амалга оширилар.

Р.Беллнинг тадқиқотлари маърузалар тўплами сифатида 1926 йилда “Исломнинг христиан муҳитида пайдо бўлиши” номи остида нашр этилган. Шу каби Қуръон таржимасига бағишланган асарига унинг тадқиқот натижалари киритилган. Унинг изланишлари тўлдиришлар билан “Қуръоншуносликка кириш” тадқиқотида шогирди Уильм Монтгомери Уотт томонидан нашр этилган.

Р.Блашернинг “Қуръон: сураларни классификациялаш тажрибасига кўра” деб номланган Қуръон таржимасига бағишланган асарининг биринчи жилди фақат кириш қисмидан иборат бўлиб, қимматли тадқиқот сифатида юзага келди. Ушбу тадқиқот 1959 йил алоҳида нашр этилган. У Қуръон матнларини жамлаш тарихи, қироат турлари, хат турлари ва шу каби масалаларга бағишланган.

Р.Паретнинг энг аввало “Мұхаммад ва Қуръон” номли тадқиқоти ва “Қуръон тарихий манба сифатида” мақоласини айтиб ўтиш лозим. Унинг томонидан тайёрланган Қуръоннинг немис тилига таржимаси тўрт нашрда амалга оширилган.

Шубҳасиз, ҳозирги кундаги ғарб тадқиқотлари учун асос вазифасини 1860 йил нашр этилган Т. Нёль-декенинг “Қуръон тарихи” асари ўтаб келмокда. Ушбу тадқиқот юқорида айтилганидек, бир неча авлод ғарб шарқшунослари томонидан тўлдирилиб, сайқал берилди ҳамда уч жилдда 1937 йилда мукаммал нашр сифатида мутахассисларга ҳавола этилди.

Тадқиқот адабий, тарихий тадқиқотлардан таркиб топган бўлиб, Қуръон матнлари тарихини ўрганиш, уларни инсоният тарихи ҳужжати сифатида тадқиқ этиш йўлини тутади. Биринчи жилд қўйидаги асосий мавзуларни ўз ичига олади: Мухаммаднинг пайғамбарлик фанологияти ва ваҳий, Қуръон қисмларининг асоси (маккий ва маданий суралар, насх бўлган оятлар). Унда муаллиф томонидан Қуръонни анъанавий тарзда Макка ва Мадина даврларига бўлинган ҳолда ўрганилсада, маккий суралар

услубий ва мазмуний жиҳатдан таҳлил қилиниб яна уч даврга ажратилади. У Макка даврининг биринчи босқичи суралари қискалиги, кўплаб қасам сўзлари ишлатилиши, пайғамбарлик мазмун-моҳияти ва бу билан мушрикларни қаноатлантиришга эътибори билан ажралиб туришини таъкидлайди. Иккинчи Макка даври сураларида ваъз ва огоҳлантириш услуби устун бўлгани, Аллоҳнинг ваъда ва таҳдидларининг рост эканлигини таъкидловчи маънолар юзага чиқади. Учинчи босқич эса, услугуб жиҳатидан олдингисидан кўп фарқ қилмаслиги, кофирларга нисбатан таҳдидларнинг кучайиши билан ажралиб туриши айтилади. Иккинчи жилд қуидаги асосий мавзуларни ўрганади: Ваҳийнинг Мухаммад даврида ёзиб борилиши, сураларга бўлиш, расмий бўлмаган Қуръонни жамлаган саҳобийлар, Қуръон нусхалари, Зайд ибн Собитнинг дастлабки жамлаши, Усмон мусҳафидан бошқа мусҳафлар, Халифа Усмон даврида мусҳафнинг шаклланиши, Қуръоннинг муқаддас китоблар билан алоқаси, Муҳаммадийлик манбалари, Қуръоннинг шаклланиши, сура ва оятлар бўйича замонавий христиан тадқиқотлари кўрсаткичи. Унда Зайд ибн Собитнинг Қуръонни биринчи жамлаши, сўнг Усмон мусҳафининг жамланиш тарихи ривоятлар асосида таҳлил этилади ҳамда Усмон мусҳафидан олдинги бошқа мусҳафлар билан қиёсий таҳлил қилинади. Унинг шаклланиш тарихи ва тартиби ривоятлар асосида муфассал ўрганилади. Мусҳафнинг айрим ўринлардаги ўзгартиришлар мавжуд деб қабул қилинган ҳолда изланиш олиб борилади.

Учинчи жилд Қуръон матни тарихи, муқаддима ва уч фаслдан иборат: биринчи фасл расм (Усмон мусҳафининг ёзилиш шакли), иккинчиси кироат, учинчи фасл Қуръон кўлёзмалари, унда яна Қуръоннинг қадимги қўлёзмалари намуналари бўлими келтирилган. Қуръон матнлари борасида изланиш олиб борилади. Қироатлар ҳамда Усмон мусҳафи расми бошқа мусҳафларга кўра ўқиш билан

қиёсий таҳлил этилади. Қироат илми бўйича фаолият кўрсатган машхур қорилар, қироат турлари ва хусусиятлари тадқиқ этилади ҳамда ўз давридаги Куръон қўлёзма нусхалари тўғрисида сўз юритиш билан ниҳояланади.

Россияда Куръоннинг ўрганилиши 1453 йили Усмонли туркларнинг Константинополь (Истамбул) шаҳрини босиб олгандан кейин бошланган. XVII асрларда Россияда ислом дини ва Куръон бўйича асосий манбалар юонон, лотин, поляк, немис, инглиз, француз ва бошқа гарб тилларига таржима қилинган асарларни ташкил қиласр эди. Ушбу асарларда асосан Куръон, умуман, ислом динига нисбатан танқидий қарашиб устун бўлган.

1552 йили Иван Грозний Қозон хонлигини бўйсундиргач, Россиянинг қўшни мусулмон давлатлари маданияти, урф-одатлари, анъаналарини ўрганиши янги босқичга ўтди. XV–XVII асрларда Литвада Куръоннинг ilk бор шарқий славян нусхаси ёки белорус тилидаги таржимаси вужудга келди. Таржима Литва княzlари хизматида бўлган бир гурух татар зиёлилари томонидан амалга оширилган.

Пётр I даврига келиб, Россияда Куръонни илмий ўрганиш, таржима қилиш ва уни тарқатиш кенг қамровли тарзда амалга оширилди. Бу соҳада у Голландия, Англия, Германия исломшунослик марказлари тажрибаларига таянди. Пётр I буйруғига биноан 1716 йили Петербургда Куръоннинг рус тилига қилинган ilk таржимаси чоп этилади. Рус тилига дипломат ва шарқшунос Андре дю Рие (1580–1660) томонидан амалга оширилган таржимаси ва 1647 йил Парижда, Германияда 5 марта чоп этилган таржима асосида яратилди.

Куръон бўйича тўлиқроқ ахборотга эга бўлишни ҳоҳлаган Пётр I йирик давлат арбоби, олим, Германия Фанлар академиясининг фахрий аъзоси, Туркияда истиқомат қилиш натижасида ислом динини яхши тушунган, форс, араб, турк тилларини яхши эгаллаган исломшунос олим Дмитрий Кантемир (1673–1723) зиммасига

Қуръон мазмунининг батафсил баёнини ва Мұхаммад (с.а.в.)нинг ҳаёт йўлларини холис илмий ёритиб бериш вазифасини юклайди. Лотин тилидан таржима қилинган Дмитрий Кантемирнинг “Мусулмонлар китоби ёхуд Мұхаммад динининг аҳволи” номли китоби 1722 йили Санкт-Петербургда чоп этилди.

Шарқда, хусусан, мусулмон ўлкаларида Россия манфаатларининг ўсиши оқибатида маҳсус қўчма араб шрифтли босмахоналар ташкил этилди. XVIII аср ўрталарига келиб, Қуръоннинг моҳиятини очиб берувчи ва илоҳий китоб эканлигини ёритувчи рус тилидаги асарлар, матбуот нашрларида ислом дини ва Қуръон ҳақида ғарб тилларидан таржима қилинган ҳамда асл нусхадан олинган маълумотлар, мақолалар сони қўпайиб борди.

Россия қуръоншунослиги тарихида янги босқич Екатерина II ҳукмронлик қилган давр билан боғлиқдир. Россиянинг турклар билан бўлиб ўтган жангларида қўлга киритилган ғалабалар, Крим хонлигининг қўшиб олиниши ва бошқа мусулмон ўлкалари босиб олинганидан сўнг янгича ёндашув зарурати пайдо бўлди. 1783 йили Крим хонлиги қўшиб олингач, Россия ҳукумати мусулмонларнинг ҳақ-хукуқларини ҳимоя қилиш бўйича йирик шахарлар, мусулмон ўлкаларида татар, форс, араб тилларини ўқитиш бўйича ўқув юртлари ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилди. Россия олий ўқув юртлари қошида “Исломшунослик” марказлари ташкил этилиб, Қуръонни ўқиши ва унинг сураларини шарҳлаш бўйича ҳам дарслар киритилди. Натижада, XVIII–XIX асрларга келиб, Россияда исломга, Қуръонга нисбатан илмий ёндашув шакллана бошлади. Бунда Қозон Рухоний Академияси мусулмон устоз ва талабалари илмий ишлари салмоқли ўрин тутди.

1787 йилга келиб Россияда, Петербург шаҳрида Екатерина II буйруғи билан биринчи бора Қуръоннинг арабча, Петербург нусхаси босмадан чиқарилди. Екатерина II фикри билан айтганда бу ҳаракатлар “ислом динига ки-

риш ёки уни тарғиб этиш эмас, балки, мусулмонларни бирлаштириб тура диган ва ўзига тортадиган Қуръонга кўл солиб кўриш” эди. Қуръоннинг юқоридаги арабча нусхаси мулло Усмон Исмоил нусхаси асосида тайёрланниб, 1789–1798-йиллар мобайнида Петербургда 5 маротаба босмадан чиқди. 1802 йил император буйруғига асосан Петербургдаги араб шрифтидаги мусулмон типографияси Қозонга ўтказилди. Европада хусусан, Россия мусулмон ўлкаларида бу нусха Қозон нусхаси номи билан машхур бўлди.

XVIII аср охирларида М.И.Веревкин Қуръоннинг Дю Гиен томонидан амалга оширилган французча таржимасидан рус тилига ўгириши Россияда фан ва адабиёт ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Масалан, А.С.Пушкин, П.Я.Чаадаев, Л.Н.Толстой, В.С.Соловьев, М.Л.Михайлов асарларида Қуръон таъсири намоён бўлди.

XIX асрнинг иккинчи ярмидан Россияда Қуръонни ўрганиш Германия, Франция, Англиядаги изланиш ва ёндашувлардан фарқ қила бошлади. Бу даврда Россия таркибиға киритилган мусулмон ўлкаларининг мавжудлиги масалага ўзгартиришлар киритди. У ҳам бўлса, энди Россияда мусулмон ҳалқлар билан бирмунча келишувга киришиш ва шу орқали ўз таъсирини сақлаб туриш мақсад қилинган эди. Бу даврда энди танқидий ёндашув билан бирга, илмий холислик асосида қараш пайдо бўла бошлиган эди.

1859 йилда, Қозон илоҳиёт академияси қошида очилган Шарқ тиллари кафедраси томонидан Қуръоннинг ҳукмий оятлари ҳақида хабар берувчи, ёки Қуръонда адабий, тарихий, ҳуқуқий диний соҳалар бўйича билдирилган оятларни шарҳлашга бағишинган китоб, яъни “Конкорданс” асари нашр этилади. Бу китоб муаллифи Қозон Университетида биринчи Форс кафедрасига асос соглан форсшунос олим Мирзо Муҳаммад Али-Ҳожи Қосим ўғли Казембек (1802–1870) бўлиб, унинг Россияда ярат-

ган бу иши Россия исломшунослигининг ғарбча талқин ва қарашлардан узоклашишига имкон яратди.

1878 йили Қозон илоҳиёт академиясининг таникли шарқшуноси, православ эътиқодининг тарғиботчиси Г.С. Саблуков томонидан Куръон араб тилидан рус тилига ўгирилди. Таржима факат “Татар исломшунослиги” тажрибасига таянганлигига қарамасдан, миссионерлик, танқидий фикрларга асосланганлиги ва кенгайиб бораётган Чор Россияси манфаатларини, христианликни тарғиб этганлиги учун халқ орасида кенг танилди ва қайта-қайта нашр этилди.

Таникли рус шарқшунос олими А.Б.Холидовнинг фикрича, бу даврда Россиянинг 8 та энг йирик шаҳарларида араб шрифтига асосланган типографиялар ташкил этилган. Ушбу типографиялар кўмагида 1787 йилдан то 1917 йилга қадар 172 та Куръон, 191 та Куръоннинг еттидан бири (ҳафтияк), юздан ортиқ Куръоннинг алоҳида сураларига бағишлиган тафсирларнинг нусхалари нашр этилган.

1917 йилги инқилобдан кейин то 1935 йилларга қадар, Россияда ҳокимият тепасига келган Советлар хукумати бу борада Чор Россияси каби маълум маънода мусулмонлар билан келишиш йўлидан борган. Масалан, 1917 йили В.И.Ленин буйруғи билан 1869 йилда Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман томонидан Санкт-Петербург халқ кутубхонасига Самарқанддан олиб келинган Куръоннинг энг қадимий Усмон мусхифини ўз диёрига қайтарилишини мисол қилиш мумкин. Шунингдек, инқилобдан кейин ҳам ижодий фаолият олиб борган В.В.Бартольд (1869–1930), Л.Е.Кримский (1871–1941), А.Ф. Шебунин (1867 йилда туғилган), И.Ю.Крачковский асарларида Россиядаги қуръоншунослик ривожига алоҳида бўлимлар ажратилган.

1921–1930-йиллар мобайнида И.Ю.Крачковский Куръоннинг навбатдаги русча таржимасини яратади. Ака-

демик И.Ю.Крачковский 1951 йил вафот этган бўлса-да, таржима 1963 йилда нашр этилди. Мазкур иш араб филологик, тилшунослик нуқтаи назаридан ёритилганлиги учун илмийлик жиҳатдан барча русча Куръон таржималаридан, қолаверса, бир қатор ғарб таржималаридан ҳам устунликка эга.

80-йиллардан кейин СССР ўз алоқаларини Яқин Шарқ ва Ўрта Шарқ мусулмон давлатлари билан мустаҳкамлашга эътибор қарата бошлади. Эронда содир этилган ислом инқилоби, Яқин Шарқда вужудга келган диний фанатизм, фундаментализм, ваҳҳобийлик ҳаракатларининг сиёсий тус олиши исломга нисбатан ёндашувга бир-мунча ўзгартиришлар киритишини тақозо этди. Натижада, К.С.Кашталёва, П.А.Грязневич, М.Б.Пиоторовский, С.М.Прозоров, Е.Резванлар каби олимлар етишиб чиқиб, қуръоншунослик бўйича рус исломшунослигининг на-мояндалари бўлмиш В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, Л.Е.Кримский йўлларини тутдилар.

Хозирги пайтда Куръоннинг рус тилидаги қуйидаги таржималари асосий ўрин тутиб келмоқда:

1. Куръон таржимаси Дмитрий Николаевич Богуславский томонидан 1871 йилда қилинган бўлиб, араб тилидан рус тилига ўғирилган биринчи таржима деб тан олинди. Таржима кўпроқ бадиий услубда амалга оширилган, ўз даврида нашр этишга рухсат берилмаган бўлиб, 1995 йил Москвада нашрдан чиқди.

2. “Куръон” (мусулмонларнинг қонун китоби) – Гордий Семёнович Саблуков таржимаси 1878 или Қозонда, кейинчалик 1896, 1907, 1990, 1991 йилларда нашр этилди.

Гордий Семёнович Саблуков (1804–1880) таржимаси асл арабча нусхадан рус тилига ўғирилган иккинчи йирик таржима деб тан олинди. Лекин олим таржимасига миссионерлик нуқтаи назаридан ёндашиши оқибатида, Куръон моҳиятини ёритишда кўпгина хатоларга йўл қўйган.

3. “Куръон” – Игнатий Юлианович Крачковский

(1883–1951) таржимаси илк бор 1963 йилда Москвада, кейинчалик 1986, 1989, 1990, 1991, 1998-йилларда қайта-қайта нашрдан чиққан. Таржима асл нусхадан рус тилига ўгирилган учинчи таржима бўлгани сабабли сўзма-сўз, маъноларига путур етказилмаган ҳолда қилинган. Таржимада Куръонга нисбатан билдирилган салбий фикрларни бартараф этиш, холисона ёндашув кўзга ташланади. И.Ю.Крачковский академик ва араб адабиёти, тарихи, маданияти, тилини пухта билуви филолог ва шарқшунос олим эканлиги учун, унинг таржимаси илмий қиммат ва устунликка эга.

4. “Куръон” – Валерия Михайловна Порохова таржимаси 1991, 1995, 1997-йиллар китоб шаклида нашр этилган. Таржиманинг бошқа таржималардан фарқли томони, таржимон таржимага шеърий услуг жиҳатидан ёндашганлигидадир. В.М.Порохова яратган таржима биринчи рус муслима аёли яратган таржимадир. 1997 йил Қоҳирада “ал-Азҳар” университети қошидаги Халқаро Исломшунослик Академияси куръоншунослари бу таржима тўла ислом рухиятида ёзилганлигини тан олдилар.

5. “Куръон” – Мұхаммад Нури Османович Османов таржимаси. 1995, 1999-йиллар Москва да нашр этилган. Олдинги таржималардан мусулмон олими ёзганлиги сабабли, ислом манбалари асосида яратилганлиги, илмийлиги, ўтган тафсир соҳаси олимлари тажрибаларига таянилганлиги билан ажralиб туради.

6. “Муқаддас Куръон” номли таржима 5 йил давомида Эльмир Кулиев томонидан амалга оширилган бўлиб, 2002 йили Саудия Арабистонида, Мадина шаҳридаги Фахд Куръон босмахонасида чоп этилган. Ушбу таржима ҳам мусулмон олими томонидан яратилгани сабабли ислом муфассирлари сўзлари ва нақлга асослангани билан ажralиб туради. Таржимон ушбу нашрни яратишда машхур муфассирлардан Қуртубий, Ибн Касир каби олимларнинг тафсирларига таяниши билан бирга Крачковский ва Усмо-

новларнинг Қуръоннинг рус тилига таржималаридан ис-тифода этган.

Ҳозирда Россияда Қуръоншунослик борасида кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Уларнинг орасида Қуръонга нисбатан танқидий ёндашувлар ҳам холисона муносабатлар ҳам мавжуд. Қуръоннинг таржималари орасида мусулмон олимлари томонидан амалга оширилгандарни ҳам кенг тарқалаётганини кузатиш мумкин.

Ўзбекистон мустақиллиги йилларида маънавий меросимиз манбаларига бўлган муносабатнинг ўзгаришини Қуръони каримга нисбатан ҳам кўриш мумкин. Мазкур манбани ўзбек тилига таржима қилиш бўйича ҳам катта ишлар амалга оширилди. Унинг ҳозирги замон ўзбек тилидаги таржима, тафсирлари чоп этилди. Ўзбек олимларидан Абдулазиз Мансуровнинг «Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири» китоби 4 маротаба катта тиражда чоп этилди. Шунингдек, Аловуддин Мансуров, Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф, Мухаммаджон Ҳиндистоний, Олтинхон тўра тафсирининг Исматилла Абдуллаев томонидан амалга оширилган табдили каби тўлиқ, Шамсиддин Бобохонов, Мутал Усмонов, Баҳриддин Умрзоковлар томонидан қилинган қисман таржима нашрлар бу борадага ишлар салмоғини кўрсатади. Ушбу таржима ва тафсирлар ўзига хос услугга эга бўлиб, қуръоншуносликда катта аҳамиятга эга.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Усмон мусҳафи. Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси.кўлёзма №10.
2. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансуров. ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси.2010.
3. Қуръони карим (ўзбекча изоҳли таржима).Таржима муаллифи Алоуддин Мансур.-Т.:1992.
4. Остроумов Н.Исламоведение.-Т .:1912.
5. Караматов Ҳ.Қуръон ва ўзбек адабиёти.-Т.:1993.
6. Обидов Р.Қуръон ва тафсир.-Т.:2005

Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар:

1. Қуръон ҳақида гапириб беринг.
2. Мұсхаф қандай манба?
3. Тошкентдаги Усмон мұсхафи ҳақида маълумот беринг.
4. Қуръоннинг таркиби ҳақида гапириб беринг.
5. Қуръон илмлари деганда нимани тушунасиз?
6. Қуръоннинг қўлёзма ва босма нашрлари ҳақида маълумот беринг.
7. Қуръоннинг қандай таржималарини биласиз?
8. Қуръоннинг ўзбек тилидаги таржималари.

5-мавзу: Ҳадис тўпламлари ислом манбалари сифатида

1. Ҳадис илми ҳақида
2. Мовароуннахрда ҳадис илми
3. Мовароуннахрлик муҳаддислар
4. “Сиҳоҳи сittta” тўпламлари ва уларнинг эгалари

Мавзунинг ўқув мақсади: ҳадис тушунчаси, ҳадис турлари, санад, ровий, матн, Мовароуннахрлик муҳаддислар, олтида сахих ҳадислар тўпламлари ва уларни жамлаган олимлар ҳақида маълумот бериш.

Таяинч и боралар: ҳадис, муҳаддис, сахих, заиф, сиҳоҳи сittta, Имом Бухорий, Имом Муслим, Имом Термизий, Имом Насойй, Имом Абу Довуд, Имом Ибн Можжа, ҳадис тўплами.

1. Ҳадис илми ҳақида

Ислом дини таълимоти шаклланишида Куръондан сўнг Пайғамбар (с.а.в.)нинг суннатлари ҳам муҳим ўрин тутади. Ислом диний-маърифий, илмий-маданий, ижтимоий-сиёсий ва ҳатто, кундалик майший соҳаларда қадриятлар тизими, қонун-қоидалар меъёрлари сифатида Куръони карим ва ҳадис билан тартибга солиб борилган.

Маълумки, ҳадис ислом шариати асосларидан бири. Унинг иснодлари, матnlари ва шу билан боғлиқ масалаларни ўрганиш замонавий исломшуносликнинг долзарб масалаларидан саналади. Ҳозирга қадар мусулмон жамоалари орасида ҳадис номи билан юритилувчи, аслида кейинги замонларда илмсизлик оқибатида диний китоблар ичига кириб қолган сохта ҳадисларни аниқлаш, ҳадисларда келган ҳукмлар (аҳком)ни ўрганиш, уларнинг носих ва мансухларини фарқлай билиш ва бошқа шу каби

ҳадисшуносликка оид масалаларни тадқиқ этиш бу борадаги тадқиқотларнинг муҳим жиҳатидир.

Ҳадислар Пайғамбар алайҳиссаломнинг у ёки бу ҳолатларда ибрат бўладиган фазилатлари, хислатлари, айтган сўзлари, қилган ишлари, инсонларнинг ўзаро муносабатларида зарур бўладиган умумий тавсиялар ва кўрсатмалар, насиҳатлардан иборат ибратомуз хусусиятлари сақланиб келмоқда.

Ўрта Осиё ҳудудида ўрта асрларда бошқа соҳалар каби ҳадис илми доирасида ҳам миллий қадриятлар ва ислом дини ғоялари орасида ўзаро таъсир, мулоқот жараёнлари кечган. Бир неча авлод муҳаддислар фаолияти натижасида Ўрта Осиё маънавий ҳаёти ҳадислар билан чамбарчас кечди. Исломнинг ilk давридан бошлаб Пайғамбар (сав) сўзларига унинг издошлари бўлган саҳобийларнинг эътибори юксак даражада бўлган. Чунки ҳадис исломдаги ilk диний ва этник фикрларнинг ривожланишига асос бўлиб хизмат қилди.

Ислом динини бошқа ўлкаларга ёйиш мақсадида Пайғамбар (сав) издошларининг турли жойларга тарқалиб кетгандиклари ва борган жойларида Қуръондан кейин Пайғамбар (сав) суннатини тарғиб қилишга асосий эътиборларини қаратгандиклари кейинчалик ҳадис илмининг келиб чиқиши ва тараққий этишида асосий омиллардан бири бўлди.

Умавийлар даврида олимларнинг аксарияти, ҳокимиятдан ажралган ҳолда ўзларини илмга бағишлигар бўлсалар, аббосийлар даврига келиб, олимларнинг кўпичи ҳокимият вакиллари билан иттифоқда бўлган ҳолда фаолият олиб боргандар.

Ҳадис илми тарихида саҳобийлар даври тугаб, тобеъийлар даврининг ўрталарига, яъни ҳижрий юзинчи йилларга келган пайтда тобеъийлар орасидаги ҳадис билимдонлари фатҳ этилаётган ўлкаларда вафот этишлари, янги-янги халқларнинг ислом динига кўплаб ўтиши

ва шу билан бирга ҳақиқий ҳадислар билан бир қаторда күплаб сохта ҳадислар пайдо бўлиши ҳоллари кузатилди. Мана шу сабабли умавийлардан бўлган саккизинчи ҳалифа Умар ибн Абдулазиз (681-720)нинг фармонига биноан Араб ҳалифалигининг турли томонларидағи олимлар ҳадисларни ёзма равишда жамлашга киришганлар. Бу foятда муҳим ишни расмий равишда биринчи бўлиб Муҳаммад ибн Шиҳоб Зухрий (670-721) бошлаб берган. Шу даврдан эътиборан ҳадис тўпламларини яратиш одат тусига кириб, бошқа олимлар ҳам бу хайрли ишни давом эттирганлар. Улар асосан ўзлари яшаб турган шаҳарларда тарқаган ҳадисларни жамлаш билан шуғулланганлар. Бу олимларнинг барчаси бир, яъни VIII асрда яшаган бўлсаларда, қайси бирлари олдин ҳадис тўплашни бошлиганикларини аниқлаш амри маҳол. Шундай бўлсада, маккалик муҳаддис Ибн Журайжнинг олдинроқ яшаганилиги эътиборга олинса, у Ибн Шиҳоб Зухрийдан кейин иккинчи бўлиб ҳадис тўплаган олим ҳисобланади.

Дикқатга сазовор томони шундаки, бу даврда муҳаддислар ҳадисларни – Пайғамбар (сав)дан қолган меросни – сўзлари ва тобеъийларнинг фатволари билан биргаликда тўплаганлар.

Хижрий II асрда бую к олим, моликия мазҳабининг асосчиси Молик ибн Анас (713-795) томонидан яратилган «ал-Муватто» («Оммавий, барчага тушунарли») номли асар дастлабки энг муҳим ҳадис тўпламларидан ҳисобланади.

Мазкур II/VIII асрдан ҳадисларни тўплаш ишлари тобора ривожланиб, таълиф этилган ҳадис тўпламлари фақат Пайғамбар (сав)нинг ҳадислари эмас, балки саҳобийларнинг сўзлари, килган ишлари ҳамда тобеъийларнинг фатволарини ҳам қамраб олган. Айни вақтда айтиш керакки, мазкур асрдаги ҳадис тўпламлари муайян бобларга бўлинмаган ёки уларда маълум ровий ривоят қилган ҳадислар (муснад услубида) берилган бўлиб, улар-

дан фойдаланиш бироз мушкул бўлган. Ўша даврнинг баъзи муҳаддислари асосан топилган ҳадисни бирин-кетин, чукур ўрганиб, аниклаб, текшириш ишларини олиб бормасдан, китобларига биратўла киритаверганлар. Натижада, уларда сахих (ишончли) ҳадислар билан бирга заиф (кучсиз) ҳадислар ҳам ёзилган. Шунга қарамай, ўша даврдаги уламоларнинг ҳадис йиғишда кўрсатган жидду-жаҳдлари таҳсинга лойик.

III/IX аср ҳадис илми тарихида олтин давр хисобланади. Чунончи VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб ривожланиб борган ҳадис илми билан кейинги икки-уч аср давомида тўрт юздан зиёд муаллифлар шуғулланганлар. Ҳаттоқи, бу даврда ҳадисларни ишончли манбаларга асосланиб, маромига етказиб илмий равишда тартибга солиш олимлар орасида энг севимли, зарурӣ машғулот даражасигача етган. Шунингдек, бу асрда тўпланган ҳадислар илмий нуқтаи назардан муайян қонун-қоидаларга таянган ҳолда тартибга туширилди. II ҳижрий асрда ҳадис фикҳ илмининг бир бўлаги сифатида ўрганилган бўлса, III асрга келиб, алоҳида соҳа бўлиб ажратиб чиқди ва мустаҳкам асосга эга бўлган мустақил илм сифатида қарор топди.

III/IX асрдаги ҳадисларни тўплашга бағишлиланган муҳим ишлардан мисол тариқасида Имом Бухорий (810-870), Имом Муслим (821-875) каби муҳаддисларнинг асарларини келтириш мумкин.

Муҳаддислар ўзларининг ушбу тартибда яратилган асарларида ҳар бир ҳадиснинг сахихлик даражасини кўрсатибина қолмай, балки уларни асосан фикҳий бобларга ажратиб, тарихий, эътиқодий ва бошқа шу каби фикҳий бўлмаган мавзуларга кам ўрин ажратганлар. Шунингдек, мазкур сунан асарларида муҳаддислар ўзларининг ҳадисларга берган баҳолари ёки бошқа муҳаддисларнинг зикр қилинган ҳадисга билдирган фикрларини ҳам келтириб ўтганлар. Сунан асарлари Имом Бухорий ва Имом Муслимларнинг асарларига қараганда соддароқ ва барча

ўқувчига осон тушуниладиган тарзда ёзилганлиги ҳам қайд қилинади. Айниңса, юртдошимиз Имом Термизий ўз китобида ҳадис илмига янги «ҳасан» («яхши») атамасини киритган. Имом Бухорий, Имом Муслим ва Имом Термизийнинг асарлари ҳадис китобларининг «Жомиъ» («Жамловчи») турига мансубdir. Чунки улар барча мавзуга оид ҳадисларни қамраб олишга ҳаракат қилғанлар.

Бу асрда «сиҳоҳи сittа» – олтита энг ишончли ҳадис тўпламлари муаллифларидан ташқари бошқа муҳаддислар ҳам фаолият олиб борганлар. Улардан Абу Ҳотам Розий (ваф. 277/891 й.), машхур муфассир Муҳаммад ибн Жарир Табарий (ваф. 310/923 й., унинг тафсири ривоятларга, яъни ҳадис ва саҳобийларнинг сўзлари ҳамда тобеъийларнинг фатволарига асосланган), Ибн Хузайма (ваф. 311/924 й.), Муҳаммад ибн Саъд Котиб Воқидий (ваф. 230/845 й.) кабиларни санаб ўтиш мумкин.

Айни шу даврда юртимиздан ҳам кўплаб муҳаддислар етишиб чиқиб, улардан Ҳайсам ибн Кулайб Шоший (ваф. 335/947 й.), Абу Бакр Қаффол Шоший (ваф. 365/976 й.) ва бошқа муҳаддисларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

IV/X аср уламолари ҳам ўзларидан аввал ўтган муҳаддислар услублари ҳамда уларнинг асарларидан кенг кўламда фойдаланганлар. Аммо улар учун ҳадис тўплашда янгилик ахтаришга «ўрин қолмаган» эди. Шунинг учун IV/X аср уламолари кўпроқ аввал ўтган муҳаддисларнинг асарларини тартибга солиб муайян тизимда жамлашга эътибор бердилар. Аввалиг уч асрда муҳаддислар ҳадис накл килишда факат оғзаки ривоятга суюнган бўлсалар, IV/X аср муҳаддислари факат китобнинг ўзига таянмасдан ундаги ҳадисларни муаллифлардан эшитиш йўллари билан ҳам накл қилдилар. Бинобарин бу даврга келиб ҳадис илми қоидалари ўз-ўзидан пайдо бўлиб қолмаган, балки тадрижий равишда ривожланиш босқичлари маҳсули бўлган. Шу даврда фаолият олиб борган олимлардан Абу Абдуллоҳ Ҳоким Найсобурий (359/405-970/1014), Али

ибн Умар Доракутний (ваф. 385/995 й.), Мұхаммад ибн Ҳиббон Бустий (ваф. 354/965 й.), Абул Қосим Сулаймон ибн Аҳмад Табароний (ваф. 360/970 й.), Қосим ибн Асбағ (ваф. 340/951 й.), Ибн Сакан Бағдодий (ваф. 353/964 й.), Абу Жаъфар Аҳмад ибн Мұхаммад Таҳовий (ваф. 321/933 й.) ва бошқаларни санаб ўтиш мүмкін.

IV/X асрда пайдо бўлган янги ишлардан яна бири «улум ал-ҳадис» («ҳадис илмлари»)нинг алоҳида фан сифатида шаклланишидир.

Ҳадис илми тарихида «анъанавий» муҳаддислардан ташқари, бирор мазҳабга тегишли олимлар ҳам ҳадис жамлаганлар. Бу олимлар факат ўз мазҳабларида хужжат сифатида ишлатиладиган ҳадисларни жамлаб, уларни яхлит ҳолга келтирганлар. Жумладан, ҳанафий олимлари ҳам ўз мазҳабларига оид ҳадисларни, саҳобий ва тобеъийлардан қолган осорлар ва бошқа ривоятларни маҳсус китобларга жамлаганлар. Улардан Абу Юсуфнинг (ваф. 182/798 й.) «Осор», Имом Мұхаммад Шайбонийнинг (ваф. 189/804 й.) «Китабул-осор», Имом Абу Жаъфар Аҳмад ибн Мұхаммад Таҳовийнинг (ваф. 321/933 й.) «Мушкилул-осор», «Шарҳ мушкилил-осор», «Шарҳ маъони л-осор» каби китобларини мисол тариқасида келтириш мумкин.

Самарқандда илк исломнинг кириб келиш даврида муомалада бўлган ҳадисларнинг асосий мавзуси суфиёна камтарлик, тақво ва тарқидунёчилик бўлган бўлса, бу минтақада ислом дини нисбатан мустаҳкам ўрнашганидан кейин эса уламо ва муҳаддисларнинг эътиборлари кўпроқ ибодот ва муомалот масалаларига қаратилди, бу нафақат Самарқандга, балки Мовароуннахрнинг бошқа шаҳарларига, айниқса, Бухорога ҳам хос.

2. Мовароуннахрда ҳадис илми

Ҳадис илми бизнинг юртимизга кириб келиши тарихини ўрганиш ҳам алоҳида аҳамиятга эга. VIII асрнинг биринчи ярмида Мовароуннахрда ислом илмларининг

ёйилиши араб ва хурросонлик уламолар томонидан амалга оширилган бўлса, шу асрнинг иккинчи ярмига келиб маҳаллий аҳоли орасидан олиму-уламолар етишиб чиқа бошладилар. Мовароуннаҳр ҳадис илмининг вакиллари ўз салафлари сифатида бу минтақага илк кириб келган араб саркардалари ва уларга ҳамроҳ бўлган саҳоба ва тобеъийларни кўрсатадилар. Масалан, Абу Ҳафс Насафий (ваф. 1142 й.) Саъид ибн Жаноҳ Бухорийнинг «Китобул-қибла» асарида Мовароуннаҳрга 55/674675 йилда кириб келган тўққиз кишининг номини келтиради. Улар:

1. Саъид ибн Усмон ибн Аффон;
2. Кусам ибн ал-Аббос;
3. Абу-л-Олия Руфай ибн Михрон;
4. Мухаммад ибн Восиъ;
5. Бард (Молик ибн Анаснинг мавлоси);
6. Ад-Дахҳок ибн Музоҳим;
7. Лайс ибн Аби Сулайм;
8. Зиёд ибн Михрон;
9. Хулайд ибн Ҳассон.

Бу даврдаги вазиятни, яъни ҳали ҳадис илмининг тўла шаклланмаганлиги ва Мовароуннаҳрнинг тўла исломга кирмаганлигини эътиборга олган ҳолда мазкур шахсларни Мовароуннаҳрдаги ҳадис илми асосчилари деб қараб бўлмайди. Чунки уларнинг бу минтақадаги фаолиятлари асосан ҳарбий юришлар билан боғлиқ бўлган. Илк араб лашкарлари умма анъаналарини ривоят қилсалар-да, аммо ҳадис илми билан жиiddий шугулланган эмаслар.

Бухоро ва бошқа шаҳарларга дастлаб кирган араб саркардалари Мовароуннаҳрни фатҳ этиш мақсадида келганликлари учун уларнинг кўпчилиги саҳоба ёки тобеъийлардан бўлиб, Пайғамбар (сав) ҳақида билгандарни маҳаллий аҳолига намуна сифатида ривоят қилиб етказганлар. Ана шундай ровий-саркардалардан бири Абу Усмон Саъид ибн Усмон ибн Аффон Қураший (I/VII аср) эди. Шунингдек, ундан бошқа, Мовароуннаҳрдаги ровий-

лар мазкур ўлкада ҳадис илмининг пайдо бўлишида катта хизмат кўрсатдилар.

Кўпчилик муҳаддислар она-ватанлари Самарқанд бўлса-да, асосий илмий фаолиятларини ундан ташқарида олиб борган бўлсалар, бошқа муҳаддислар асл келиб чиқишилари бу шаҳардан ташқарида бўлса ҳам, унда ҳадис илмининг тараққий этишида асосий ролни ййнадилар. Бу фикрни нафақат Самарқанд муҳаддислари ҳақида, балки Бухоро ва ислом оламининг кўплаб шаҳар ва қишлоқларида фаолият кўрсатган муҳаддислар ҳақида ҳам айтиш мумкин. Айни ҳолатни Бухородан чиққан муҳаддислар ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш жараённида ҳам кузатиш мумкин.

IX-X асрларда Бухоро олимлари ҳадис илми ривожида салмоқли ўрин эгаллаганлар. Бинобарин Хурросон, Ҳижоз, Ироқ, Миср ҳадис марказларига Мовароуннахрнинг, жумладан, Бухоро олимларининг таъсири ҳам кучли бўлган. Айни вақтда айтиш керакки, шу даврда Бухорода заиф ҳадислар ҳам кўпайиб, олимлар улардан саҳихларини ажратишга алоҳида эътибор билан киришганлар.

Бу даврга келиб Мовароуннахр мусулмон оламининг йирик илмий-маънавий, хусусан ҳадис марказларидан бири сифатида танилган эди. Ривоят қилинган ҳадислар ҳам турли мавзуларда эди: фикҳ, тасаввуф, эътиқод, ахлоқ кабилар шулар жумласидандир. Шунингдек, фикҳ бўйича ҳанафий мазҳаби Мовароуннахрда, дастлаб Бухорода қарор топгани, кейин бошқа шаҳарларга тарқалгани ҳам эътиборга моликдир.

Х асрга келиб Мовароуннахрда, хусусан, Бухорода ҳадис илми ўзининг юксак чўйқисига кўтарилиган эди. Шаҳарда ҳадисларнинг ёйилишида буҳоролик уламолар билан бир қаторда мовароуннахрлик, хурросонлик ва ироқлик муҳаддисларнинг ҳам ҳиссалари катта бўлган. Шунингдек, улар орасида Самарқанд, Насаф, Кеш, Термиз, Марв, Нишопур, Бағдод шаҳарларидан келган ҳофизлар ҳам бор эдилар. Бу даврда Бухорода фаолият

юритган муҳаддислар ва улар қолдириган ҳадис илмига оид асарлар сонининг кўплиги ҳам, айниқса, Имом Буҳорийдек буюк алломанинг айнан шу шаҳардан етишиб чиқиши бу шаҳарда ҳадис илми нақадар юксак даражада бўлғанлигини кўрсатади.

Мовароуннахрга ҳанафий мазҳаби қаравашларини олиб кирган Имом Муҳаммаднинг шогирдлариридир. Бу шахслар асосан Муҳаммад Шайбонийнинг асарларини ривоят қилганлар. Бинобарин, Муҳаммад Шайбоний орқали ривоят қилинган ҳадислар кенг тарқалди.

Айниқса, Абу Ҳафс Кабирнинг ўғли Абу Ҳафс Сағирнинг (ваф. 263/876 й.) салтанат соҳиби Исмоил Сомоний билан алоқаси яхши бўлгани туфайли кўплаб ҳанафийлар давлат ишларига ўтганлар, оқибатда ҳанафий қаравашлар билан Абу Ҳанифа орқали ривоят қилинган ҳадисларнинг кенг кўламда тарқалишига имкон яратилган.

Илк ҳадис тўпламлари. II/VIII асрдан эътиборан ҳадисларни тўплаш ишлари тобора ривожланиб, таълиф этилган ҳадис тўпламлари факат Пайғамбарнинг ҳадисларини эмас, балки саҳобаларнинг сўзлари, қилган ишлари ҳамда тобиийларнинг фатволарини ҳам қамраб олган. Айни вактда айтиш керакки, мазкур асрдаги ҳадис тўпламлари муайян бобларга бўлинмаган ёки уларда маълум ровий ривоят қилган ҳадислар (муснад услубида) берилган бўлиб, улардан фойдаланиш бироз мушкул бўлган. Муснад услубида ҳадис тўплашни биринчи бўлиб Абдуллоҳ ибн Мусо Абасий ибн Куфий (ваф. 213/828 й.) амалга оширган. Шунингдек, Ҳумайдий (ваф. 219/834 й.), Мусаддад ибн Масраҳад (ваф. 228/843 й.), Абд ибн Ҳумайд (ваф. 249/863 й.), Яъқуб ибн Шайба (ваф. 262/876 й.), Муҳаммад ибн Маҳдий (ваф. 272/886 й.), Бақий ибн Мухалладлар (ваф. 276/889 й.) ҳам муснад асарлар ёзганлар. Уларга Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ҳам эргашиб ўзининг «Муснад»ини ёзган. Исҳоқ ибн Роҳувайҳ (ваф. 237/852

й.), Усмон ибн Абу Шайба (ваф. 239/854 й.) ва бошқа муҳаддислар эса факат Расулуллоҳнинг ҳадисларини ёзганлар. Ўша даврнинг баъзи муҳаддислари асосан то-пилган ҳадисни чуқур ўрганиш, аниқлаш ва текшириш ишларини олиб бормасдан, бирин-кетин китобларига тўғридан-тўғри киритаверганлар. Натижада, китоблардан саҳих (ишончли) ҳадислар билан бирга заиф (ишончсиз) ҳадислар ҳам жой олган. Шунга қарамай, ўша даврдағи уламоларнинг ҳадис йиғишида кўрсатган хизматлари алоҳида эътиборга лойик.

Ҳижрий иккинчи асрда ҳадисларни жамлаган кишилар:

1. Абдулмалик ибн Абдулазиз ибн Журайж (ваф. 150/767 й.).
2. Маъмар ибн Рошид Ямоний (ваф. 151/768 й.).
3. Саид ибн Абу Уруба (ваф. 156/773 й.).
4. Робеъ ибн Субайх (ваф. 160/777 й.).
5. Муҳаммад ибн Абдураҳмон (ваф. 158/775 й.).
6. Суфён ибн Уяйна Ҳилолий (ваф. 198/814 й.).
7. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбоний (ваф. 199/815 й.).
8. Муҳаммад ибн Идрис Шофиий (ваф. 204/820 й.).
9. Молик ибн Анас (ваф. 179/795 й.).
10. Вакиъ ибн Жарроҳ Равосий (ваф. 197/813 й.).
11. Абу Довуд ибн Довуд Таёлисий (ваф. 204/820 й.).
12. Абдураззоқ ибн Ҳумом Санъоний (ваф. 211/826 й.).

Ҳижрий иккинчи асрда ҳадисларни оғзаки ривоят килишдан кўра кўпроқ ёзма равишида жамлаш ишлари жадаллашди.

III/X аср ҳадис илмитарихида олтин давр ҳисобланади. Чунончи VIII асрнинг ўрталаридан бошлаб тобора ривожланган ҳадис илми билан кейинги икки-уч аср давомида тўрт юздан зиёд муаллифлар шуғулланганлар. Ҳаттоқи, бу даврда ҳадисларни ишончли манбаларга асосланиб, маромига етказиб илмий равишида тартибга солиш олим-

лар орасида энг севимли, зарурий машғулот даражасига-ча етган. Шунингдек, бу асрда тўпланган ҳадислар илмий нұқтаи назардан муайян қонун-коидаларга таянган холда тартибга туширилган. Ҳижрий иккинчи асрда ҳадис фикҳ илмининг бир бўлаги сифатида ўрганилган бўлса, учинчи асрга келиб, алоҳида соҳа бўлиб ажралиб чиқди ва мустаҳкам асосга эга бўлган мустақил илм сифатида қарор топди. Ҳадис илмининг фикҳ илмидан алоҳида фан сифатидаги фарқини биринчи бўлиб Имом Шофиий кўрсатиб берган. Ҳадис илмига бағишланган асарлар куйидаги турларга бўлинади:

1. «Жомеъ» – жамловчи китоблар.

Унга ақида, аҳком, зуҳд, емоқ-ичмоқ одоби, тафсир ва тарих, шамоил, фитналар, фазилатлар каби бобларни ўз ичига олган китоблар киради. Имом Бухорий ва Имом Термизийларнинг китоблари «Жомеъ» ҳисобланади.

2. «Муснад» китоблар.

Бу турдаги китобларда ҳар бир саҳобий алифбо бўйича ёки исломга кириш навбати бўйича олиниб, у зотнинг ривоят қилган ҳадислари бирин-кетин келтирилади.

Абу Довуд Таёлисий ва Бақий ибн Мухаммадларнинг китоблари муснад жумласига киради. «Муснад» китобларнинг энг машҳури Имом Аҳмад ибн Ҳанбалга мансуб.

3. «Мўъжам» – алифбо бўйича китоблар.

Бу турдаги китобларда ҳадислар шайхлар, юртлар ва қабилаларга мансуб ҳадислар алифбо тартиби билан келтирилади. «Мўъжам» китобларнинг энг машҳури Имом Табароний китоби.

4. «Мустадрак» китоблар.

Бирор мұхаддис ўз шартлари бўйича мавжуд ҳадисларни китобига кўшмай кетган бўлса, уни бошқа мұхаддис тўплаб китоб қилиши «мустадрак» бўлади. Мисол учун Ҳоким Нийсобурий Имом Бухорий ва Имом Муслим шартлари бўйича иш олиб бориб, икковлари чиқармаган ҳадисларни топиб «мустадрак» китобини тузган.

5. «Мустахраж» китоблар.

Бу турдаги китобларда муҳаддис ўзидан олдинги бошқа бир муҳаддиснинг китобини олиб, унинг ҳадисларини ўзи топған бошқа ровийлар йўли билан чиқаради. Мисол учун Абу Бакр И smoилий Бухорийга, Абу Авона Мұслимга, Абу Али Тусий Термизийга «Мустахраж» қылғанлар.

6. Жузларга оид китоблар.

Бунда бир киши ривоят қылған ёки маълум бир мавзуга боғлиқ бўлган ҳадислар бир китоб қилинади. Мисол учун И мом Суютийнинг «Салотуз-зуҳа» номи китоби ана шулар жумласидан.

III/IX асрда ҳадисларни ўрганиб, уларни саҳиҳ ва заифга ажратгандан, тадвин қилиб китобларга жамлаган олимларни тўлақонли «муҳаддис», яъни «ҳадис илми» билимдони дейиш мумкин. Дарҳақиқат, ҳадисларнинг бу даврга етиб келишида илк ровийларнинг хизматлари бекиёс. Аммо, улар асосан, ҳадисларни ёдлаш, жамлаш, ривоят қилиш билан шуғулланган эдилар. III/IX асрга келиб ҳадисларни ўрганишга эҳтиёж, шу билан бирга сохта ҳадисларнинг кўпайиб кетиши ҳадиснинг алоҳида «ҳадис илми» сифатида шаклланишига олиб келди. Мазкур илм билан шуғулланган олимлар «муҳаддис» деб аталди.

Буюк муҳаддислар ва уларнинг асарлари. Ҳижрий учинчи асрда қуйидаги муҳаддислар фаолият кўрсатдилар:

a) Муснад услубида:

1. Саид ибн Мансур Марвазий (ваф. 227/842 й.).
2. Абу Бакр ибн Абдуллоҳ ибн Абу Шайба (ваф. 235/850 й.).
3. Абу Бакр Аҳмад ибн Амр Баззор (ваф. 229/844 й.).
4. Абу Абдураҳмон Бақий ибн Махлад Андалусий (ваф. 276/889 й.).
5. Абу Саид Усмон ибн Саид Доримий (ваф. 280/893 й.).
6. Абу Муҳаммад Абд ибн Ҳумайд ибн Наср Кешший (ваф. 249/863 й.).

7. Абу Мухаммад Ҳорис ибн Мухаммад ибн Абу Усона Тамими (ваф. 282/895 й.).

8. Абу Абдуллоҳ Аҳмад ибн Ҳанбал Шайбоний (ваф. 240/855 й.).

б) Саҳих услубида:

1. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Исмоил Бухорий (ваф. 256/870 й.).

2. Муслим ибн Ҳажжож Кушайрий (ваф. 261/875 й.).

в) Сунан услубида:

1. Абу Довуд Сулаймон ибн Ашъас Сижистоний (ваф. 275/888 й.).

2. Абу Исо Мухаммад ибн Исо Термизий (ваф. 279/892 й.).

3. Абу Абдураҳмон Аҳмад ибн Шуъайб Насоий (ваф. 303/916 й.).

4. Абу Абдуллоҳ Мухаммад ибн Язид ибн Можа Қазвиний (ваф. 273/886 й.).

**4.“Сиҳоҳи ситта” тўпламлари ва
уларнинг эгалари**

Юқорида зикр қилинган икки «Саҳих» ва тўрта «Сунан» кўшилиб «Сиҳоҳи ситта» – энг сахих олти китобни ташкил этишини айтиб ўтилди. Лекин олтинчи китоб – “Сунани Ибн Можа” ҳакида уламолар ихтилоф қилишган. Жумладан, Ибн Асийр ва Розийлар «Сунани Ибн Можа»нинг ўрнига Имом Моликнинг «Муватто»сини қўйиш керак, деганлар. Ибн Ҳажар ал-Аскalonий унинг ўрнига Имом ад-Доримийнинг “Сунан ад-Доримий” китобини қўйиш керак, деганлар.

Шундай қилиб илк давр уламоларининг фикрича, бу тартиб қўйидаги яъни, аввал Имом Бухорий ва Имом Муслим “Саҳих” асарлари, шундан сўнг, Абу Довуд, Имом Термизий ва Имом Насоийнинг “Сунан” асарларидан бу беш китоб энг кучли ҳадис китоблари ҳисобланади ва ушбу китобларда келган ҳадислар энг кучли бўлади.

Сўнгра Бухорий билан Муслим иттифоқ қилган ҳадис, кейин Бухорий ёлғиз ўзи ривоят қилган, сўнгра Муслим ва ҳоказо ҳадислар кучли хисобланади. Олтинчи ўринга Ибн Можа, Имом Молик ва Имом Доримийларнинг китоблари даъвогарлик қиласди. Улардан кейин эса бошқа китоблар келади.

Абу Абдулоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий (ваф. 256/870 й.) ҳадисларнинг фақат сахихларини биринчи тўплаган киши, «Мұхаддислар имоми» номи билан машхур. Имом Бухорий ҳадисларни жамлаш борасида янги услубни йўлга кўйди. У фақат сахих ҳадисларни жамлади ҳамда мавзуларни бобларга ажратди. Ўз асарини «ал-Жомеъ ал-муснад ас-саҳих ал-муҳтасар мин умур Расулиллаҳ (с.а.в.) ва сунаниҳи ва айамиҳи» деб номлади. Бу асар қисқача қилиб «ал-Жомеъ ас-саҳих» дейилади.

«Сиҳоҳи ситта» (олти ишончли) тўпламнинг аввалида турувчи Имом Бухорийнинг сахих услубидаги китоби кўпчилик мұхаддислар учун ўrnak бўлди ва кейинги тўпламларнинг жамланишига туртки берди. Бухорий йўлидан бориб яна бир сахих тўпламни жамлаган Муслим ибн Ҳажжож ўзини Имом Бухорийнинг шогирди деб билиши мазкур фикрнинг далилидир. Имом Бухорий нафақат илмда бошқаларга ўrnak бўлди, балки олим ўзининг ҳаёт тарзи билан ҳам кўпчиликка намуна бўларли даражадаги фазилатлар соҳиби эди.

Абу Абдулоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (810–870) манбаларда «Мұхаддислар имоми», «Ҳадис илмининг сultonи» деб ҳам юритилади. Унинг отаси Исмоил ўз даврининг етук мұхаддисларидан, имом Молик ибн Анаснинг шогирд ва асхобларидан бири бўлиб, тижорат ишлари билан шуғулланган. Онаси такводор, диёнатли, оқила аёл эди. Отаси вафот этгач, унинг тарбияси волидаси зиммасига тушган. Мұхаммад ибн Исмоил 5–6 ёшидан ислом илмларини, ҳадисларни ўрганишга ва ёдлашга киришади. Таниқли мұхаддислар Дохилий, Мұхаммад

ибн Салом Бейкандий, Мұхаммад ибн Юсуф Бейкандий, Абдуллоҳ ибн Мұхаммад Маснадий ва бошқалардан сабоқ олган.

Мұхаддислар сафарга чиқишдан олдин ўз юртидаги ровийлардан бирорта ҳам ҳадис қолдирмасдан ёзиб олған бўлиши ва шундан кейингина бошқа шаҳар ёки мамлакатга сафарга отланиши мумкин эди. Бухорий 16 ёшга етгунча, ўз юртидаги машойихлардан ҳадис эшитиб, ёзиб олиб, мусулмон дунёсининг турли вилоятлари томон йўл олади. 825 йили Бухорий онаси ва акаси Аҳмад билан Маккага келиб, ҳаж ибодатини адо этади. Онаси ва акасини Бухорога қайтариб, ўзи Маккада қолади. Бу ерда фаолият кўрсатаётган машойихларнинг илмий йиғинида қатнашади. 827 йили Мадинага боради. Мадинадаги машҳур уламолардан Иброҳим ибн Мунзир, Мутриф ибн Абдуллоҳ, Иброҳим ибн Ҳамза ва бошқалар билан мулоқотда бўлиб, улардан ҳадисларни ўрганади.

Бу вактда Расулуллоҳ сахобаларининг издошлари, яъни ҳадис ровийлари турли мамлакатларга тарқаб кетган эдилар. Шундай шароитда ҳадисларни тўплаш турли шаҳар ва мамлакатларга боришни тақозо қиласар эди. Имом Бухорий Ҳижоз, Макка, Мадина, Тоиф, Жиддага қилган илмий сафарлари олти йил давом этган. Сўнг олим Басра, Куфа ва Бағдодга сафар қиласар. Шом ва Мисрга ўтади. Бундан ташқари Хуросон, Марв, Балх, Ҳирот, Нишопур, Рай, Жибол каби шаҳарларда бўлиб, бу шаҳарлардаги олимлардан сабоқ олди ва ҳадислар тўплади.

Хорижий юртлардаги сафардан кейин Бухорога қайтгач, бу ерда ҳадис илмини ўргата бошлайди. Ул зотнинг бу саъй-харакатлари Бухоро ҳукмдори Холид ибн Аҳмад Зухлийга хуш келмайди. Шу сабабли Бухорий ўз она юртини тарк этиб, Пойкендга, кейин эса, Самарқанд яқинидаги Хартанг қишлоғига келиб яшашга мажбур бўлади.

Бухорий бутун фаолияти давомида илм кишилари ни маънавий ва моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган.

Тижорат қилганда топган ойлик даромадидан беш юз дирхамдан факиру мискин ва талабаларга сарфлаган. Шахсий ҳаётида ортиқча дабдаба ва сарф-харажатларга йўл қўймаган. Бухорий умр бўйи ҳадисларни тўплаш ва тизимга солиш билан шуғулланган, уларни сахих ва ғайри сахихга ажратишида ровийларнинг ҳаётлари, яшаш жойлари, туғилган ва вафот этган саналари, бир-бирлари билан қилган ўзаро мулоқотларини ўрганиш билан боғлиқ ҳолда олиб борган. Олимнинг таъкидлашича, у жами 600 минг ҳадисни ёддан билган.

Бухорий 20 дан ортиқ китоб тасниф этган. Улардан айримлари бизгача етиб келган. Бухорийнинг «ал-Жомеъ ас-саҳих» («Ишончли тўплам») деб номланган ҳадислар тўплами бир қанча хорижий тилларга таржима қилинган. Шу жумладан бу китоб ўзбек тилига ҳам таржима қилиниб, 1991–1996-йилларда 4 жилдда, 2008 йилда 2 жилдда нашр этилди.

Бухорий яратган «ал-Адаб ал-муфрад» («Адаб дурдоналари») асари катта тарбиявий аҳамиятга молик беназир тўпламдир. 1322 ҳадис ва хабар жамланган бу асар дунёда кўп маротаба чоп этилган. Унинг ўзбекча таржимаси 1990 йил Тошкентда нашр қилинган. Ровийларнинг куняларига бағишлиланган «Китоб ал-куня» («Кунялар ҳақида китоб») 1940 йилда Ҳиндистонда чоп этилган. Бухорийнинг ровийлар таржими ҳолларига бағишлиланган «Ат-Тарих ал-кабиyr» («Катта тарих») китоби эса Туркияда 9 жилдда нашр қилинган. Асар қўлёзмасининг баъзи қисмлари Ҳайдаробод кутубхонасида сақланади. Шунингдек, «ат-Тарих ас-сағир» («Кичик тарих») ҳам ҳадис тарихига оид қимматли асар хисобланади. У Ҳиндистон ва Кохирада чоп этилган. Бухорий «Китоб ал-фавоид» («Фойдали ашёлар ҳақида китоб»), «Ал-Жомеъ ал-кабир» («Катта тўплам»), «Халқ афъол ал-ибод» («Аллоҳ бандалари ишларининг табиати»), «ал-Муснад ал-кабир» («Катта муснад»), «ат-Тафсир ал-кабир» («Катта тафсир»), «Китоб

ал-ҳиба» («Хайр-эҳсон ҳақида китоб») каби асарларни яратган. Имом Бухорий асарларининг баъзилари бизгача етиб келмаган, баъзилари жаҳоннинг турли мамлакатларидаги кутубхоналарида сақланаётгани ҳақида маълумотлар бор.

Бухорийнинг бошқа асарлари орасида «Тафсир ал-Қуръон» («Қуръон тафсири») китобини ҳам алоҳида таъкидлаш керак. Бухорий асарлари мусулмон дунёсининг барча мадраса ва дорилғунунларида Пайғамбар суннатлари бўйича асосий дарслік, қўлланма ҳисобланади.

Истиқлол шароғати билан халқимиз азалий қадриятларимиз қатори Бухорийнинг ўлмас меросидан ҳам баҳраманд бўлиш имкониятига эга бўлди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Буюк муҳаддис имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 (ҳижрий ҳисобда) йиллигини нишонлаш ҳақида»ги қарори (1997 йил 29 апрель) асосида Самарқандда юбилей тантаналари бўлиб ўтди. «Имом ал-Бухорий ва унинг дунё маданиятида тутгани ўрни» мавзуида халқаро конференция ўтказилди. Аллома дағн этилган қадимий Хартанг қишлоғида улкан ёдгорлик мажмуи очилди. Ҳозирги кунда бу ерда Имом Бухорий халқаро маркази фаолият юритиб келмоқда. Марказ томонидан чоп этилаётган «Имом ал-Бухорий сабоқлари» номли журналда олим ҳаёти ва ижоди билан бир қаторда юртимиз олимлари қолдирган улкан маънавий мерос ёритиб келинмоқда.

Ўзбекистонда Бухорий хотираси муносиб тарзда абалдийлаштирилди. Тошкент ислом институтига Имом Бухорий номи берилган. Унинг ҳаёти ва ижодига бағишлаб бир неча тилларда китоб-альбом, хужжатли ва бадиий фильmlар яратилган.

Абул Ҳусайн **Муслим ибн Ҳажжож** ибн Варад ибн Күшоз Кушайрий Найсабурий (821–875) машҳур муҳаддис Имом Бухорийнинг шогирдларидан бўлиб, ундан кейин устози ишини давом эттиргди. Ҳадис илмининг забардаст

олими Имом Муслим фикҳ илмидан ҳам яхши хабардор бўлган. 12 ёшида ҳадис илмини ўрганишга киришган. Муслим ибн Ҳажжож шу мақсадда кўп мамлакатларга саёҳат қилган. Жумладан, Ҳижоз, Миср, Сурия, Ироқда бўлган. Уламоларнинг қайд этишларича, у 300 мингдан зиёд ҳадисларни кўздан кечириб, шундан атиги 12 мингтасини ишончли (саҳих) деб топган ва ўзининг «ал-Жомеъ ас-саҳих» асарига киритган. Бу китоб аҳли сунна наздида «икки саҳиҳнинг бири» деб таъвил қилинган. Бу асар олти саҳих китобнинг иккинчисидир. Имом Муслим бундан ташқари «ал-Муснад ал-кабир», «ал-Асмо ва-л-куно», «ал-Илал», «Китоб авлод ас-саҳоба» каби асарлар ёзган.

«Сиҳоҳи ситта» (олтига саҳих) китобнинг қолган тўрттасини тузган Имом Абу Довуд (ваф. 275/888 й.), Имом Абу Исо Термизий (ваф. 279/892 й.), Имом Насой (ваф. 303/ 916 й.), Имом Ибн Можа (ваф. 273/887 й.) каби олимлар «Сунан» услубида асар ёзиб ҳадис илмида ўчмас из қолдирилар. «Сунан» услубидаги асарлар фикҳий тартибда бўлиб, асосан фикҳга оид ҳадисларни ўзида жамлаган.

Абу Довуд номи билан машҳур муҳаддис Сулаймон ибн Ашъяс ибн Исҳоқ ибн Башир ибн Шаддод ибн Амр Аздиј Сижистоний (817–888/889) ёшлигидан ҳадис илмини иштиёқ билан ўрганган. Ўсмирлик чоғларидаёқ ҳадис тўплаш ниятида саёҳатга чиқиб, Хурросон, Ироқ, Сурия, Миср, Ҳижоз каби юртларда бўлган. У Имом Бухорий, Аҳмад ибн Ҳанбал, Қутайба ибн Саид, Абу Исо Термизий каби бир қанча кўзга кўринган муҳаддислар билан учрашган. Абул Фараж ибн Жавзийнинг гувоҳлик беришича, у ҳадисларни нақл қилиш ва уларнинг сабабларини кўрсатиш бўйича муҳаддис уламоларнинг энг улуғларидан бири саналади. Абу Довуд ўзининг айтишича, 500 минг ҳадис ёзиб олган. Шулардан 4800 тасини маълум бир шартлар асосида ажратиб, «Сунан» («Суннатлар») номи ила машҳур ҳадислар тўпламини тузган. Бу

тўплам саҳиҳлиги жиҳатидан Имом Бухорий ва Муслим асарларидан кейинги ўринда туради. Абу Довуд умрининг сўнгги йилларини Бағдодда ўтказган ва Басрада вафот этган. Унинг «Носих ал-Қуръон ва мансуҳух» («Қуръоннинг насх қилювчи ва қилинган оятлари») ва «Далоил ал-нубувват» («Пайғамбарлик далиллари») асари ҳам бор. Ибн Надим унинг «Китоб ихтилоф ал-масоҳиф» («Илк мусҳафлар (Қуръон кўлёзмалари)нинг бир-биридан фарқи ҳақида китоб») номли асарини эслатиб ўтади. Олимнинг асарлари «аҳли сунна вал-жамоа»нинг муҳим манбаларидан ҳисобланганлиги учун азалдан Мовароуннахрда ҳам кенг тарқалган.

Абу Исо Муҳаммад ибн Исо ибн Савра ибн Мусо ибн Захҳок Суламий Буғий **Термизий** (824/825–892) «Сунан» тўпламларидан яна бирининг тузувчиси. Бу муҳаддис олим Термиз яқинидаги Буғ қишлоғида туғилди. Ёшлик чоғларидан илмга катта қизикиш ва иштиёқ кўрсатди. Самарқанд, Бухоро, Марв ва бошқа шаҳарлардаги машҳур уламо ва муҳаддислар асарларини ўргана бошлади. Термизий ҳадис ўрганиш ва уларни йиғиш учун 20 йил ўзга юртларда бўлди. Нишопурда Имом Бухорий билан учрашиб, кўп ҳадислар хусусида фикр алмашди. Бу учрашув ва буюк аллома билан беш йил биргаликда яшashi Термизий ҳаётида катта аҳамиятга эга бўлди, «Сунани Термизий» асарининг яратилишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Бу асар саҳиҳ ҳадисларни ўзида мужассам қилгани учун «ал-Жомиъ ас-саҳиҳ» («Ишонарли тўплам») деб ҳам юритилади.

Имом Термизий ҳадиснинг саҳиҳлигини аниқлашда яна бир босқичга кўтарилди. Агар Имом Бухорий ҳар бир ҳадиснинг ишончлилигини белгилашда барчадан устун бўлса, Термизий ҳадиснинг даражасини аниқлашда «саҳиҳ»дан кейин «ҳасан» босқичини ҳам киритди. «Ҳасан» заиф бўлмаса-да, саҳиҳдан дараҷаси пастроқ ҳадисларга нисбатан берилган баҳо. У

ҳадиснинг қонуншуносликка қандай тааллуқли эканини ҳам кўрсатди. Олим Имом Муслим ва Имом Абу Довудлар билан ҳам сухбатлашган. Термизий «Сунан»дан ташқари «Шамоили Набавия» («Пайғамбар алайҳиссаломнинг шакл ва сифатлари»), «Китоб аз-зуҳд» («Зоҳидлик китоби»), «Асмо ас-саҳоба» («Саҳобаларнинг исмлари»), «ал-Асмо ва-л-куно» («Ислар ва кунялар»), «Китобу-л-илал» («Иллатлар китоби») ва бошқа асарлар ёзган. Термизийнинг «Шамоили Набавия» («Шамоили Муҳаммадия», Тошкент, 1991), «Сунани Термизий» (Тошкент, 1999) китоблари ўзбек тилида чоп этилган. Муҳаддис фикхга оид китоб ҳам ёзган, лекин у бизгача етиб келмаган ҳисобланади. 1990 йилда Имом Термизий таваллудининг 1200 йиллиги Ўзбекистонда кенг нишонланди.

Имом Насойӣ номи билан танилган Абу Абдурраҳмон Аҳмад ибн Али ибн Шуайб ибн Али ибн Синон ибн Баҳр Хуресоний (827–915) «ас-Сунан ал-кубрө» тўпламини тузди. У Насо (Нисо) шаҳрида таваллуд топган. Она юртида Куръони каримни ёд олиб, бошлангич таҳсилни олгач, кенгроқ илму маърифат ҳосил қилиш ниятида хорижий мамлакатларга сафарга чиқади. 15 ёшли муҳаддис Ҳижоз, Ироқ, Шом, Миср ва бошқа мамлакатларга бориб, диний фанларни пухта ўзлаштиради. У Мисрнинг «Зуқоқ ал-қанодил» маҳалласида узоқ вақт яшаб, сўнгра Дамашққа боради. У ерда умавийларга ён босмагани сабабли тазийк остида оғир ҳолатга тушади. Бир ривоятга кўра, Маккага етиб бориб, ўша ерда, иккинчи ривоятга кўра, Байту-л-Макдис (Куддус)да вафот этади. Олим ўзининг шоҳ асари «ас-Сунан ал-кубрө»дан ташқари «ас-Сунан ас-суғро» ёки «ал-Мужтабо», «ал-Хасоис», «Фазоил ас-саҳоба», «ал-Маносик» ва бошқа китобларни ёзиб қолдирган.

Ибн Можа номи билан машҳур Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Язид ибн Можа Қазвиний (ваф. 273/886 й.) ҳам «Сунан» асарини ёзган муҳаддислардан бири ҳисобланади. Бу олимнинг юрти, яъни Қазвин

Исфаҳондаги кичик шаҳарлардан бири. Бу ерни «Боб ал-жаннат» («Жаннат эшиги») деб ҳам атардилар. У ердан турли соҳаларда кўплаб олимлар етишиб чиққанлар. Ибн Можа ўз замондошлари Имом Бухорий, Муслим, Термизий, Насойй, Абу Довуд ривоят қилган устозлардан, жумладан, Абу Умар Наср ибн Али Жаҳдамий Аздийдан ҳадислар ривоят қилган. Ибн Можадан кўплаб Хурросон ва Мовароуннахр муҳаддислари ҳадис илмини ўргангандар.

Тўрт фиқҳий мазҳаблардан бири бўлган моликий мазҳаби асосчиси **Имом Молик ибн Анас** (713–795) Мадинада яшаб ижод этган олимлардан биридир.

У ўз мазҳабини қадимий мадина хукуқий мактабига таяниб асос солган. Унинг машхур «алМуватто» асари моликий мазҳабининг асоси ҳисобланади. Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу асарга кейинги давр олимлари томонидан шарҳлар ёзилган. Шунингдек, «АрРадду ало алқадария» ва «АлМаъунат алКубро» ҳам унинг асарларидандир.

Имом Молик Мадинанинг машхур олимларидан фиқҳни ўрганиб, улар кўллайдиган аҳли ҳадис услубини қабул қилди ва ўз шогирдларини ҳам ушбу услубда тарбиялади.

У умуман оят, Пайғамбар ҳадислари, саҳобалар қавли ва ижмоъга асосланиб хукм чиқараарди. Мадина аҳли кўпчилигининг келишуви (Мадина шаҳри олимларининг ижмои) унинг назарида хукм чиқариш учун бир ҳадисга teng эди. Негаки, у ушбу шаҳар аҳлини Пайғамбар ва унинг саҳобалари йўйлиўрикларини мукаммал билиб олган ва унга асосланиб амал қилиб келганлар деб эътибор берарди. У ўзининг «алМуватто» китобида мадиналиклар ижмои сонини қирқдан ортиқ масалага етказган.

«Исломда хуқук» китобида таъкидланишича, Имом Молик Мадина мактабини изоҳлашда ўзига хос амалиёт ва мантиқдан фойдаланиш билан мўътабар ривоятларни бирбирига қўшиб ишлатишдек муайян услубга эга

эди. Унинг илмий ҳуқуқий тафаккури кўпинча тўғри ва уйғунлашган бўлиб кўзга ташланади.

Ўрта асрларда моликий мазҳабининг фаолият маркази Шимолигарбий Африкага кўчиши билан ўша ерда ривожланди.

Моликий мазҳаби ҳанафий мазҳаби каби урфодатни тан олади. Моликий факихларидан бўлмиш Алвонширезийнинг (ваф.1508 й.) айтишича, имкони борича урфодатларни илоҳий қонунлар билан уйғунлаштириш керак. Моликийлар «масолихи мурсала» деб аталмиш манфаат принципини қўшимча манба сифатида усулулфиқхга киритганлар.

Доктор Мухаммад Юсуф Мусо «Ислом фиқхи тарихи» китобида шундай ёзади: «Франция қонунчилиги ўзининг биринчи босқичларида ислом фиқҳидан, айниқса, Молик ибн Анас мазҳабидан кўп нарсаларни олган эди. Ушбу мазҳаб Мағриб мамлакатлари ва Андалус (Испания)да тарқалган эди».

Ҳозирги кунда моликий мазҳаби Жанубий Миср, Фалястин, Судан, Эритрея, Сомали, Ливия, Тунис, Марокаш, Марказий ва Ғарбий Африка, Гамбия, Нигерия, Арабистон ярим оролининг шарқий қирғоқлари (Кувайт, Баҳрайн, Уммон)да тарқалган бўлиб, Марокаш ва алЖазоир судларида моликий мазҳаби асосида иш олиб борилса, Тунис судларида моликий ва ҳанафий мазҳаблари тенг ҳуқуқли ҳисобланади.

И мом ад-Доримий – Бани Дорим қабиласига берилган нисбат бўлиб, Дорим ибн Молик ибн Ҳанзала Пайғамбар (с.а.в.)нинг котиблари эдилар. И мом ад-Дорими 181/798 йилда Абдуллоҳ ибн Ҳумайд Самарқандга волий бўлиб келган куни Самарқанднинг қадимий мавзеларидан бири Доримда таваллуд топган. У ёшлик чоғлариданоқ ақлзаковати, ўткир зехни, айниқса, кувваи ҳофизаси (эслаб қолиш қобилияти)нинг ўта кучлилиги билан барчани ҳайратга солган.

Дастлаб Имом ад-Доримий ўз юрти Самарқандда илм олиб, сўнгра ўша даврда илм-фан ва маданият тараққий қилган марказлардан бўлмиш Фустот, Дамашқ, Бағдод, Макка, Мадина шунингдек, Хуросоннинг турли шаҳарларидағи таниқли олимлардан диний ва дунёвий фанлар, айниқса, ҳадис илми бўйича ўз билимларини мустаҳкамлайди. Бир неча йил давом этган илмий сафарлари давомида Имом ад-Доримий Язид ибн Ҳорун ал-Воситий, Убайдуллоҳ ибн Мусо, Абул-Муғири ал-Фирёбий, Абдусамад ибн Абдулворис, Яхё ибн Ҳассон, ал-Асвад ибн Омир, Бишр ибн Умар аз-Захроний ва бошқа кўпдан-кўп ўз даврининг етуқ муҳаддисларидан ҳадис илмини ўрганади.

Илм йўлида узок йиллар олиб борган тинимсиз саъй-ҳаракатлари ва изланишлари натижасида Доримий ҳадис, тафсир ва фикҳ илмларининг алломаси даражасига кўтарилди ва йирик ҳадисшунос олим сифатида катта шуҳрат қозонди. Абу Ҳафс ан-Насафийда кўрсатилишича, Имом ад-Доримий 75 йил яшаган. У 255/869 йили вафот этган ва Чокардиза қабристонига дағн килинган.

2000 йилда Самарқанд вилояти, Тойлоқ тумани, Испандий қишлоғида Имом ад-Доримий мақбараси ва Жомеъ масжидининг тантанали очилиш маросими нишонланди. Бу ўн икки аср муқаддам илм-фан йўлида бекиёс катта хизмат қилган буюк олимга бўлган чукур хурматэътиборнинг бир рамзиdir. Ҳозирда алломанинг ушбу салобатли мақбаралари энг азиз қадамжойлардан бири сифатида ардокланиб келинмоқда.

Имом ад-Доримий ҳадис илмининг турли йўналишлари бўйича изланишлар олиб борди, ҳатто пешқадамларидан бирига айланди. Унинг ҳадис ва унинг тур (ёки иллат)лари, ровийлари ҳақидаги илми ҳамда тажрибасига кўплаб уламолар тан беришган. Имом ад-Доримий яшаган даврда ислом дунёсида турли фирмаларнинг мафкуравий курашлари авж олиши нати-

жасида тарқалган түқима-сохта ҳадислардан саҳиҳларини ажратиб бериш унинг асосий мақсади эди. У ўзининг асарига жамият ҳаётида рўй берадиган турли муаммолар ечи-мининг асоси сифатида қараб, мавзулар доирасини кенг, аниқ ва батафсил тарзда ёритади.

Имом ад-Доримиининг «Муснад», яъни «Сунан ад-Дорими» номи билан машҳур бўлган асари фиқҳий бо-бларга бўлиб ёзилган. Асарни мўътабар олти китоблардан бири, деб атаганлар. Уламолар «Саҳиҳ китоб» эгалари, деб бешта имомга иттифоқ қилдилар. Булар Бухорий, Муслим, Термизий, Абу Довуд, Насоийлардир, лекин олтинчисига ихтилофлар бор. Баъзилари «Сунани Ибн Можа» ва яна баъзилар «Муваттои Молик» дейишса, бошқалари «Сунан ад-Дорими» дейишади. «Сунан ад-Дорими»нинг олтинчи китобликка ҳақли эканига далил шуки, у иснодда заиф кишиларнинг озлиги, жумхур уламолардан ажрамаганлиги, инкор этилган гапларнинг топилмаслиги жиҳатидан ажралиб туради.

Имом ад-Доримиий шунингдек, ўзига тенгдош бўлган Аҳмад ибн Ҳанбал, Яҳё ибн Муъин, Али ибн Мади-ний, Ибн Хаййот каби олимлардан ҳам кўп нарсаларни ўрганди.

Имом Доримиийдан машҳур муҳаддислар Муслим, Абу Довуд, Термизий, Муҳаммад ибн Башшорлар ҳадис ривоят қилишган. Абдуллоҳ ибн Аҳмад, Исо ибн Умар Самарқандийлар Имом Доримиийдан ҳадис илмидан сабоқ олишган.

Асл ҳадис китобларида ҳадиснинг матнидан олдин Расулуллоҳ (с.а.в.)дан тортиб, муҳаддисгача бўлган ро-вийлар бирма-бир зикр қилинган. Уларнинг асосий ишлари ҳам ўша ровийларни аниқлаш, уларни ишончли кишилар эканлигини топишдан иборат бўлган. Ровийлари тўлиқ ва аниқ зикр қилинмаган ҳадисни ҳеч ким қабул қилмаган. Шу билан бирга ровийларни қабул қилиш учун маълум шартлар қўйилган. Бунда, бир ҳадиснинг қабул

бўлиши учун ровий ва ҳадисга қўйилган шартлар мисли кўрилмаган диққат-эътибор ва чуқур ўрганиш билан амалга оширилган. Ровийларга қўйилган асосий шартлардан бири уларнинг адолатли (мусулмон, балогатга етган, ақлли, фосиқлик аломатлардан ҳоли ва б.) ва зобтли (ишончли, хотираси кучли, масъулиятли) бўлишларидир.

Имом Доримий ривоят қилган ҳадисларнинг ровийларига нисбатан жарҳ ва таъдил уламолари ўз фикрларини билдириб ўтганлар. Улар – ҳадисларнинг нуқсон ва таққос жиҳатлари, ровийларнинг қиёфаси, бирор сифати, айби ёки фазилати, ишончли ёки ишончсиз эканлиги ҳакида фикрларини билдирувчи олимлар гурухидир. Уламолар жарҳ ва таъдилнинг 6 мартабаси деб қуидагиларни белгилаганлар:

1) Энг олий даражаси - أَفْعُل – афъалу формасида (орттирма даражадаги сифат) келтирилиб، اثْبَت - асбату – “энг событи”, “Фалончи бениҳоя событидир”, “Фалончи одамларнинг энг событидир” каби сўзлар билан ифодаланади.

Имом Доримий “Сунан”идаги ровийларнинг барчаси-га жарҳ ва таъдил уламолари ўз фикрларини билдирганлар. Жумладан, ушбу даражага кўра Имом Доримийнинг устозларидан бўлмиш Абдуллоҳ ибн Юсуфни «Шомлик ровийларнинг энг событи», Вухайб ибн Холидни эса “Басралик ровийларнинг энг событи”, машҳур ровийлардан Молик ибн Анасни “Барча соҳалар бўйича энг событи”, Хушайм ибн Баширни “ас-Саврий ривоят қилган ҳадисларнинг энг билимдони (хофизи)”, Яҳё ибн Абдуллоҳ ибн Букайрни эса “ал-Лайс ривоят қилган ҳадисларнинг энг событи” ва бошқа шу каби иборалар билан таърифлаганлар.

2) Кейинги даражадаги ровийларнинг мартабалари бир ёки икки тавсифий сўзлар билан таъкидланади. Масалан، شَفَّةٌ شَبَّت “Фалончи ишончли событидир”. Ушбу даражадаги ровийларга Имом Доримийнинг устозларидан Язид ибн Ҳорунни “ишончли событ”, Аффон ибн

Муслимни “ишончли событ мөхир (ўз ишининг устаси)” каби сўзлар билан ифодалаб киритганлар.

3) Ишончлилига далолат қилувчи сифатлар таъкидсиз зикр қилинади. Масалан، نَقْةٌ – «Фалончи сиқадир» ёки حَجَّةٌ – “Фалончи хужжатдир”. Жарх ва таъдил уламоларнинг аксарияти «Сунан”даги барча ровийларга нисбатан “сиқа” иборасини қўллаганлар.

4) Зобтини билдиримасдан адолатли эканлигига далолат қилувчи ибора ишлатилади. Масалан، صَدُوقٌ – «Фалончи ўта ростгўйдир”, لَا بِأَسْبَهُ – “Фалончининг ёмонлиги йўқдир”. Ровийлардан Абу-л-Муғири, Абдуллоҳ ибн Мұхаммад, Мұхаммад ибн Юсуф ва бошқалар шундай сифатлар билан таърифланганлар.

5) Ишончли (сиқа) ёки мажруҳлигини кўрсатмайдиган иборалар билан ифодаланади. Масалан، شِيخُ الْإِسْلَامِ – «Мусулмонлар имомларидан бири”, أَمِيرُ الْمُحَدِّثِينَ – “Муҳаддисларнинг амири” ва бошқа шу каби сўзлар. Абу-л-Валид «Шайхул-ислом”, Исҳоқ ибн Иброҳим “Мусулмонлар имомларидан бири”, Ибн Улайя “Муҳаддисларнинг саййиди”, “Муҳаддисларнинг амири” каби сифатлар билан тавсифланган.

6) Жархга яқинроқ ибора билан ифодаланади. Масалан, “Фалончининг ҳадиси ярайди” ёки “Унинг ҳадиси ёзилади” каби. Имом Доримиининг ровийлари ичида ушбу иборалар билан сифатланганлари учрамайди. Лекин жарҳнинг мартабаларига тааллукли бўлган бошқа сифатлар – “Фалончи ҳадис ривоят қилишда лайниндир (юмшоқ, бўш)”, “Фалончи хужжат бўлмайди” каби лафзлар билан сифатланиб келган ровийлар мавжуд. Улар жумласига Ҳасан ибн Рабиъ, Саъид ибн Омир, Мұхаммад ибн Касир ва бошқаларни киритганлар. Аммо улар томонидан “Сунан”да ривоят қилинган ҳадисларнинг барчаси бошқа саҳих тўпламларда ҳам ривоят қилинган бўлиб, ҳадислар саҳих деб эътироф этилган.

Мазкур олти даражадаги ровийларнинг аввалги учтаси мартабасига қарамай ҳужжат сифатида қабул қилинади. Тўртинчи ва бешинчи даражадагилар эса қабул қилинмайди. Лекин ҳадислари ёзилиб, бошқа ишончли ровийларнинг ҳадислари билан солиштирилиб, мувофиқ келгани ҳужжат бўлади. Зобтли бўлмаган машхур ровийларнинг олтинчи даражадаги ҳадислари ҳужжат бўлмай, бошқалар билан солиштирилмай, эътибор учун ёзилади.

Баъзи холларда ишончлилик даражаси паст бўлган ровийлар ҳам учрайди. Жумладан, шомлик тобеъийлардан Бақия ибн Валид (ваф.197/ 813 й.) ҳамда И smoил ибн Айёш (ваф.181/798й.) ҳақида И мом Доримий устозларидан қўйидагиларни келтиради: “Бақиядан фақатгина таникли (ишончли, машхур) ровийлардан ривоят қиласагина ёзинг! Агар нотаниш ровийлардан бўлса, ёзманг. И smoил ибн Айёшдан эса, таниклилардан ривоят қилган бўлса ҳам, бошқалардан бўлса ҳам ёзманг!”. Шунингдек, жарҳ ва таъдил уламоларнинг аксарияти ҳам қўйидаги фикрни маъкуллаб, унга “Ишончлилардан ривоят қилган бўлсагина, ишончли”, “Агар у “хаддасана”, “ахбарана” яъни “бизга хабар беришича” деб келтирса, ишончли” деб таъриф берганлар.

Бақия ибн Валиддан имомлар ҳадис тўпламларида – Бухорий – 1та, Муслим – 1та, Термизий – 8 та, Насоий – 56 та, Абу Довуд – 59 та, Ибн Можа – 42 та, Аҳмад ибн Ханбал – 95 та, Молик – 0, Доримий – 15 та ҳадис ривоят қилганлар. И smoил ибн Айёш ибн Салим ҳақида эса уламолар “Ўз шаҳри (шомлик) ровийларидан ривоят қиласагина ишончли” деб таъриф берадилар. Ундан И мом Бухорий, Муслим, Молик, Доримийлар умуман ҳадис ривоят қилмаганлар, Термизий – 29 та, Насоий – 1та, Абу Довуд – 44 та, Ибн Можа – 52 та, Аҳмад – 173 та ҳадис ривоят қилишган.

Умуман, И мом Доримий ҳадисларни саралашда, асанрини таълиф этишда иснодларга катта аҳамият берган.

Имкон қадар жарх ва таъдил уламолари томонидан энг ишончли деб топилган ровийлардан ҳадис қабул қилган. Шунинг учун Имом ад-Доримиининг машхур шогирдлари – Имом Муслим ва Имом Термизийлар ҳам ундан айнан иснодлар бўйича чукур илм олганлар.

Ҳадислар шу кунга қадар етиб келиши бўйича мутавотир ва оҳод ҳадисларга бўлинади. “Мутавотир” сўзи “кетма-кет келиш” деган маънони билдиради. Бу турдаги ҳадисларда санад занжирининг ҳар бир табақасида кўп сонли (10 та) ровийлар бўлиб, улар бундай хабарни тўкиб чиқаришлари аклга тўғри келмайди. “Оҳод” сўзи эса “Аҳад” сўзининг кўплigliги бўлиб, “ёлғиз, ягона” деган маънони билдиради. Бундай ҳадис бир киши томонидан ривоят қилинади. “Сунан”да 238 та мутавотир ҳадис келган бўлиб, улардан намоз китобида келган 7 ҳадис ҳам қудсий ҳам мутавотир ҳадислардир. Қолган мутавотир ҳадислар асарнинг деярли барча китобларида учрайди. Жумладан, курбонликлар, таомлар, никоҳ ва бошқалар.

Шунингдек асарнинг Муқаддима қисми, таҳорат, намоз, рўза, ҳаж, қурбонликлар, тушлар, никоҳ, Куръон фазилатлари ва бошқа бобларида жами 181 маротаба Куръони карим оятлари келтирилган.

Ҳадисларнинг исноди қайси шахсга нисбатан берилиши жиҳатидан тўрт қисмга бўлинади:

1) Қудсий ҳадисларни уламолар маъноси Аллоҳ таолодан, лафзи эса Расулуллоҳ (с.а.в.)дан, деб хисоблайдилар. Ушбу ҳадислар «Расулуллоҳ (с.а.в.) Аллоҳдан нақл қилиб айтадиларки...» деб бошланади. Имом Доримиининг «Сунан»ида жами 23 та қудсий ҳадис келтирилган бўлиб, асарнинг муқаддима, намоз, рўза, тушлар, савдо-сотиқ, нозик масалалар китобларида келган. Умуман бундай ҳадисларнинг сони кўп бўлмай, Абу Рауф ал-Мунавийнинг машхур “Ал-иттихавот ас-сунния би-л-аҳадис ал-қудсия” китобида 272 та қудсий ҳадислар жамланган. “Сунан”нинг Рўза китоби “Рўзанинг фазилатлари боби”да куйидаги қудсий ҳадис келтирилган:

عن أبي هريرة، قال: قال رسول الله - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: «كُلُّ عَمَلٍ إِنِّي آتَمْ لَهُ، فَالْحَسْنَةُ بِعَشْرِ أَمْثَالِهَا إِلَى سَبْعِ مِائَةٍ ضِعْفٍ، إِلَّا الصِّيَامُ، هُوَ لِي، وَأَنَا أَجْزِي بِهِ»....»

Таржимаси: “Абу Хурайра (р.а.) ривоят қиладилар: “Расулуллоҳ (с.а.в.): “Аллоҳ таоло бундай дейди: “Одам боласининг барча ишлари ўзи учундир, унинг ҳар бир яхши амали учун ўнтадан етти юзтагача ажр-савоб берилиур, тутадиган рўзаси эса мен учундир, бинобарин, унинг мукофотини ўзим бераман...”, – деганлар.”

2) Марфуъ ҳадислар – “марфуъ” сўзи лугатда “кўтарилган, юқори қўйилган” маъноларини англатиб, истилоҳда Пайғамбар (с.а.в.)га нисбат берилган гап, сўз, амал, тақрир ва сифатга мансуб этилган ҳадисга айтилади. Имом ад-Доримийнинг «Сунан»ида жами 1983 та марфуъ ҳадис келган. Асарнинг Куръон фазилатлари ҳақидаги бобининг ўзида жами бўлиб тақрорланишлари билан 195 та ҳадис келтирилиб, улардан 73 таси марфуъ ҳадислардир. 3338-ракам остида келтирилган ҳадис “Кутуб тисъа” (Тўққиз китоб)нинг бошқа китобларида, жумладан, “Саҳих ал-Бухорий” (Куръон фазилатлари китоби, 4639, 4640-ҳадислар), “Сунан ат-Термизий” (Куръон фазилатлари китоби, 2832, 2833-ҳадислар), “Сунан Абу Довуд” (Намоз китоби, 1240-ҳадис), “Сунан Ибн Можа” (Муқаддима қисми 207, 208-ҳадислар), “Муснад Аҳмад” (Жаннатий деб башорат қилинган ўнта саҳобий исноди боби, 386, 389, 469-ҳадислар)да ҳам келтирилади.

Усмон разияяллоҳу анҳудан Абу Абдураҳмон ас-Суламий, ундан Саъд ибн Убайда, ундан Алқама ибн Марсад эшитиб, Шуъбадан бизга ал-Ҳажжож ибн Минҳол ривоят қилишича, Пайғамбар (с.а.в.): “Сизларнинг орангиздаги яхшиларингиз – Куръонни ўрганувчиларингиз ёки уни (бошқаларга) ўргатувчиларингиздир”, – дедилар.

Марфуъ муттасил ҳадислар гурухига киради.

3) Мавқуф ҳадислар – “мавқуф” сўзи лугатда “тўхталган” деган маънони билдириб, ровий ҳадис ривоят

қилаётганда саҳобийга етганда тўхтаб қолган. Истилоҳда мавқуф саҳобийга нисбат берилган, саҳобийларнинг сўзлари ёки ҳаракатларига мансуб этилган ҳадислардир, дейилади. Бундай ҳадислардан аслида хужжат олинмайди, аммо саҳобийлар суннатга амал қилганликлари боис, марфуъ ҳадис хукми бўлмаганда хужжат олишда фойдаланилади.

Доримийнинг “Сунан” асирида турли мавзулардаги 571 та мавқуф ҳадис ривоят қилинган. Қуръон фазилатлари китобида 3308-рақам остида келтирилган ҳадис фақатгина «Сунан ат-Термизий» (Қуръон фазилатлари китоби, 16-боб, 2910-ҳадис)да келтирилган бўлиб, қолган саҳиҳларда келтирилмаган. Ушбу ҳадис мавқуф ҳадислар тоифасига киритилиб, унинг матни ва ровийлар силсиласи қўйидагичадир: Абу ал-Аҳвосдан Ато ибн ас-Соиб, ундан Суфённинг Абу Омирга ривоят қилишича Абдуллоҳ: «Бу Қуръонни ўрганинглар, уни тиловат қилиб ажрини оласизлар. Унинг ҳар бир ҳарфи учун ўнта ҳасанот бордир. Аммо мен алиф, лом, мим ҳақида айтмаяпман. Чунки алиф, лом, мимнинг ҳар бири учун ўнтадан ҳасанот бордир», – дедилар.

Ушбу ҳадис узлуксиз равишда Пайғамбар (с.а.в.)га бориб етказилмайди, балки фақатгина саҳобийга бориб тўхтайди. Шунинг учун у мавқуф – муттасил ҳадислар тоифасига киритилган.

4) Мақтуъ ҳадислар – “мақтуъ” сўзи лугатда “узилган” деган маънени билдириб, истилоҳда эса тобеъий ёки табаъа тобеъийларнинг сўз, иш-ҳаракатларига нисбат берилган хабарларга айтилади. Кўпинча “мақтуъ” билан “мунқатиъ” ҳадисларни аралаштириб юбориш ҳоллари учрайди. “Мақтуъ” матннинг сифатларидан, исноди тобеъийгача муттасил бўлади. “Мунқатиъ” ҳадиснинг эса исноди муттасил бўлмай, унинг матнга алоқаси бўлмайди.

Юқорида келтирилган барча ҳадислар ровийларининг сони биттадан бўлганлиги учун, улар ғариб ҳадислардир.

Асар муаллифининг устозлари – шайху-л-мусаннифлар, ровийлар занжирининг кейинги табақаси бўлиб, улардан Имом Доримиий ҳадис ривоят қилган.

Ҳадис китобларининг ва ҳадисларнинг мартабалари тартиби ҳамма учун маълум ва машхур. Шунинг учун ҳам кучли мухаддислар ва кучли ҳадислар муқаддамга сурилади. Кучсизлари охирида қолади. Баъзи бир ҳадислар мансух бўлиб амалдан қолган бўлса, албатта, унинг носухи – амалдан қолдирган ҳадис – ундан кейин келган бўлади. Худди шу каби, баъзи бир ҳадисда бир масала мужмал – умумийроқ зикр қилиниб, бошқа бирида муфассал баён қилинган бўлади. Табиийки, бундай пайтда олдин мужмал, кейин муфассал баёни бор ҳадис келтирилади.

Маълумки, Қуръони карим оятларини тафсир қилишда саҳобийлар бирор муаммога дуч келсалар, дарҳол Пайғамбар (с.а.в.)га мурожаат қиласар эдилар. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) томонидан ҳам оятларнинг маҳфий, нозик жойларини, ҳалол-ҳаром масалаларида, уларни шарҳлашда Қуръоннинг ўзи кифоя қилмаслигини тушунирилган. Ҳадис китобларининг ҳаммасида ҳам Қуръон оятларининг тафсири учун алоҳида боб ажратилиб, унда ҳадислар орқали оятларга шарҳлар, изоҳлар берилади. Масалан, фарз намозларининг беш вақт эканлиги, ракъатларнинг сони, ўқилиш ҳолатлари, закотнинг миқдори, навлари ва унинг адo этилиши ҳакида ҳадисларда келтирилган.

Шундай қилиб, Имом Доримиийнинг «Сунан»ида жами 23 құдсий, 1983 та марфуъ, 571 та мавқуф, 790 та мақтуъ ҳадислар келтирилган. Бу ҳадислар ислом олами уламолари томонидан юқори баҳоланиб келинган.

Мустақиллик йилларида республикамизда маданий меросни, ўтмишдаги алломалар ижодини ўрганиш орқали миллий қадрияларни тиклашга катта эътибор берилмоқда. Илгари ўрганилмаган олимлар ҳаёти ва ижоди, асарлари тадқиқ этила бошлади. Бошқа соҳалар намо-

яндалари қатори муҳаддислар фаолияти ва уларнинг асарлари тадқиқ этилиб келинмоқда.

Юртимиз олимлари томонидан ҳадисшунослик соҳасида амалга оширилаётган ишлар бекиёсdir. Ўтмишда бизнинг юртимиздан минглаб муҳаддислар етишиб чиққанларки, уларнинг меросини ўрганиш бўйича ҳозирда қилинаётган тадқиқотлар диққатга сазовор. Ўзбекистонда муҳаддислар меросини ўрганиш мархум олим Зиёвуддин ибн Эшон Бобохон томонидан ривожлантирилди. Мустақиллик даврида эса, Шамсуддин Бобохонов, шайх Абдулазиз Мансур каби олимлар томонидан амалга оширилган ишлар эътиборга молик. Хусусан, профессор Убайдулла Уватовнинг «Мовароуннаҳр ва Хуросон олимларининг ҳадис илми ривожида тутган ўрни (Ал-Бухорий, Муслим, Ат-Термизий)» мавзуидаги докторлик диссертацияси ва бу изланишлар натижасида чоп эттирган кўплаб китоб, рисола ва мақолалари ҳадис илми ва муҳаддисларнинг шарафли хизматларини ёритишга бағишиланган.

Абдуғани Абдуллоҳ, Ҳожа Музаффар Набиҳон ўғли, Мирзо Кенжабек каби таржимонлар томонидан Имом Бухорий ва Термизийларнинг шоҳ асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Олимлар томонидан нашр эттирилган Имом Бухорийнинг «ал-Жоме ас-саҳих», «Ал-Адаб ал-муфрад» китоблари халқимизга ҳадис илми бўйича зарурний маълумотларни берди.

Охиригина амалга оширилган ишлар қаторида А.Мансуров томонидан Имом Бухорийнинг «Саҳих ал-Бухорий» номли ўзбек тилидаги нашрини таъкидлаш лозим.

Кейинчалик бу соҳада изланиш олиб борган ёш тадқиқотчилардан Б.Эшонжоновнинг «IX аср Мовароуннаҳр маданий ҳаётида Имом ал Бухорийнинг мавқеи ва унинг «ал-Жомиъ ас-саҳих» асаридағи фиқҳий масалалар», Д.Рахимжоновнинг «Абу Ҳафс

ан-Насафийнинг «Китоб ал-қанд фи маърифат уламо Самарқанд» асари – Самарқандда ҳадис илми тарихи бўйича муҳим манба», Д.Муратовнинг «Абдуллоҳ ас-Субазмунийнинг «Қашф ал-осор» асари – ҳадис илмига оид манба», М.Алимованинг «Имом ад-Доримийнинг ҳадис илми ривожига қўшган хиссаси» мавзуидаги номзодлик диссертациялари бевосита ҳадис илми тарихи, юртимиз алломаларининг бу фан соҳасига қўшган хиссаларини ёритишга бағишиланган.

Шу билан бир қаторда, Абдулҳаким Шаръий Жўзжонийнинг «Ҳанафий мазҳаби ва Ўрта Осиё фақиҳлари», А.Мўминовнинг «Ҳанафий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II–VII/VIII–XIII асрлар)» мавзуидаги докторлик, Н.Муҳамедовнинг «Шош воҳаси олимларининг ислом илмларида тутган ўрни (Х–ХII асрлар)», И.Усмоновнинг «ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «Наводир ал-усул» асари – ҳадис ва тасаввуф илмига оид муҳим манба», А.Ф.Абдуллаевнинг «Абу-л-Лайс ас-Самарқандийнинг Мовароуннаҳр тафсиршунослигига тутган ўрни», С.Оқиловнинг «Абу-л-Муъин ан-Насафий ва унинг мотуридия таълимоти ривожига қўшган хиссаси («Табсиратул-адилла» асари асосида)», Ш.Зиёдовнинг «Абу Мансур ал-Мотуридий ёзма мероси ва унинг “Китаб ат-та’вилот” асари», З.Нажмиддиновнинг «Абу Зайд ад-Дабусий меросининг Мовароуннаҳрда фикҳ илми ривожига тутган ўрни», Р.Матибаевнинг «Абу-л-Муайяд ал-Маккий ал-Хоразмийнинг «Маноқиб Аби Ҳанифа» асари – ҳанафийлик бўйича нодир манба» каби номзодлик диссертацияларида ҳам ҳадис илми билан боғлиқ масалалар ёритилган.

Шамсуддин Бобохонов ҳам илк бора Ўзбекистонда муҳаддисларнинг меросидан «бир шингил»ини рус тилига таржима килган ва «Великие муҳаддисы о мире и дружбе между народами» («Буюк муҳаддислар халқлар

орасидаги дўстлик ва тинчлик ҳақида») асарида келтириб ўтган. Бундан ташқари, «ал-Адаб ал-муфрад» асарини ўзбек тилига таржима қилиб нашр эттирид ҳамда таржи-манинг кириш қисмида асар бўйича батафсил маълумотлар бериб ўтди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, мухаддислар мероси ҳанузгача олимларимиз томонидан ўрганилмоқда. Чунки уларда умуминсоний қадриятлар ва бой маънавий-маърифий мерос сакланиб қолган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил Бухорий. Саҳиҳ. т. I-IV. Тошкент. Қомуслар Бош таҳририяти. 1997.
2. Абу Исо Мұхаммад ат-Термизий. Сунани Термизий. т. I. Тошкент. Адолат. 1999.
3. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. ал-Жоми ас-саҳиҳ (ишонарли тўплам): 4 жилдли. – Т.: Қомуслар бош таҳририяти, 1991-1999.
4. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ал-Адаб ал-муфрад. – Т.: Ўзбекистон, 1990. – 197 б.
5. Шамоили Мұхаммадия. Тошкент, 1991.
6. Сунани Термизий .Тошкент, 1999.
7. Абу Абдуллоҳ Мұхаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Саҳиҳ ал-Бухорий: 2 жилдли. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008.
8. Бабаханов Ш. Великие мухаддисы о мире и дружбе между народами. Ташкент. 2000.

Мавзуни мустаҳкамлаши учун бериладиган саволлар:

1. Ҳадис атамасининг маъноси нима?
2. Илк ҳадис тўпламлари қачон ёзилган?
3. Ҳадис тўпламларининг турлари ҳақида нималар биласиз?
4. Олтита ишончли ҳадис тўпламларининг эгалари кимлар?

6-мавзу: Тафсирлар – исломшунослик манбалари сифатида.

1. Тафсирларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари.
2. Мовароуннахрда тафсир илми ривожи.
3. Машхур муфассирлар ва уларнинг тафсирлари таҳдили.
4. Замонавий тафсирлар ва таржималар.

Мавзунинг ўқув мақсади: тафсир, унинг турлари, муфассирлар, турли даврларда ёзилган тафсирларнинг ўзига хосликлари ҳақида маълумот бериш.

Таянч иборалар: тафсир, таъвил, таржима, муфассир, тафсир би-л-маъсур, тафсир би-р-рай, мухкам, муташобех, асбаб ан-нузул.

1. Тафсирларнинг умумий ва хусусий жиҳатлари.

Илк ислом даврида йигирма уч йил мобайнида нозил бўлган Куръони карим жами 114 сурага бўлинган. Бу сурагарнинг бўлинишини Муҳаммад пайғамбарнинг ўзлари белгилаб берган.

Оятларни шарҳлаш, уларни тафсир қилиш ислом динининг ilk давридан бери энг долзарб масалалардан бири бўлиб келган. Шу сабабли дастлаб, Муҳаммад пайғамбарнинг ўзлари оятларни шарҳлаб берганлар. Кейинчалик эса, бу иш билан тафсир илмини яхши билган сахоба, тобеъин, табаа тобеъин ва муфассирлар шуғулланганлар. Дастлаб, тафсир алоҳида илм сифатида шаклланмаган, балки ҳадис таркибида бўлган ва аста-секин ривожланган.

Тафсир илми диний илмлар ичида мўътабар саналиб келинган ҳамда муфассир, мутакаллим, фақих, муҳаддис каби кўплаб олимлар томонидан пухта ўрганилган.

Тафсир (تفسیر – сўзи фасара кўплиги тафасир – تفسیر) феълининг ўзагидан олинган бўлиб, луғатда «изоҳламок», «баён этмок», «ёритмок» маъноларини беради. Лекин истилоҳда «тафсир» Куръондан кўзланган мақсадни инсон ўз ақли даражасида тушуниб, бошқаларга ҳам тушунтириб бериши, деб таърифланган.

Та’вил تأویل ҳам оятларни тушунишда мухим аҳамиятга эга бўлиб, у «шарҳлаш», «изоҳлаш» маъносидан қўлланилади ва кўп жиҳатдан тафсирга яқин келади. Абу-л-Баракот Насафий ҳам гарчи, ўзининг тафсир китобида «бу сўзнинг таъвили бундок» каби ибораларни ишлатмаса-да, таъвилга маълум маънода эътибор бергани учун асарининг номини «Куръон моҳияти ва таъвил ҳақиқатлари» деб номлаган.

Тафсирда икки йўналиш – накл – التفسير بالتأثر (ат-тафсир би-л-ма‘сур) ва ақл – التفسير بالرأي (ат-тафсир би-رрай) асосида тафсир қилиш мавжуд. Оятни бошқа бир оят билан, сунна, саҳоба ёки тобеъинлар ривоятларига биноан шарҳлаш наклий тафсирга киради. Бундай тафсир китобларидан Ибн Жарир Табарий (224/839 – 311/923)нинг «Жомеу-л-баён фи тафсири-л-Куръон» («Куръон тафсиридаги шарҳларни жамловчи»), Ибн Касир (700/1300 – 774/1372)нинг «Тафсиру-л-Куръони-л-азим» («Буюк Куръоннинг тафсири»), юртдошларимиздан Имом Мотуридийнинг «Таъвилоту-л-Куръон» («Куръон таъвиллари»), Абу-л-Лайс Самарқандий (ваф. 373/983-4 й.)нинг «Бахру-л-улум» («Илмлар денгизи») каби асарларини сабаб ўтиш мумкин.

Ақл билан тафсир қилиш ҳам катта аҳамият касб этиди. У дастлаб, Ироқ тафсир мактабида ривож топди ва кейинчалик бу анъана бошқа ўлкаларга ҳам тарқалди. Аслида саҳобалар даврида Макка, Мадина ва Ироқ тафсир мактаблари шакллана бошлаган эди. Ушбу мактабларга Маккада – машҳур муфассир саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Аббос, Мадинада Убай ибн Кааб ва Ироқда Абдуллоҳ ибн Масъуд устозлил қилганлар.

Иbn Аbbос тафсир бўйича қуйидаги фикрни берган: «Тафсирлар тўрут турга бўлинади. Биринчиси, арабларга ўз тилларидан маълум бўладигани, иккинчиси, хамма билидигани, учинчиси, олимлар биладигани ва тўртингчиси, факат Аллоҳгина биладиганидир. Ким ушбу (охиргиси)ни биламан деб даъво қилса, у ёлғончидир».

Шунга биноан, кўплаб муфассирлар Куръондаги мазкур тўртингчи турдаги оятлар маъносига шарҳ бермандар. Гарчи тафсир китобларида ўша оятларга турли изоҳлар берилса-да, лекин аниқ фикр айтилишига журъат қилинмасликни кузатиш мумкин.

Шунингдек, оятнинг зоҳир маъноси аниқ-равшан бўлсада, унинг ботинига мурожаат қилишни ҳам кўплаб ислом олимлари қоралаганлар. Ибн Салоҳ ўзининг «Фатово» («Фатволар») китобида шундай дейди: «Мен муфассир Ҳасан Воҳидийдан қуйидаги ривоят борлигини биламан: «Абу Абдураҳмон Сулламий «Ҳақоиқу-т-тафсир» («Тафсир ҳақиқатлари») китобини ёзган. Агар у бу китобини тафсир деб эътиқод қилган бўлса, (унда ботиний қарашлар кўп бўлгани учун) у диндан чиқибди», – деб айтади.

Насафий ҳам ўз китобида «Далиллар Куръоннинг зоҳирий маъносидан олинади. Ботинийлар каби ун(зоҳири)дан ташқари бошқа маъноларни олиш куфрdir», – дейди.

Тафсир илми саҳобалар, тобеъинлар, улардан кейинги давр, тафсирнинг мустақил илм сифатида ҳадисдан ажратилиши, тафсирларда носоғлом ривоятларнинг пайдо бўлиши, тафсирларга турли илмларнинг аралашиши ҳамда ақлий тафсирларнинг кўпайиши каби босқичларни босиб ўтди.

Манбаларда кўрсатилишича, асосан XII – XIII асрлардан бошлаб ақлий тафсирлар кўплаб ёзила бошланган. Бу бир томондан, ўша пайтда ақлий илмларнинг ривожланганини кўрсатса, иккинчи томондан, баҳсли масалаларда ақлий мисоллардан кўп фойдаланилганига ишора

қилади. Демак, вақт ўтиши, турли сабабларнинг пайдо бўлиши билан Қуръонни нақлдан ташқари ақлга асосан тафсир қилиш ҳам давр талабига айланган. Улар услуб, хусусият ва уларда илгари сурилган илмларга қараб турли йўналишларга бўлинади. Баъзиларида нахв, бошқаларида ақида ёки фалсафа, яна баъзиларида тарих ҳамда исроилиётга кўпроқ эътибор қаратилган бўлиб, уларнинг барчаси рухсат этилган ақлий тафсирлардан саналади. Булар Абу-л-Баракот Насафийнинг «Мадорику-т-танзил ва ҳақоиқу-т-таъвил», Абу Абдуллоҳ Мұхаммад Розийнинг «Мафотиҳу-л-ғайб» («Ғайб қалитлари»), Имом Байзойининг «Анвору-т-танзил ва асрору-т-таъвил» («Қуръон нурлари ва таъвил сирлари»), Абу-л-Ҳасан Ҳозиннинг «Лубобу-т-таъвил фи маъони-т-танзил» («Қуръон маъноларидаги таъвилнинг моҳияти»), Абу Абдуллоҳ Абу Ҳайон Андалусийнинг «Бахру-л-муҳит» («Катта денгиз»), Имом Найсабурийнинг «Ғароибу-л-Қуръон ва рағоибу-л-Фурқон» («Қуръон ғаройиботлари ва Фурқон рағбатлари»), Жалолиддин Маҳаллий ва Жалолиддин Суютийнинг «Тафсиру-л-Жалолайн», Ҳатиб Шарбинийнинг «Сирожу-л-мунир”, Абу Саъуд Имодийнинг «Иршоду-л-ақли-с-салим ила мадайа-л-Китоби-л-карим» («Соғлом ақлни мўътабар Китоб нурларига йўналтириш») асарларидир. Ақлий тафсирлар орасида аллома Замахшарийнинг «Кашшоғи»и араб тили имкониятларини ўзида кенг мужасам этган энг эътиборли асарлардан бири ҳисобланади.

Маълумки, ислом манбашунослигига муфассирларнинг ҳаёти ва илмий меросига бағишлиланган маҳсус «Табақоту-л-муфассирин» туркумидаги асарлар ёзилган. Бундай асарларнинг дастлабкиларида муфассирлар бошқа соҳа олимларидан алоҳида ажратилмай, умумий тарзда ёзилаверган. Кейинчалик ҳижрий X асрларда муфассирларга бағишлиланган алоҳида «Табақот» китоблари яратилди. Жумладан, Жалол ад-дин ас-Суютийнинг «Табакоту-л-муфассирин» асарида 136 та муфассирнинг таржимаи ҳоли ва илмий меросига оид маълумотлар келтирилган.

«Табақот» муаллифлари муфассирлар ҳаёти ва илмий мероси ҳақида хабар бериш билан бирга, уларни турли жамоаларга бўлиб чиққанлар. Манно Қаттон муфассирларни тўққиз жамоага бўлиб ўрганган. Аҳмад ибн Муҳаммад Аднавий ҳам ўзининг «Табақот ал-муфассирин»ида саҳобалардан бошлаб хижрий X асргача яшаган муфассирларнинг орасини 100 йил деб белгилаб, бир неча жамоага бўлган. Суютий муфассирларни қуидаги тўрт жамоага бўлган:

- Саҳоба, тобеъин ва табаъа тобеъинлардан иборат муфассирлар;
- Муҳаддислардан иборат муфассирлар;
- Ахли сунна вал жамоа эътиқодидаги қолган муфассирлар жамоаси;
- Мўътазила, шия ва шу сингари ахли суннадан бошқа эътиқодда бўлганлар тоифаси.

Юкоридаги биринчи ва иккинчи жамоадагилар «накл қилувчилар», учинчи жамоадагилар «таъвил қилувчилар», тўртинчи жамоадагилар эса «бидъатчилар» деб аталади.

2.Мовароуннахрда тафсир илми ривожи

Мовароуннахрда ислом динининг тарқалишига қадар ҳам илм-фан тарақкий топган, олим ва саводхон кишилар кўп бўлган. Минтақага ислом дини кирганидан кейин эса, у йирик илмий марказга айланган. Бунга асосий сабаб сифатида маҳаллий аҳолининг қадимдан илму маърифатли, маданиятли бўлгани ва шу сабабдан янги дин аҳоли томонидан катта тўсиқларсиз қабул қилиниб, зиёли қатламларнинг мазкур динни илм даражасида юқори чўққиларга олиб чиққанларини кўрсатиш мумкин. Машхур олим Ибн Халдун (732/1332 – 784/1382) ҳам ушбу фикрни таъкидлаб, бу ерда илмли кишиларнинг кўп бўлиши ислом маданияти ва билимларининг тез тарақкий этишига хизмат қилганини айтади. Тез орада Мовароуннахрда илм масканлари шаклланган, алломалар, қомусий олимлар

етишиб чиқа бошлаган, исломга оид барча илмлар қатори тафсир илми ҳам ривож топган. Ҳатто, аҳолининг оятларни тезроқ тушунишлари учун баъзан таржималарга ҳам руҳсат берилган. Шу тариқа Мовароуннахрда ислом динининг тарқалиши баробарида Куръон ва тафсир илмлари ҳам ривожланган. Мовароуннахрдаги илк тафсирлар баён этилган асарлар сифатида Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Доримийнинг ҳадис тўпламларини айтиб ўтиш мумкин. Булар ўз ҳадис тўпламларида алоҳида бир боб (китоб)ни тафсирга бағишлаган мазкур муҳаддисларни Моваро-уннахрдан чиққан илк муфассир олимлар деб айтишга сабаб бўла олади.

Мовароуннахрлик муфассирларнинг асосан ҳанафий мазҳабида бўлганини алоҳида таъкидлаш зарур. Кўплаб мовароуннахрлик олимлар ўзларининг бой илмий асарлари билан мазкур мазҳабнинг янада такомиллашувига катта туртки берганлар.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, туркий қабилалардан чиққан шоҳ ва саркардалар анъанавийлик тарафдори бўлган ҳанафий мазҳабини юқори тутиб, турли бидъат ва хурофт аҳлига қаттиқ зарба бериб келганлар. Тахт тепасига келган Салжуқийлар 1040 йилда Хурасонни, кейинроқ Эронни эгаллаганлар. 1055 йилда эса, Бағдод ҳам уларга таслим бўлган. 1071 йилда византийлик император Роман Диогенни мағлуб этгач, туркийлар бутун Кичик Осиёни бошқарганлар. Улар Араб халифалиги ерларини эгаллаш баробарида ўзлари ҳам исломнинг ҳимоячиларига айлана борганлар. Қораҳонийлар, Хоразмшоҳлар каби туркий шоҳлар ҳам ўз худудларида ҳанафий мазҳабини қўллаб-кувватлаганлар. Мана шу тарзда муфассирлар ҳам бевосита бу мазҳабга мансуб бўлаверганлар.

Лекин юртимизда шоғиий мазҳабидаги олимлар ҳам бўлганки, улар илмнинг кўплаб соҳаларида асарлар яратиб, Мовароуннахр илмий муҳитининг ривожига ўз ҳиссаларини қўшганлар. Буларнинг машҳурлари қаторида

ал-Қаффол аш-Шоший (291/904 – 365/976), Абу-л-Ҳасан Қосим, Имом ат-Тафтазоний (722/1322 – 794/1392) сингари олимларни айтиб ўтиш мумкин. Бундан ташқари манбаларда уларни тафсир билан ҳам шуғулланганликлари қайд қилинган. Яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, булар ва мазкур мазҳабдаги бошқа олимларнинг асрлари юртимиз таълим муассасаларида бир неча асрлардан бери тафсир, тил қоидалари каби фанлардан дарслик сифатида ўқитиб келинган.

3.Машхур муфассирлар ва уларнинг тафсирлари таҳлили.

Мовароуннахрда тафсир илмининг ривож топганини маҳаллий муфас-сирларнинг илмий мероси ҳам исботлайди. Булардан бири «Муҳаддислар султони» унвонига сазовор бўлган Абу ‘Абдулло Муҳаммад ибн Исмо’ил ал-Бухорий (194/810 – 256/870)дир. У нафақат ҳадисда, балки тафсир соҳасида ҳам шуҳрат қозонган. Унинг машхур «ал-Жāми‘ ас-саҳīх» («Саҳīх ҳадислар тўплами») асаридан олдинроқ ёзилган «ат-Тафсир ал-қабир» («Катта тафсир») китоби бўлган, лекин ушбу китоб бизгача етиб келмаган.

Буюк муҳаддислардан ҳисобланган Имом ал-Бухорий «ал-Жāми‘ ас-саҳīх»да Қуръон оятларининг тафсирига оид ҳадисларни ҳам жамлаган. Жумладан, алоҳида тафсирга бағишилаган «Қуръон тафсири китоби» бобида, ал-Фотиҳа сурасини тафсир қилиб, унда Абу Са‘ид ибн Му‘аллодан ривоят қилинган Қуръоннинг энг улуғ сураси Фотиҳа экани тўғрисидаги ҳадис келтирилади.

Шунингдек, мазкур бобда ал-Фотиҳа, ал-Бақара, Оли ‘Имрон, ан-Нисо’, ал-Ан‘ом каби 85 та сурадаги оятларнинг тафсирлари ўрин олган ва жами 358 та оятга шарҳ берилган. Имом ал-Бухорий ҳадислар орасидан ўз шартларига тўғри келганини саралаб олгани боис, ҳамма оятларнинг шарҳлари бўлмаслиги мумкин. Бу тафсирлар

нақлга асосланган тафсирлар бўлиб, асосан саҳобалардан Абу Хурайра, Анас ибн Молик, Ибн ‘Аббос, ‘Абдуллоҳ ибн ‘Умар, ‘Оиша, тобеъинлардан Мужоҳид, Қатода, Иқрима, Масруқлар-нинг ривоятлари борлиги билан эътиборга лойик.

Мазкур асарнинг яна бир қисми «Қуръон фазилатлари китоби»га бағишланган бўлиб, унда Қуръон ўқиш, уни такрорлаш ва ўргатиш фазилати каби мавзулар ёритилган. Бу ҳам Имом ал-Бухорийни муфассирлардан эканини кўрсатмоқда. Чунки нақлий тафсирлар ҳадиснинг бир тури бўлиб, ҳадис мазмунан Қуръонни шархлайди. Бу эса, ҳадис билимдонининг тафсирни билишидан далолат беради.

Самарқандлик машҳур муҳаддис Абу ‘Абдуллоҳ ибн ‘Абд ар-Рахмон ас-Самарқандий ад-Доримий (181/798–255/869) тафсирда ўзига хос ўринга эга, ниҳоятда тиришқоқ, зеҳнли, тақводор олимлардан бўлган. Ундан Муслим ибн ал-Ҳажжож (206/819–261/874) ва Абу ‘Исо ат-Термизий (209/824 –279/892)лар ҳадис ривоят қилганлар. Унинг «Сунан» асарида «Китāб фазā’ил ал-Қur’ān» («Қуръон фазилатлари китоби») номли боб (китоб) бўлиб, у ҳам ўз навбатида 35 кичик фаслдан ташкил топган. Унда тафсир илмига алоқадор ривоятлар, баъзи сура ва оятларнинг фазилатлари ҳақидаги маълумотлар жамланган.

Абу Исо Муҳаммад ибн ‘Исо ат-Термизий ўзининг «ал-Жāми‘ ас-саҳиҳ» асарида «Китāb фазā’ил ал-Қur’ān», «Китāb ал-кира’āt» («Қуръон қироати») ва «Китāb тафсир ал-Қur’ān» («Қуръон тафсири китоби») номли боблар бўлиб, унда тафсирга оид ривоятлар, «Китāb тафсир ал-Қur’ān» бобида эса анъанавий тартибда Қуръоннинг ал-Фотиҳасидан ан-Носгача бўлган сураларнинг фазилатлари ҳақидаги ҳадислар жамланган. Абу ‘Исо тафсир қилиш жиддий иш эканини таъкидлагани боис ушбу бобда ўз ижтиходи билан тафсир қилишнинг мумкин эмасли-

ги ҳақидаги ҳадисларни биринчи навбатда келтиради. У 279/892 йилда Термиздан узок бўлмаган Буғ қишлоғида вафот этган.

Ал-Ҳаким ат-Термизий номи билан машҳур бўлган Абу ‘Абдуллоҳ Мұхаммад ибн ‘Али ал-Ҳасан ибн Башир (205/820 – 320/932) ҳам тафсир ёза бошлагани, лекин у охирига етмай қолгани тўғрисидаги маълумот мавжуд. Номи номаълум бу асарда Қуръонда учраган 80 та сўзга шарҳ ёзилган. Шу боис ҳам бу шахсни муфассир олимлар қаторида келтиришни жоиз топдик. Бундан ташқари, ал-Ҳаким ат-Термизийнинг «ал-Амсаъл мин ал-Китаб ва-с-сунна» («Қуръон ва суннадан мисоллар»), «Таҳсил назā’ир ал-Қур’ān» («Қуръон ибратларини эгаллаш») каби асарлари ҳам бор.

Ат-Термизий тафсиридаги услуб уч йўналишда намоён бўлади: биринчиси, барча тафсирларда бўлгани каби оятларни зоҳирий тушуниш, иккинчиси, тасаввуфий ва учинчиси араб ҳарфларидан ишора олиш, яъни Аллоҳнинг исми ва сифатлари илмининг асли ҳарфлардир, деб қараш. Бундан келиб чиқиб, ат-Термизийнинг мазкур тафсирини Мовароуннаҳрдаги дастлабки тасаввуфий тафсирлардан, деб айтиш ҳам мумкин.

Абу Ҳафс ‘Умар ибн Мұхаммад ибн Бужайр ал-Ҳамазоний ас-Самарқандий (223/838 – 311/923-4) мовароуннаҳрлик муҳаддис олим. Унинг «ат-Тафсир» ва «ас-Сиҳаҳ» каби асарлари бор. Унинг отаси ҳам олимлардан бўлган. Шу сабаб илм сафарларига ўғлини ўзи билан олиб чиқиб, билимга қизиқтирас эди. ‘Исо ибн Ҳаммод, Башр ибн Му‘оз ал-Ақдий, Мұхаммад ибн Му‘овия Ҳол ад-Доримийлардан таълим олган. Ундан эса, Мұхаммад ибн Собир, Мұхаммад ибн Аҳмад ибн ‘Имрон аш-Шоший, А‘юн ибн Жа‘фар ас-Самарқандийлар сабоқ олганлар. Абу Са‘ид ал-Идрисий уни «фозил ва ҳадисда ишончли эди», деб айтган.

Абу Мансур Мотуридийнинг яна бир машҳур асари «Китоб ат-та’вилот». Унинг кўп нусхалари мавжуд бўлиб,

ҳозирги кунда дунёning турли фонdlарида сақланмоқда. Бу борадаги тадқиқотлардан аҳамиятлиси Мотуридийнинг «Китоб ат-та’вилот» асари ҳақидаги Гётцнинг мақоласидир. Унда муаллиф Мотуридийнинг «Китоб ат-та’вилот» асарининг жаҳон қўлёзма фонdlарида сақланётган нусхалари борасида мухим маълумот беради. Лекин Гётц Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондидағи нусхалари ҳақида маълумот бермайди.

«Китоб ат-та’вилот» асари ЎзР ФА ШИда № 5126 ва №5127 рақамлари остида сақланади. ЎзР ФА ШИ фондида № 5126 рақами остидаги нусхаси асарнинг иккинчи жилди. Иккинчи жилднинг умумий ҳажми 258 варак, шарқ қофозига қора сиёҳ билан кўчирилган. Қўлёзма чарм муқовали бўлиб, муқова кейинроқ ишланган ва сахҳофи Хўжа Азизбек сахҳоф. Насх хатида ёзилган. Варақлар ўлчами 26x16 см. бўлиб, ҳар бир саҳифа 18 сатрдан иборат. Қўлёзма асарнинг бир қисми – LXII-CXIV суралар та’вилини ўз ичига олади. Қўлёzmанинг 171а саҳифасида бу асар Хожа Муҳаммад Порсо кутубхонасида сақланганлиги тўғрисида белги бор. Унда жумладан шундай дейилади; “Ушбу китоб Бухоро шаҳрининг Куйи Дихқон манзилидаги кутубхонага Аллоҳ бандаси Муҳаммад Ҳофизи Бухорий томонидан вакф қилинган”. Хожа Порсо мухри кўпроқ китобнинг дастлабки (1б, 2б, 3б, 4б) ва сўнгги (292а, 293а, 293б) варакларида учрайди. Қўлёzmанинг охирида бир нечта саҳифа тушиб қолган: Қур’оннинг СХ - сура та’вилидан кейин CXIV - сура та’вили келади. Суралар номи кўп ҳолларда суранинг дастлабки сўздан олинган (Алақ 96; қадар 97 ва х. к.з. вараклар). Тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатадики кўплаб калом мавзусига оид бўлган суралар батафсил та’вил қилиниб катта хажмни эгаллайди. Мисол тариқасида “ал-қори‘а” (№ 5126, 101 сура, 278б-279а), “Байанна”(№ 5126, 98 сура, 271б-274б), “Ва-л-‘аср” (№ 5126, 103 сура, 281а-282а).

Эътиборли жиҳати – ЎзР ФА ШИдаги бу қўлёзма «Китоб ат-та’вилот»нинг ҳозирги кунга қадар дунёдаги энг қадимий нусхаси бўлиб турибди. Мазкур нусханинг тавсифи СВРга киритилмаган эди ва у илк бор диссертант томонидан илмий муюмалага киритилди. Бу қўлёзма 529/1134–35 йилда кўчирилган. Бухоро жомеъ масжидида қабул қилиниб ва таҳрир этилган (Қубила ва сұхҳиха фи масжиди жа‘ми ал-Бухара). Бу нусха ҳам Хожа Муҳаммад Порсонинг кутубхонасига тегишили. Асарнинг 1а ва 16 саҳифаларидан бошлаб Порсонинг муҳрини учратиш мумкин. Нусха ҳошияларида кўплаб тузатишлар, шарҳлар учрайди. Улардан аксари матндан тушиб қолган ёки хаттот киритган сўзлар ва қайта тузатилган жумлалардан иборат. Кўлёзманинг охирги икки варағидан кейинги даврларда кўчирилган шеърлар киритилган.

ЎзР ФА ШИдаги «Китоб ат-та’вилот» асарининг яна бир нусхаси 5127 инв. рақами остида сақланади. Бу нусха асарнинг охирги жилдидир. Насх ёзувида кўчирилган бу нусха 294 варақдан иборат. Китоб ўлчами 19,5 x 15,5 см., матн ҳар саҳифада 19 қатордан жойлаштирилган. Кўлёзма қора сиёҳ билан шарқ қофозига ёзилган. Бу жилд жигарранг чарм муқовали, филоф ишланган; бундай муқовалаш усули Усмонийлар даврига хос. Муқованинг юзида бир бўлак қадимий қофозга «Китоб ат-та’вилот» сўзлари ёзилган бўлиб, ёзув йиллар давомида эскириб, кўз илғамайдиган даражага келиб қолган. Кўлёзманинг бошланғич варағидаги (1а) юқори сатрда “Тафсир-и шайх Абу Мансур ал-Мотуридий” деб ёзилган. Шу саҳифанинг қутироғида шундай ёзувлар бор: “Бу охирги дафтар буюк имом, зоҳид, хидоят йўли имоми, аҳли сунна ва жамоа раиси шайх Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд ал-Мотуридийдан нақл қилинган”. Варақнинг чап тарафига “Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Наср ал-Хофиз ал-Бухорий мулки” деб ёзиб қўйилган. Кўлёзмада Кур’он сураларининг номи йирик ҳарфлар билан бе-

рилади. Қўлёзманинг аввалги беш варагига пойгирлар кўйилмаганлиги сабабли шу варакларга қизил сиёҳ билан рақамлар кўйилган. Бу асар “бисми аллоҳ” билан бошланади ва Кур’оннинг III – IV суралари та’вилини ўз ичига олади. Кур’оннинг III (ал-Имрон) сурасининг бош қисми сақланмаган (№ 5127, 16-104б вараклар), IV (ал-Нисо) сураси ҳаммаси (№ 5127, 105а-258а вараклар). Бу нусха ҳошияларида ҳам кўплаб тузатишлар, шархлар учрайди. Улардан аксари матндан тушиб қолган ёки хаттот киритган сўзлар ва қайта тузатилган жумлалардан иборат.

Мотуридия таълимоти асосчиси Абу Мансур ал-Мотуридий калом илмининг буюк намояндаси бўлсада, тафсир соҳасидаги «Та’вилат ал-Кур’ан» («Куръон таъвиллари») китоби ҳанафий олимлари орасида юксак қадрга эга. Китобнинг номидан ҳам маълумки, унда кўпроқ таъвилга эътибор қаратилган ва асарда «таъвили бундай» каби иборалар жуда кўп ишлатилган. Бу китоб икки жиҳатдан аҳамиятли ҳисобланади: биринчидан, у Мовароуннахр олимлари томонидан тафсир қилишга бўлган дастлабки ҳаракатлардан ва иккинчидан, ҳанафия мазҳаби уламоларининг биринчи тафсирларидан биридир. Ушбу асар асосида т.ф.н. Ш.Зиёдов 2003 йилда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

Ал-Мотуридий тафсирда суннийлар ақидасини нақлий ва ақлий далиллар билан қувватлаган ҳамда оятлардан далил сифатида фойдаланган. Унинг фикрларини очиб беришда бу китоб катта аҳамиятга эга. Ушбу тафсирни нақлий деб ҳисобланса-да, унда ақлий мисоллар ҳам кўп учрайди. Жумладан, оқимларнинг ақлий даъволарига ақлий далиллар келтиради ва бу жиҳати билан қолган тафсирлардан ажралиб туради. Мазкур тафсирда мотуридийлик таълимотига оид асосий масалалар, хусусан, ақидавий жиҳатлар Қуръон, унинг шарҳи ва ижтиҳодларга асосланади. Шундан келиб чиқиб, уни ақидавий тизимлари мустаҳкам ишлаб чиқилган ва ўша давр диний оқимлари тўғрисида маълумот берувчи муҳим асар дейиш мумкин.

Ушбу тафсирга асосланиб, ундан ал-Мотуридийнинг фикри ва шахсияти тўғрисидаги қимматли маълумотларни олиш мумкин. Тафсирнинг кўлёзма нусхалари ЎзРФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўлёзмалар фондида 5126, 5127 ракамлари остида сақланмоқда.

Шунингдек, ал-Мотуридийнинг «Китаб ар-рад ‘алā ал-Қa‘bi ал-mu‘tazili» («Ал-Қa‘bий ал-Мўтазилийга раддия бериш китоби»), «Китаб авҳām ал-mu‘tazila» («Мўтазилийлар гумонлари китоби»), «Китаб ар-рад ‘alā ал-mu‘tazila» («Мўтазилаларга раддия китоби»), «Китаб ар-рад ‘alā ал-қārāmita» («Қарматийларга раддия китоби»), «Китаб ар-рад ‘alā ar-rāfiiza» («Рофизийларга раддия китоби») каби китоблар ёзган. У 333/944 йилда вафот этган ва Самарқанднинг Чокардиза қабристонида дағн этилган.

Мовароуннахрлик етук факих, муҳаддис, муфассир, тилшунос олим Имом Абу Бакр ал-Қаффол Муҳаммад ибн Али ибн Исмо’ил аш-Шоший (291/904 – 365/976). Манбаларда аш-Шошийнинг ҳанафий мазҳабида бўлгани таъкидланмаса-да, мовароуннахрлик муфассир бўлгани учун биз уни бу ерда зикр этдик. Унинг «ат-Тафсир ал-қабир» («Катта тафсир»), «Далā’ил ан-нубувват» («Пайғамбарлик далиллари»), «Адаб ал-қāzī» («Қози одоби») каби асарлари бўлган. У «Ҳазрати Имом» номи билан улуғланган.

Олимлар уни ҳадис талабида кўп юртларни кезган муҳаддис, ўз даврининг усул илми билимдони, дея таърифлашган. Аш-Шоший амалиётда шофийлик мазҳабида, ақидада ашъарийликда бўлган. Ҳатто унинг Абу-л-Ҳасан ал-Аш‘арийдан ақида илмини ўргангани ривоят қилинади.

Мовароуннахрлик яна бир буюк аллома Абу ‘Али Ибн Сино (370/980–428/1037) тиб, фалсафа, мантиқ, математика, метафизика каби илмларда улкан ижод

қилишига қарамай, қисман бўлса ҳам унинг тафсирга оид кўлёзмалари мавжудлиги маълум бўлган. Ҳозирда охирги учта суранинг шарҳига оид алломанинг қўлёзмалари Тошкент фондида ва ўн битта суранинг тафсири ёзилган кўлёзмалар Лондон фондида сакланмоқда.

Самарқандлик муфассир Имом ал-Худо' Абу-л-Лайс Наср ибн Муҳаммад ибн Иброҳим (ваф. 373/983-4 й.) нинг «Тафсир ас-Самарқандий» номи билан машҳур бўлган «Баҳр ал-‘улум» («Илмлар денгизи») номли асари ҳанафий мазҳабидаги нақлга асосланган тафсирлар орасида юқори баҳоланади. Олим яшаган давр саҳиҳ билан саҳиҳ бўлмаган ривоятлар бир-бири билан аралашган, ақидавий ва фиқҳий баҳслар кучайиб, турли фирмалар кўпайган, нақлий тафсирлар ўрнини ақлийлари эгаллаган пайтга тўғри келган эди. Шунга қарамай, у ўз асарида оятларни оятлар, ҳадислар, саҳобалар ва тобеъинлар сўзлари билан шарҳлайди, мўътабар манбаларга эътиимод килади ҳамда турли фирмаларга раддиялар беради. Бунга, албатта, алломанинг илмий салоҳияти, унинг Куръон ва бошқа нақлий илмларни мукаммал билгани омил бўлган. У тафсирда турли қироатлар, сабаби нузуллар, носих ва мансух, нахъв илмларига ҳам эътибор қаратган.

Абу-л-Лайнинг мазкур тафсири ривоятлар ровийларининг кўплаб келтирилиши, мотуридийлик қарашлари билан баъзи жузъий масалаларда фарқ қилиши, сураларнинг фазилатлари ҳақидаги мавзуъ ҳадислар ва исроилиётдан фойдаланиш каби жиҳатлари билан «Тафсир ан-Насафий»дан фарқ қиласди.

Алломанинг «сан-Навāзил» («Нозил бўлганлар»), «Хизāнат ал-Фикҳ» («Фикҳ хазинаси»), «Танbih al-ғāfiлин» («Ғоғилларга танбех»), «Бустān al-‘ārifin» («Орифлар бўстони») каби асарлари ҳам машҳурдир. Тарих фанлари номзоди А.Абдулаев олимнинг 41 та китобини санаб ўтади ва унинг жами асарларини мазмунмоҳиятига кўра, қуйидаги 4 та асосий йўналишга бўлади:

1. Илмий, ўзи олган билимни нақл этиши. 2. Имон, тоат, ахлоқ-одобга чақириш. 3. Фирқа ва оқимлар ҳақида. 4. Мужтаҳидларнинг фиқхий ҳукмларини жамлаши ва ўз фиқхий қарашларини ифода этиши.

Тафсир илмига оид «ал-Қашшāф ‘ан ҳақā’ик ғавāмиз ат-танзил ва ‘уйун ал-ақāвил фи вужуҳ ат-та’вил» («Қуръондаги берк ҳақиқатлар очкичи ва таъвил йўллари ҳақидаги ривоятлар кўрсаткичи») номли машҳур асар муаллифи ҳижрий 467 йил ражаб ойининг 27/1075 йил 18 март куни Хоразмнинг Замахшар қишлоғида таваллуд топган Абу-л-Қосим Маҳмуд ибн ‘Умар ибн Муҳаммад ибн ‘Умар ал-Хоразмийдир. Маълумотларга қарaganда, Имом аз-Замахшарий дастлаб мўътазилий эътиқодида бўлган. У тафсир, ҳадис, нахв, луғат, адабиёт, география каби илмларда катта шуҳрат қозонган. Ушбу соҳаларга оид унинг 70 та асари борлиги ва 40 дан ортиқ асарининг жаҳон қўллэзма фонdlарида сакланаётгани янги тадқиқотларда таъкидланган. Юртимизда аллома ҳаёти ва ижоди ёритилган кўплаб тадқиқотлар мавжуд бўлиб, унинг «Муқаддамат ал-адаб» асарининг нашр этилиши бу йўлдаги тадқиқотларнинг амалий натижаларидан бири ҳисобланади.

Алломанинг мазкур тафсиридаги мўътазилийлик эътиқодига оид қарашларни эътиборга олмаганди, у жуда кимматли асар саналади. Унда Қуръоннинг балоғат, фасоҳат томонларини жуда нозик услубда нахв, сарф, луғат, шеър илмларига таяниб, сўзларнинг бир нечта маъноларини келтириб ўтган. Аллома шу тариқа оят мазмунини зўр маҳорат билан очиб берган. Асар ўзидан кейинги кўплаб тафсир китобларига манба вазифасини ўтаган.

АЗ-Замахшарий оятларни аввал грамматик жиҳатдан таҳлил этиб, сўнг етти турдаги қироатлардан фойдаланган ҳолда заиф қироатларни аниқлаган, ўқилишига кўра сўз маъносининг ўзгаришини кўрсатган. Тафсирда олимнинг ҳам ўз ижтиҳодини ишлатишини кўриш мум-

кин. У кўпроқ Ибн ‘Аббос, Ибн Мас‘уд, Анас ибн Молик саҳобалар сўзлари ва уларнинг қироатларидан, Мужоҳид, Абу-л-‘Олийалар каби тобеъинлар ривоятларидан истифода этган. Оятларни шарҳлаш асносида мавҳумликни кетказиш учун кўплаб саволлар бериб, кейин уларга ўзи жавоб берган. Шу тариқа унда савол-жавоб услуби бошқа тафсирларга нисбатан кўп кўлланилган.

Демак, «ал-Кашшāф» Куръон тафсирлари ичida араб тили имкониятларидан келиб чиқиб энг пухта шарҳланган, балоғат ва фасоҳат қоидалари маромига етказиб берилган, мукаммал асар ҳисобланади. «Тафсир ан-Насафий»да ҳам айтиб ўтилган жиҳатлар ўз аксини топган, лекин улар қисқа услубда берилгани билан ажралиб туради. Шунингдек, «ал-Кашшāф»да очиқ услубдаги савол-жавоблар кўлланилган, лекин «Тафсир ан-Насафий»да савол-жавоб яширин берилади.

‘Ало’у-д-дин ас-Самарқандий (ваф. 539/1145) ҳам «Шарҳ та’вилат ал-Кур’ān» («Куръон таъвилияри шархи») китобини ёзган, Абу Ризо’ Муҳаммад ибн ‘Али ан-Насафий (ваф. 517/1123-24 й.) ва Абу-л-Фадо’ил Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ханафий Бурҳон ан-Насафий (ваф. 687/1288-89 й.)лар эса тафсир билан шуғулланган олимлардан ҳисобланади. Бундан ташқари, Ўрта Осиёда «Тафсир Нӯ‘мān» («Нӯъмон тафсири»), «Тафсир тибān» («Баён этувчи тафсир»), «ал-’Итқān» («Моҳирлик»), Мавлоно Я‘куб Чархийнинг (тах. 1363-1447) «Тафсир Мавлānā Чархи» каби асарлари ҳам машҳур бўлган. Мазкур тафсир китобларининг аксарияти ЎзР ФА ШИ қўлёзмалар фондида ва Ўзбекистон мусулмонлари идорасининг кутубхонасида сақланмоқда.

– Абу Исҳоқ Иброҳим ибн Ма‘қил ан-Насафий мұфассир ва мұхаддис олимлардан. «Ал-Мұснад ал-қабир» («Катта Мұснад») ва «ат-Тафсир» каби асарлар муаллифи. Насафда қозилик лавозимида ишлаган. Олимлар ихтилоф қилган масалаларни еча оладиган даражада-

ги кучли фақиҳ бўлган. У илм талабида Хуросон, Ироқ, Шом ва Мисрга борган ва у ерда ‘Абдуллоҳ ибн ‘Усмон ад-Дабусий, Қутайба ибн Са‘ид ал-Бағлоний, Ҳишом ибн ‘Аммор ад-Димашқий, Ҳармала ибн Яхё ал-Мисрий ва Я‘қуб ибн Ҳумайд ибн Косиб каби буюк устозларга шогирд тушган. Имом ал-Бухорийнинг «ал-Жāmī»сининг катта бир қисмини ривоят қилган. У 294/906-7 йилда вафот этган. Ундан ўзининг ўғли Са‘ид, Мухаммад ибн Закариё, ‘Абд ал-Му’мин ибн Ҳалаф ан-Насафийлар ривоят қилишган. Ўғилларидан бири Абу ‘Усмон Са‘ид ибн Иброҳим ан-Насафий (ваф. 341/952-3 й.) ҳам ўз даврининг фозил, ишончли муҳаддиси, адиб ва шоири бўлган.

— Абу Я‘ло ‘Абд ал-Му’мин ибн Ҳалаф ибн Туфайл ан-Насафий 257/871 йилда таваллуд топган. У ўз отаси, Абу Ҳотам ар-Розий, Абу Яхё ибн Абу Мусирра ал-Маккий, ‘Али ибн ‘Абдал-‘Азизал-Бағавий каби уламолардан сабоқ олган. Китобни севувчи, солих, ибодатгўй бўлган. Ундан ‘Абд ал-Малик ибн ал-Марвон ал-Майдоний, Аҳмад ибн ‘Аммор ибн Асаба, Я‘қуб ибн Исҳоқ ан-Насафийлар, Абу ‘Али Мансур ибн ‘Абдуллоҳ ал-Ҳарвий, Абу Наср Аҳмад ибн Мухаммад ал-Калобазий каби кўплаб олимлар динга тааллукли илмларни ўрганганлар.

Ривоят қилинишича, мўътазилаларнинг етакчилариidan ҳисобланган Абу-л-Қосим ал-Қа‘бий Насафга келганида бошқалардан фарқли ўлароқ, ‘Абд ал-Му’мин ибн Ҳалаф унинг олдига бормайди. Ал-Қа‘бийнинг ўзи унинг олдига бориб, хузурига киради, лекин Ибн Ҳалаф ўрнидан турмайди. Шунда ал-Қа‘бий тик турган ҳолида дуо қилиб, олдидан чиқиб кетади.

Абу Жа‘фар ал-Мустағфирий шундай ривоят қиласи: «Мен Мавсил шаҳрида шайх Абу Я‘лонинг жанозаларидаги қатнашдим. Шунда ҳарбий қўшиннинг ноғораси каби овоз ҳамма ерни эгаллаб олди. Биз аскарлар келмоқда, деган хаёлда, тезроқ жанозани ўқиб олсан экди, деб хавотирга тушдик. Ҳамма тўплангач, жаноза ўқишга киришдик,

шунда ҳеч қандай шовқин бўлмаганидек, овоз тинчиб қолди. Кечкурун тушимда бир киши Абу Я‘лонинг қабри тепасида туриб, шундай дер эди: «Эй инсонлар, тўғри йўлни хоҳлаган Абу Я‘лонинг йўлини тутсин». Олим 340/951 йилда вафот этган.

— Абу-л-‘Аббос Жа‘фар ибн Мухаммад ибн ал-Му‘таз ал-Мустағфирий ан-Насафий 351/962 йили Насаф шахрида туғилган. У фикх, хадис, тарих ва тил илмларида кучли билим соҳиби бўлган, турли мавзуларда ўндан ортиқ китоб, жумладан, «Та’рих Насаф ва Каши» («Насаф ва Кеш тарихи») номли икки жилдли муфассал асар ёзган. Афсуски, бу китоб бизгача етиб келмаган. Ас-Сам‘онийнинг ёзишича, бу асарда X – XII асрларда Насаф ва Кешда яшаган 43 та машхур олим, шоир ва дин арбоблари ҳақида қимматли маълумотлар бўлган. Бу асар ал-Варсиний томонидан ёзилган «Китаб мұфаҳарәт ахл Насаф ва Каши» асаридан кейин, салкам бир аср ўтгач, таълиф этилган. Бу икки асар мавжуд бўлганида бизга ўша даврга оид Қашқа воҳаси бўйича қимматли маълумотларни бериши мумкин эди.

Ас-Сам‘оний олимнинг 18 та устози ва 8 та шогирдини санаб ўтган. Устозлари орасида Абу ‘Али Зохир ас-Сарахсий, Иброҳим ибн Луқмон, Абу Са‘ид ‘Абдуллоҳ ибн Маҳмуд ас-Сарахсий, Жа‘фар ибн Мухаммад ал-Бухорий, Абу Саҳл ал-Астррабодий кабилари бор. Унинг «Китаб фаза‘ил ал-Кур’ан» («Куръон фазилатлари китоби») асари бу соҳада ёзилган китоблардан бири сифатида ғоятда қадрланади. Ал-Мустағфирийнинг «ал-Манамат» («Уйқулар тўғрисида»), «ал-Хитаб ан-набавийа» («Пайғамбар хитоби»), «Далә’ил ан-нубувват» («Пайғамбарлик далиллари»), «аш-Шама‘ил» («Сийратлар») ва бизгача етиб келмаган «Та’рих-и Самарқанд» («Самарқанд тарихи») китоби бор. Абу-л-‘Аббос Жа‘фар ан-Насафий 432/1041 йили вафот этган. Қабри Насафда жойлашган.

– Абу-л-Ҳасан ‘Али ибн Мұхаммад ал-Баздавий мұхаддис, ҳанафий мазҳабининг йирик қонуншуноси, мотуридия мактабининг таниқли вакили бўлган. У 1009 йилда Насаф яқинидаги Базда (Пазда) қўрғонида туғилган. Фикҳ бўйича олтига асар ёзган ва кўплаб шогирдлар етиштирган. Ал-Баздавийнинг устози машҳур аллома ‘Абд ал-‘Азиз ал-Ҳалвоний (ваф. 455/1063 й.) бўлиб, фикҳга оид ислом оламида катта шухрат қозонган «ал-Мабсут» («Кенг қамровли») асарини ёзган.

Олимнинг «Қанз ал-вусул илā ма‘рифат ал-’усул» («Усул илмига етишиш ганжинаси») асари «‘Усул ал-Баздави» номи билан машҳур бўлган. Мазкур асар ислом қонунчилиги асослари ҳақида ёзилган бўлиб, унга кўплаб шарҳлар битилган. Шу сабаб у «Фақиху Моваро’уннаҳр» (Мовароуннаҳр фақиҳи) ва «Устаз ал-а’имма» номларига сазовор бўлган. Олимнинг укаси Абу-л-Юср Мұхаммад ал-Баздавий ҳам таниқли фақиҳ бўлиб, «Қози ас-садр» (Қозиларнинг пешвоси) номи билан танилган. Абу-л-Ҳасан ал-Баздавийнинг тафсирга бағишлиланган «Қашф ал-асрār» номли 120 қисмлик асари бор бўлиб, унинг ҳар бир қисми улкан китобдан иборат. Абу-л-Ҳасан ал-Баздавий 1089 йилда вафот этган. У Самарқанднинг Чокардиза қабристонига дағн этилган.

– Мотуридийлик калом мактабининг атоқли намояндадаридан бири, буюк олимлар оиласига мансуб йирик фақиҳ Абу-л-Му‘ин Маймун ибн Мұхаммад ибн Му‘тамид ибн Макҳул ибн ал-Фадл ан-Насафий 418/1027 йилда Насаф шаҳрида туғилган. Унинг катта бобоси Макҳул ан-Насафий (ваф. 318/930 й.) ал-Мотуридийнинг шогирдларидан бири бўлган. Манбаларда Абу-л-Му‘ин узоқ муддат Бухоро ва Самарқандда яшаб, ижод этгани айтилади. Олимлардан Фатхуллоҳ Хулайф уни: «Мотуридия калом мактабини химоя қилувчи буюк шахс», – дея таърифлайди. Унинг «Табсират ал-адилла фи ‘усул ад-дин ‘алā тариқат Аби Мансур ал-Матуриди» («Дин асосларини Абу Мансур ал-Мотуридий услуби асосида шарҳлаш»)

номли асари машхур бўлган. Шу сабаб ҳам у «Соҳиб ат-Табсира» («Табсира муаллифи») деб аталган. Унинг «аш-Шу‘а» («Ёғду») номли китоби бўлиб, бу қўлёзма нусха бизгача етиб келган. Асарда дин арконлари билан бирга, ўша даврда мавжуд турли оқим ва тоифалар ҳақида ёзилган. Жумладан, улар 6 гуруҳга: қадария, жаҳмия, рофизия, харурия, жабария ва муржия; улар ҳам ўз навбатида 12 тоифага бўлиниб, уларнинг сони жами 72 тага етказилади. Макхул ан-Насафий ушбу гуруҳларнинг ботил иддиола-рига оят ва ҳадислар асосида раддиялар беради.

Олимнинг «ат-Тамҳид лиқава‘ид ат-тавҳид» («Тавҳид илмига дебоча»), «Ийзāх ал-макнун» («Яширин нарсаларнинг изохи») каби 15 га яқин асарлари бўлиб, уларнинг аксарият қисми калом илмига бағишлиланган. У 1114 йилда 87 ёшида вафот этган. Қабри Қарши туманидаги Қовчин қишлоғидадир. Тарих фанлари номзоди С.Оқилов 2005 йилда «Абу-л-Му‘ин ан-Насафий ва унинг мотуридия таълимоти ривожига кўшган ҳиссаси («Табсира ал-адилла» асари асосида)» номли номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган.

– Ўз даврининг қомусий олими, шоир, муаррих, факих Нажм ад-дин Абу Ҳафс ‘Умар ибн Мухаммад ибн Аҳмад ибн Исмо’ил ан-Насафий 461/1069 йилда Насаф шахрида туғилган. У ёшлигидан Абу-л-Юср Мухаммад ал-Баздавий, ал-Ҳасан ибн ‘Абд ал-Малик ан-Насафий, Исмо’ил ибн Мухаммад ан-Нуҳий ан-Насафий каби 40 га яқин йирик олимлар, умумий ҳисобда 550 га яқин устоздан сабоқ олган. Умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказган Абу Ҳафс 1113 – 1114-йилларда бир маротаба ҳаж зиёратига борган. Ҳаётининг сўнгги йилларида Самарқандда яшагани боис, баъзан исмига «ал-Мотуридий» нисбаси қўшиб айтилади. У мотуридия калом мактабининг машхур вакили ва Бурҳон ад-дин ал-Марғинонийнинг устози бўлган.

Абу Ҳафс ан-Насафий «ат-Тайсир фи-т-тафсир» («Тафсирда енгиллик») номли асар ёзган. Нажм ад-дин

илмнинг турли соҳаларида 100 дан ортиқ асарлар ёзган бўлиб, улардан ўнга яқини бизгача етиб келган. Улар орасида «ал-Манзумат ан-Насафия фи-л-Хиләфийат» («Қиёсий ҳуқуқшуносликка оид ан-Насафийнинг назми»), «ал-‘Ақā’ид ан-Насафия»ларни айтиб ўтиш керак. Бу охирги асар мотурийлик таълимотига оид мўътабар китоб ҳисобланиб, унда ақидавий қарашлар қисқа ва лўнда шаклда ўз ифодасини топган. Шу сабаб у диний таълим муассасаларида мазкур таълимот бўйича дарслик сифатида салкам 9 асрдан бери ўқитиб келинмоқда. Олим суннийликка эътимод қилгани боис бу китобда уларни «ахли ҳақ» деб атайди. Билиш воситаларини учга, яъни сезги аъзолари, ишончли хабар ва ақлга бўлинишини ҳамда инсон ушбу воситалар билан оламни, унинг яратувчисини англашини айтади. Асарга олимлар бир қанча шарҳ битганлар. Жумладан, Амир Темур даврида яшаган машҳур аллома Са‘д ад-дин ат-Тафтазоний 1367 йилда унга батафсил шарҳ ёзган.

Ан-Насафийнинг «Шарҳ ал-ғаріб» асари араб тили лексикаси ва «Шарҳ та’вилат ал-Кур’ân»и эса тафсирга бағишланган. Айниқса, унинг «ал-Қанд фи зикри ‘уламā’и Самарқанд» («Самарқанд уламолари зикрида қанддек китоб») Мовароуннаҳр тарихига оид мўътабар китоблардан бири саналади. Ушбу асарнинг бир қисми 1906 йилда рус тилида, бошқа қисми 1955 йилда Техронда форс тилида чоп этилган. Ушбу асарнинг қўллётма нусхалари ЎзР ФА ШИ қўллётмалар фондида 3965, 3970, 5655, 6869, 6870 рақамлари остида сақланмоқда. Т.ф.н., доцент Д.Рахимжонов мазкур асар асосида VII-XII асрларда Самарқанддаги ҳадис илми тараққиётини тадқиқ қилган.

Тарихчи олим, академик Бўрибой Аҳмедов Абу Ҳафснинг «ал-Йавāқут фи-л-мавāқit» («Вақтлар хусусида ёқутлар») китоби борлигини таъкидлайди. «Зиллāt ал-кāri» («Қори хатолари»), «Рисālātī Nājmiyā» («Нажм ад-дин рисолалари») каби асарлари ҳам мавжуд.

Нажм ад-дин Абу Ҳафс 537/1142-3 йилда вафот этган ва Самарқанднинг Чокардиза қабристонида дафн этилган.

— Мұхаммад ан-Насафий. У ҳақда түлиқ маълумот бे-рилмаган. У тақводор, мансабга интилмаган шахс бўлган. Ал-Кардарий, ат-Тирозий, ал-Хусайн ал-Бағавийлардан «Масâбих ас-сунна» («Суннат чироқлари») китобини ривоят қилган. Шу билан бирга, унинг «ат-Тафсир», «Муқаддимат ан-назар ва-л-'усулийин» («Киёс ва усул олимлари муқаддимаси») асарлари бор.

Умуман олганда, ҳанафий мазҳаби намояндадари ҳисобланган аждодларимизнинг ақидавий қарашлари, ижтиҳод ва фатволари Қуръонга асослангани учун ҳам юртимизда яшаб ўтган алломаларнинг кўпчилиги тафсир билан шуғулланганлар деган хulosани бериш мумкин.

Туркияда яшаб ижод этган машхур олим Абу-с-Са‘уд Мұхаммад ибн Мұхаммад ибн Мустафо ал-‘Амодий (ваф. 982/1574-5 й.) асли шофий мазҳабида бўлишига қарамай, ҳанафий мазҳабини кўллаб-қувватлаган. У узоқ йиллар мобайнида қозилик ва муфтийлик лавозимларида ишлаган ва «Иршâд ал-‘акл ас-салим илâ мазâia ал-Kitâb ал-карим» («Соғлом ақлни мӯътабар Китоб нурларига йўналтириш») номли китоб ёзган. Асар нафақат шофий, балки ҳанафий олимлари орасида ҳам катта қизиқиш уйғотган.

Тафсир китобларидан «Ta’vilât al-Kur’ân»нинг «Тафсир ал-Мотуридий», «Ал-Кашшâф»нинг «Тафсир аз-Замахшарий», «Баҳр ал-‘улум»нинг «Тафсир ас-Самарқандий» ва «Мадârik at-tanzîl wa ҳâkâ’ik at-tâ’wil»нинг «Тафсир ан-Насафий» каби тилга осон бўлган иккинчи номларининг борлиги ушбу асарларнинг кўп ишлатилгани ва уларга бўлган катта эътиборни кўрсатади.

4. Замонавий тафсирлар ва таржималар.

Юртимизда ҳозирга қадар тафсир ёзиш анъана-си давом этиб келмоқда. Бу анъана XX асрдан бошлаб

Қуръоннинг ўзбек тилидаги таржима ва тафсирларида ўз аксини топмоқда. Темурийларгача араб, кейин форс, сўнгра туркий ва унинг бир қисми бўлган ўзбек тилининг расмий доираларда кенг тарқалиши шунга мувофиқ тилларда асарлар битилишини тақозо этди. Истиқлол йилларида Ш.Бобохоновнинг Амма пораси таржимаси, Муҳаммаджон Ҳиндистоний, Олтинхонтўра, Алоуддин Мансур, М.Усмонов, Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф ва Абдулазиз Мансурнинг нашрлари чоп этилди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Усмон мусҳафи. Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси. қўллёзма №10.
2. Куръони карим маъноларининг таржима ва тафсiri. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансуров. ТИУ нашриёт-матбаа бирлашмаси. 2010.
3. Куръони карим (ўзбекча изоҳли таржима). Таржима муаллифи Алоуддин Мансур.-Т.:1992.
4. Остроумов Н.Исламоведение.-Т.:1912.
5. Караматов Ҳ.Куръон ва ўзбек адабиёти.-Т.:1993.
6. Обидов Р. Куръон ва тафсир.-Т.:2005

Мавзуни мустаҳкамлаши учун бериладиган саволлар:

1. Тафсир ва таъсил сўзларининг маъноси нима?
2. Мовароуннахрдаги тафсир илми тарихи ҳақида гапириб беринг.
3. Юртимиздан етишиб чиқкан муфассирлардан кимларни биласиз?
4. Абу Мансур Мотуридийнинг тафсир илмига қўшган ҳиссаси.
5. “Таъвилоти аҳли-с-сунна”асарини манбашунослик таҳдил қилинг.
6. Маҳмуд Замахшарий “Кашшоф”асарининг ўзига хослиги.

7-мавзу: Мовароуннахрда калом илмининг шаклланиш тарихи

1. Калом илмининг шаклланиш тарихи.
2. Мовароуннахрда калом илми.
3. Мовароуннахрлик машхур мутакаллимлар.
4. Абу Мансур Мотуридий ва унинг “Китобут тавҳид” асарининг манбашунослик таҳлили
5. Абу Муъин Насафий ва унинг “Табсирату-ладилла”асари.
6. Абу Ҳафс Насафий “Ақоид Насафий” асарининг манбашунослик таҳлили.

Мавзунинг ўқув мақсади: калом илмининг шаклланиши, шу соҳанинг етук олимлари, калом илми бўйича ёзилган асарлар билан танишиш.

Таянч иборалар: калом, ақоид, усул ад-дин, мутакаллим, Мотуридий, Ашъарий, охират, имон, шиа, хорижийлик, мўтазилий.

1. Калом илмининг шаклланиш тарихи.

Калом илмига мұтазилий мазҳаби олимлари томонидан асос солинган. Ушбу мазҳаб гуноҳи кабира қилган кишининг хукми ҳақидаги ихтилоф туфайли юзага келған.

Уларни “Ваъийдийя” деб ҳам атайдилар. Мұтазилийлар ўзларини “Мазҳабу ахлит тавҳид”, уларга қарши чиққанларни “мазҳабу аимма”, яъни авом, оддий халқнинг мазҳаби деган номлар билан атайдилар.

Бошқа ақидавий мазҳабларга қараганда кўпроқ ақлга таянган мұтазилий таълимотининг илк вакиллари ибо-

дат, зуҳд ва тақво масалаларига катта эътибор қаратганлар. Мұтазилийлар қадарни инкор қылғанликлари сабаб қадарийлар деб аталувчи Маъбад ибн Жұхәний, Жаъд ибн Дирҳам ҳамда Жайлоний Димашқийларнинг фикрлари таъсири остида қолғанлар.

Абу Хузайл Аллоф (ваф.230/844), Наззом (ваф. 221/833), Жоҳиз (ваф.255/869), Бишр ибн Мұтамар (ваф. 210/825), Каъбий, Хайётий, Қози Абдулжаббор ва Замахшарий каби етуқ олимлар томонидан қўллаб-қувватланган мұтазилий мазҳаби, халифалар Маъмун, Восиқ ва Мұтасим даврида, шунингдек бир муддат аббосийлар даврида давлатнинг расмий мазҳаби бўлган. Халифа Мутаваккил давридан бошлаб эса ислом фикрий тарихидан батамом ўчиб кетди, асарларига эътибор қаратилмади, хатто йўқ қилиб юборилди.

Мұтазилий таълимотига кўра, Аллоҳнинг зотидан бошқа қадим ва азалий бўлган илм, қудрат, басар каби сифатлари йўқ. Аллоҳ ҳар нарсани билгувчи, ҳар нарсага қодир ва ҳар нарсани кўргувчи зотdir. Мұтазилийларда инсонда ирода эркинлиги мавжуд деган ақида бор. Барча қилган ва қилмаган ишларини ўзидағи хоҳиш ва ирода-га кўра амалга оширади ва шунга кўра охиратда сўроқ-савол қилинади. Агар инсон амалларини Аллоҳнинг иродаси, қудрати ва тақдирни билан қылганида эди, уларнинг савол-жавоб қилинишлари Аллоҳнинг одил эмас, золим бўлишини талаб этади. Холбуки Аллоҳ таоло золим бўлишдан мунаzzazaҳ покдир, одилдир. У ўзи яратган, исстаган ва қилган иши учун бандасини жазоламайди.

Мұтазилий таълимотига кўра, Қуръон маҳлукдир. Мұтазилийлар асос соглан калом илмiga, даставвал Ахли сунна ва салаф олимлари карши чиққанлар ва бу иш билан шуғулланган кимсаларни қаттиқ ва оғир сўз билан айблаганлар.

Ислом дунёсига кенг тарқалган калом мактаби ашъария ҳисобланади. Ушбу мазҳабнинг асосчиси Абул Ҳасан

ибн Исмоил Ашъарий (ваф.330/941 й.) бўлиб, аҳли сунна вал-жамоа ақидаси бўйича “Ибона ан усулид-дийана”, “Китоб ал-лумавъ”, “Истиҳсонул-хавз фи-илмил-калом”, “Мақолатул- исломиййин ва ихтилофул мусоллин” асарларини ёзган.

Ашъарий 260/873 йилда туғилган. Умрининг қирқ йиллик қисмини мұтазилий мазҳабида ўтказади. 300/912 йилда бу мазҳабдан ажралиб чиқади. Асарларининг асосий қисмини мұтазилий бўлган пайтида ёзади.

I. Қози Абу Бакр Мұхаммад ибн Тойиб Боқиллоний (ваф. 403/1013 й.). У ашъарийя таълимотини ақлий ва илмий далиллар билан асослашга ҳаракат қилган. Асарлари: “Тамҳид вар-радду аъла аҳлил-аҳва вал- бидъа”, “Китобул -инсоф”.

II. Имомул-ҳарамайн Абул Маолий Жувайний (ваф. 478/1085 й.). Асарлари: “Иршод ила қавотиъил-адилла фи усулил- иътиқод”, “Шамил фи усулид -дин” .

III. Абдулқодир Бағдодий (ваф. 429/1037 й.). Асарлари: “Усулуд- дин”, “Фарқ байнал- фирақ”.

1. Абу Исҳоқ Исфароиний (ваф. 418/1027й.).

2. Симноний (ваф.444/1052й.), Ибн Фуроқ (ваф. 400/1015й.).

Юқорида исмлари келтирилган муаллифларнинг асарлари ашъарий каломининг илк даврига оид асосий манбалар.

Ашъарий каломига таъвил илк маротаба Жувайний томонидан киритилган.

Восил ибн Ато ва Амр ибн Убайд каби илк мұтазилий олимларига ҳам, Ашъарий ва Боқиллоний каби ашъария мазҳабига мансуб илк олимларга ҳам фалсафанинг таъсири у қадар кучли эмас. Чунки, каломнинг бош ғояси фалсафадан иборат эмас. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, фалсафий каломда бош ғоя фалсафа. Унда асосан ақлга таяниб, таъвил қилинади. Калом фалсафасида эса бу ҳолат чекланган ва чегараланган.

Розий, Тусий, Амидий, Тафтазоний ва Журжоний каби олимлар кўпроқ фалсафага таяниб фикр юритганлар.

2. Абу Мансур Мотуридий ва унинг “Китобуттавҳид” асарининг манбашунослик таҳлили.

Абу Мансур Муҳаммад ибн Муҳаммад ибн Маҳмуд Ҳанафий Мотуридий Самарқандий аллома Абу Бакр Жузжоний ва Абу Наср Иёдийлар қўлида таҳсил қўрган.

Абу Бакр Жузжоний Самарқандда ҳанафий мактаби-нинг ривожланишига катта ҳисса қўшган.

Абу Мансур Мотуридийнинг ҳаёти Самарқандда илоҳиёт илми ривожининг иккинчи даврига тўғри келади. Мазкур даврда шаҳарда бир неча эътиборли мутакаллимлар гурухлари фаолият қўрсата бошлаган эди. Улардан донишмандлар гуруҳига мансуб Абу-л-Қосим Ҳаким Самарқандий ижоди жуда яхши ўрганилган. Иккинчи гурухга Абу Бакр Жузжоний мактаби намояндалари – Абу Абдуллоҳ ибн Аби Бакр Жузжоний, Абу Мансур Мотуридий, Абу-л-Ҳасан Рустуғфаний, Абу Салама Самарқандийларни киритиш мумкин. Учинчи гурухни эса Абу Наср Иёдий ва унинг фарзандлари Абу Аҳмад Иёдий, Абу Бакр Иёдийлар ташкил этадилар. Улар орасидаги ўзаро баҳслар турли қўринишларда намоён бўлди ва калом илми ривожига таъсир қилди.

Абу Мансур Мотуридийнинг ўз замонаси ижтимоий воқеаларига ва ҳукмрон доираларга нисбатан шахсий мавқенини акс эттирувчи қатор манбалар давримизга қадар етиб келган. Улар сирасига Али ибн Яҳё Зандавистийнинг (ваф. 1010 й.) «Китоб раудат ал-уламо», Муҳаммад ибн Иброҳим ибн Ануш Ҳасирий Бухорийнинг (ваф. 1107 й.) «ал-Ховий фи-л фатова», Абу Ҳафс Насафий (ваф. 1142 й.) нинг «Китоб ал-қанд фи зикри уламо Самарқанд», Маъмун Кашшийнинг (ваф. 1155 й.) «Мажму ал-хаводис ва-н-навозил», Саффор Бухорийнинг (ваф. 1168-69 й.) «Рисола фикҳ масоил суила анҳо шайх Саффор фа-ажоба анҳо»,

Абу Тоҳирхожанинг (XIX аср) «Самария» каби асарлари ни киритиш мумкин.

Манбаларда кўрсатилишича, Абу Мансур ал-Мотуридийнинг «Китоб ат-тавҳид» (Аллоҳнинг якка-ягоналиги китоби), «Китоб ал-мақомат» (Моқомат китоби), «Ма‘ҳаз аш-шара’и» (Шариатлар манбаи ва соғлиги), «Китоб ал-жадал» (Мунозара ҳақида китоб), «Китоб ат-та’вилот» (Кур’он шархи), «Китоб баён ваҳм ал-му‘тазила» (Му‘тазилийлар фикрини баён этувчи китоб), «Радд ал-усул ал-хамса» (Беш асосга раддия), «Китоб радд авал’ил ал-адила ли-л-Қа‘бий» (Қа‘бийнинг асосий далилларига раддия китоби), «Радд китоб ал-Қа‘бий фи ва‘ид ал-фуссоқ» (Қа‘бийнинг фосиҳларнинг таҳди迪 китобига жавоб) каби асарлари мавжуд. Лекин санаб ўтилган бу асарлар ҳақида тўлиқ бир тасаввур йўқлиги тадқиқотчиларга қийинчлилик туғдиради. Чунки илк ўрта аср мутакаллимларининг кўпгина асарлари каби ал-Мотуридий асарларининг ҳам кўп қисми етиб келмаган. Фақатгина «Китоб ат-тавҳид» ва «Китоб ат-та’вилот» асарлари сақланиб қолган.

Мутакаллимнинг энг муҳим асарларидан бири «Китоб ат-тавҳид»нинг асл нусхаси ҳозирда Англиядаги кўллёзма фондида сақланади. Кўллёзма 206 варакдан иборат бўлиб, сатрлар сони – 21 қатордан, кўчирувчи ал-Амин ал-Ҳанафий ал-Шофи’ий деб кўрсатилган. Кўчириш йили – 15 ша‘рон 1150/31 декабрь 1735 йил.

«Китоб ат-тавҳид» илк бор 1970 йилда Байрутда Фатхуллоҳ Хулайф томонидан нашр этилган.

Ягона ҳисобланган бу нусха устида талай тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу асар қалом тарихини ёритишида муҳим манба ҳисобланганлиги сабабли тадқиқотчилар унга алоҳида эътибор билан қарайдилар. «Тавҳид» асари асосида бир қанча илмий тадқиқотлар ёзилган. Дастраслабки тадқиқотлар тариқасида Ричард Фрэнк (1974 йил), Монтгомери Вотт (1973-74) ишларини кўрсатиш мум-

кин. М. Вотт мутакаллим атрофидаги олимларни тавсиф қилишга мұяссар бўлди. Кўп ўтмай Гуй Монно (1977) «Тавхид» асарида дуализм масаласини ўрганди. Даниел Жимаре (1980) каломда инсон ҳуррияти масаласини мукаммал равишда анализ қилди. Иброҳим Лутпи эса (1980) мутакаллимнинг ушбу асари ёрдамида Аллоҳнинг мавжудлиги исботини ёритишга ҳаракат қилди. Мерис Пессальо эса бу асарни инглиз тилига таржима қилди ва унга бағишиланган қатор мақолалар чоп этиб, эътиқод, эрк масалаларига чуқурроқ ёндашган. У. Рудольфнинг айтишича, Шарқда ҳам бу соҳада анчагина тадқиқотлар олиб борилган ва Камол Ишқ (1980 йил) ва Сайд Ҷизи ӯғли каби турк олимлари шулар жумласига киради. Бу ўринда Кивакчи, Белгасим Голининг мақолаларини эслатиб ўтиш жоиз бўлади. Лекин Рудольфнинг монографиясида тилга олинмаган тадқиқотлар ичida қизиқарли бўлган Сайд Ӯзервалининг мақоласи бўлиб, унда олим «Тавхид» китоби Мотуридийники эканлигига шубҳа билдиради ҳамда ўзининг янгича талқин ва қарашларини беради.

«Китоб ат-тавхид» манбаларда илк калом таълимотини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади деб баҳоланади. Лекин унинг илк ўрта асрларда битилган шу соҳадаги бошқа асарлардан қатор фарқли жиҳатлари бор. «Китоб ат-тавхид» ислом маданиятидаги илоҳиёт таълимотининг қадимиylаридан ҳисобланади. Манбалардан маълумки, худди шу мавзуда мұтазилийлар ҳам бир неча бор уринишлар қилганлар. Лекин Мотуридий асари биринчи қадам бўлди, шу боис ҳам у ислом тарихида алоҳида ўрин тутади. Агар асар ёзилишидаги географик шартшароитларни ҳам инобатга олсан, Мотуридий ҳеч қачон мұтазила бўлмаган ва у ҳеч қачон Ироқда вужудга келган калом таълимотини ўзлаштиргмаган. Бу минтақада ҳанафийлар мазҳабида калом илмиға оид, асосан, «Фикҳ ал-абсат» ёки «Китоб ас-савад ал-аъзам» каби асарларгина маълум бўлган, холос. Агарда «Китоб ат-тавхид»ни бу-

лар билан солишириадиган бўлсак, муаллифнинг фикрла-ри ўз замонасидан қанчалик илгарилааб кетганини кўриш мумкин. Унинг бу ютуғи мавзууни бутунлай қамраб олиш билан бирга расмий режа ҳамда услубий далилларда на-моён бўлади.

Иккинчидан, «Китоб ат-тавҳид» муаллиф ижодида-ги тасодифан вақт тақозоси билан қалқиб чиқсан асар эмас. Барча мутакаллимлар бир овоздан асарни пухта деб баҳолайдилар. Асарни ҳатто Мотуридий таълимотининг асосий йиғиндиси деб аташ мумкин. Айтиб ўтиш жоиз-ки, муаллиф кўплаб асарларга мурожаат этган ва улардаги фикрларни системали равишда ўрганганд.

Учинчидан, асарнинг намунавий асар бўлиб қолишида Мотуридий давомчиларининг хизматлари бекиёс. Унга ёзилган шарҳлардан ҳам «Китоб ат-тавҳид» шак-шубҳасиз, муҳим манба бўлганлигини кўриш мумкин. Шунинг ба-робарида узок йиллар давомида мотуридийлар учун асо-сий қўлланма бўлиб келган, яъни Паздавий таъбири билан айтганда, “у («Китоб ат-тавҳид») билан қониқиши ҳосил қилиш мумкин”, яъни бу ўринда калом борасидаги ўзга асарлар иккинчи даражали ҳисобланади. Кейинчалик ҳам мотуридийлар илоҳиёт борасида бирон-бир асар ёзиш ниятлари бўлса, бевосита «Китоб ат-тавҳид»га мурожаат этганлар.

Ал-Мотуридийнинг кейинги асарларида умуман бошқа бир ҳолатнинг гувоҳи бўлиш мумкин. Унинг яна бир асари «Китоб ал-мақомат» деб номланиб, бизнинг давримизгача етиб келмаган. Балки унинг ёрдамида ўша илк ўрта асрларда Мовароуннаҳр диёридаги диний ҳолат ҳамда, энг муҳими, ал-Мотуридий таълимотига оид янги қўшимча маълумотлар олиш мумкин бўлар эди. Унинг бу асарини муҳим дейишга икки сабаб бор: биринчидан, мотуридийларнинг аксарияти унга катта эътибор бериша-ди, иккинчидан, уни муаллифнинг шоҳ асари саналган «Тавҳид»дан кейинги ўринга қўйишиади.

Тадқиқотчилар айни қунда ал-Мотуридийнинг фақат икки асари «Китоб ат-тавхид» ёки «Китоб ат-та’вилот»га таянибгина мотуридия таълимотини ўрганмокдалар. Кўриб ўтилганидек, «Китоб ат-тавхид» мутакаллимнинг калом борасидаги асосий асарларидан бири ҳисобланиб, ҳозирги кунга қадар ал-Мотуридийнинг илоҳиётга оид фикрлари йифиндиси бўлиб келмоқда. Машҳуриги жиҳатдан «Тавхид»дан қолишмайдиган «Китоб ат-та’вилот» ҳам мотуридия калом мактабини ўрганишда муҳим манбалар сирасига киради.

3. Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид ан-Насафий” асари манбашунослик таҳлили.

Умар ибн Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Исмоил ибн Муҳаммад ибн Али ибн Лукмон Ҳанафий Насафий Самарқандий (462-537/1070-1143) дир. У халқ орасида Абу Ҳафс Нажмиддин Сирожуддин Шайху-л-ислом ва Муфтий ас-сақалайн кунялари билан танилган. Асли насафлик бўлиб, умрининг асосий қисмини Самарқандда ўтказгани учун унга “ан-Насафий сумма ас-Самарқандий” нисбалари берилган.

Насафийнинг ҳаёти ва ижодига доир илк маълумотлар Абу Саъид Абду-л-Карим ибн Муҳаммад Самъоний Марвазий (ваф. 1167 й.)нинг “Китобу-л-ансоб”, Жалолиддин Суютийнинг “Табақоту-л-муфассирин”, Ибн Нажкорнинг “Тариху-л-Бағдод”, Хожа Халифанинг “Кашфу-з-зунун”, Абду-л-Қодир Курашийнинг “Жавоҳири-л-музия” ва Қосим Кутлубонинг “Тожу-т-тарожим фи табақоти-л-ҳанафия” асарларида учрайди.

Абу Саъид Самъоний Абу Ҳафс Насафийнинг фозил уламолардан бўлганлигини таъкидлаш билан бирга, унинг ҳадис илми соҳасидаги баъзи фикрларини танқид қиласи. У Абу Ҳафсни тириклигида учратмаган бўлсада, унинг барча асарларига ёзма равишда ижоза олганлигини фахр билан тилга олади. Самъоний ўзининг Абу Ҳафс ҳақидаги

фикрини унга шундай баҳо бериш билан якунлайди: “У ҳадис илмини жуда қадрлар ва шу соҳада ёзилган асарларни кўлдан қўймас эди, аммо уларни “тушиниш” баҳтига мұяссар бўлмаган эди”.

Самъонийнинг “Китобу-л-ансоб”, Хожа Халифанинг “Кашфу-з-зунун”, Жалолиддин Суютийнинг “Табакоту-л-муфассирин”, Абду-л-Қодир Курашийнинг “Жавоҳиру-л-музия”, Ибн Нажжор Бағдодийнинг “Тариху-л-Бағдод” асарларига таянган ҳолда Насафийни 462/1070 йилда туғилган деб ҳисоблаш мумкин.

Умар Насафий Самарқанд, Бухоро ва Бағдод каби шаҳарларда бўлиб, кўплаб олимлардан таҳсил олган. Умар Насафий ўз устозлари тўғрисида алоҳида “Теъдоду-ш-шуюх ли Умар (Умарнинг устозларининг сони)” номли асар ёзган. Ушбу асарда 550 та устозларининг номини келтирган.

Олимнинг етукликка эришишида Самарқанддаги “Дору-л-жузжония” номли илм даргоҳи катта аҳамият касб этган, Самарқанд масжид ва мадрасаларида дарс берди.

Абу Ҳафс Насафийга Бухоро мактабининг ҳам таъсири кучли бўлди. Муаллиф Бухорога бориб, у ерда шайх, имом, раис Саъид ибн Мухаммад Хоразмий каби мударрис шайхлардан фиқҳ илмидан таҳсил олган.

Насафий ислом оламида машҳур бўлган кўплаб шогирдларни етиштириб чиқарган. Жумладан, Муҳаммад ибн Иброҳим Нурпуштий, фарзанди Абу Лайс Аҳмад ибн Умар ибн Мухаммад Насафий (ваф. 506/1112 й.), Бурхониддин Марғиноний, Умар ибн Мухаммад Ақилий, Абу Бақр ибн Аҳмад ибн Али ибн Абдулазиз Балхий Самарқандий (ваф. 553/1158 й.), Муҳаммад ибн Абдулжалил ибн Абдулмалик ибн Али ибн Ҳайдар Самарқандий кабиларни келтириш мумкин.

Насафийнинг асарлари: “Китобу-л-қанд фи маърифати улама ас-Самарқанд” (Самарқанд уламоларини би-

лишда қанду шакар китоб), “Татвилу-л-асфар ли таҳсилу-л-аҳбар” (Хабар (хадис) тўплаш учун кўп сафар қилиш), “ал-Ҳасаил фи-л-масаил” (Масъалаларнинг натижалари), “ал-Ҳасаил фи-л-фуруъ” (Фуруъдаги хусусиятлар), “Даъвату-л-мустағфирин” (Истиғфор айтувчиларнинг даъвати), “Тилбату-т-талаба” (Изловчининг мақсади), “Ажжолату-л-ҳасбий би сифати-л-мағрибий”, “Ақоид ан-Насафий” (Насафий ақидаси), “Фатвау-н-Нажмуддин” (Нажмуддин фатволари), “ал-Фатва ан-Насафий” (Насафий фатволари) – ушбу асарда Насафийнинг фатволари ўз аксини топган, “Фусулун-н-Насафий фи улуми-л-жадал”, “Мажмау-л-улум”, “Фи-л-фуруъи-л-ҳанафий”, “ал-Мұтқаид”, “Манҳажу-д-дироя фи-л-фуруъ ал-ҳанафия”, “ан-Нажаҳ фи шарҳи-л-аҳбар” – ушбу асар Имом ал-Бухорийнинг “ал-Жоме ас-саҳиҳ” асарига ёзилган шарҳдир, “Йувокиту-л-мавоқіт” (Вакъларни белгилаш).

Насафийнинг “Ақоид Насафий” асари мотуридия таълимотини ўрганишда энг муҳим манба ҳисобланади. Ушбу асарга олимлари катта қизиқиши билан қарашган ва унга шарҳ, ҳошия, таълиқот ва талхислар битишган. Аллома Тафтазоний ушбу асарга шундай баҳо беради: “Абу Ҳафс Насафийнинг “Ақоид Насафий” асари каломни ўрганишда энг фойдали ва қулай манбадир”. Ҳозирга келиб ушбу асар ва унга ёзилган шарҳлар нафақат Шарқда, балки Ғарбда ҳам тадқиқ қилинмоқда. Ушбу асарни нуфузи шундаки, мотуридия таълимоти қисқа сатрлар орқали баён қилиб берилган. Олимлар шунинг учун ҳам “Ақоид Насафий”га катта эътибор билан қарашиб, икки хил услубда шарҳлар ёзишган. Биринчи услугуб наср услугиб бўлиб, бунга қуйидаги китобларни келтириш мумкин:

1. Али ибн Абу-л-Ҳазм (вафоти 687/1288)нинг “Дуррату шарҳу-л-ақоид ан-Насафия” асари. У “Ибн ан-Нафис” куняси билан танилган;

2. Абу-с-Санъо Маҳмуд ибн Аҳмад Исфаҳоний (ваф. 749/1392)нинг “Шарҳ ақоид Насафий” асари,

3. Ибн Сирож куняси билан танилган Жамолиддин Маҳмуд ибн Аҳмад Қавнавий (ваф.770/1369)нинг “Ал-Қалоид шарху-л-ақоид” асари;

4. Мұхаммад Тохир Сунбул Маккийнинг “Шарх ақоид Насафий асари”;

5. Саъдуддин Тафтазоний (вафоти 791/1389)нинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари. Ушбу асарға 61 та ҳошия битилған. Улардан машҳурлари: Аҳмад ибн Мусо Хиёлий Румий (вафоти 870/1466)нинг “Ҳошия” асари. Ушбу ҳошияниң ўзига 16 та тақрир ёзилған. Ушбу тақрирлар ичіда энг машҳури Абдулҳаким ибн Мұхаммад ас-Сиялкутий (вафоти 1067/1657)нинг “Зубдату-л-афкор” номлы тақрири бўлиб, унга 4 та ҳошия ёзилған;

6. Шамсуддин Аҳмад Боязид Ҳумайдий Сарвахоний (ваф. 854/1450), “Қорача” куняси билан танилган. У “Шарху-л-ақоид Насафия” асарини муаллифи;

7. Саъид ибн Мұхаммад ибн Абдуллоҳ Диёрий Макдасий (ваф. 867/1463)нинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари;

8. Аҳмад ибн Үсмон Ҳаравий Хайрхабоний (вафоти 900/1495)нинг “Ҳаллу-л-маъюқид фи шархи-л-ақоид” асари. У Мулгазода куняси билан танилган;

9. Жалолиддин Мұхаммад ибн Асъад Даввоний (ваф. 918/1513)нинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари. Ушбу асарға иккита ҳошия битилған. Биринчиси, Мұхаммад ибн Абдулҳалим ал-Қавнавий (ваф. 1285/1869)нинг “Ҳаллу-л-маъюқид фи шархи-л-ақоид” асари; Иккінчиси, Юсуф ибн Мұхаммаджон Қорабогий Мұхаммад Шоҳий (вафоти 1035/1626)нинг “Ҳошия” асари;

10. Мұхаммад Муборак шоҳ ибн Мұхаммад Ҳаравий Румий (ваф. 928/1619)нинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари. Муборак шоҳ “Ҳаким шоҳ” куняси билан танилган;

11. Аҳмад ибн Мұхаммад Ганимий (ваф. 1044/1635)нинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари;

12. Аҳмад Мұхаммад Маданий Ансорий (ваф. 1071/1661)нинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари;

13. Али Атвал ибн Мұхаммад Қастамваний Ҳилватий (ваф. 1097/1686)нинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари. Бу олим халқ орасида “Қорабоший” куняси билан танилган;
 14. Яҳе ибн Ҳусайн ибн Қосим ибн Мұхаммад (ваф. 1099/1688)нинг “ат-Тұхфату-с-сания Шарху-л-ақоид Насафия” асари;
 15. Абдуносир ибн Иброҳим Балғарий Қаврисовий Қазоний Ҳанафий (ваф. 1227/1812)нинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари;
 16. Аҳмад ибн Мұхаммад ат-Термизий ал-Калбавий-нинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари;
 17. Абдулқодир ибн Идрис Салқинийнинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари;
 18. Али ибн Солиҳ ибн Исмоил Айюбийнинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари;
 19. Мұхаммад ибн Ҳаниф Даҳматурийнинг “Тавзиху-л-ақоид” асари;
 20. Мұхаммад ибн Юсуф Деклавий Ҳусайнийнинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари;
 21. Абу Мұхаммад Абдулқодирнинг “Жавомеу-л-қория фи шархи-л-ақоид Насафия” асари;
 22. Мұхаммад Ҳалил Қавқажий (ваф. 1035/1626)нинг “Дүррү-с-сафо ала ақоид Насафий” асари;
 23. Мұхаммад Нуриддин (ваф. 1305/1888)нинг “Шарху-л-ақоид Насафия” асари. У “Нуру-л-араб” куняси билан танилган;
 24. Сиддик Ҳасанхон Қазважий (ваф. 1307/1890)нинг “Бағяту-р-роид шарху-л-ақоид” асари;
 25. Мұхаммад ибн Али Рazo Муллатий Румий (ваф. 1316/1899)нинг “Кашфу-л-ақоид Насафия” асари;
 26. Абду-л-Мутал Саъбадийнинг “Зубдату-л-ақоид Насафий” асари.
- Иккінчи услугуб – назм услуби бўлиб, Насафийнинг “Ақоид Насафий” асари шеърий услугуда шарҳланган. Улар қуидагилардан иборат:

1. Аҳмад ибн Мұхаммад Солих (ваф. 863/1459)нинг “Назм” рисоласи;
2. Саъидий ибн Ножиъбек (ваф. 922/1516)нинг “Назм” асари. У “Саъид Чалбий” куняси билан танилган;
3. Мансур Табловий (ваф. 1041/1632)нинг “Сиянату-л-акоид” назми;
4. Абу-л-Аббос Аҳмад Мұқрий Талмусоний (ваф. 1041/)нинг “Изоату-д-дажана фи ақоид ахли сунна” назми. Ушбу назмга 16 та шарҳ битилган;
5. Мұхаммад ибн Эълону-с-Сиддик (ваф. 1057/1647) нинг “Вафо ли назми ақоид Насафий” асари;
6. Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Қосим Бавний (ваф. 1139/1727)нинг “Назм” асари;
7. Умар ибн Мустафо Карома (ваф. 1160/1747)нинг “Ал-Қалоид назму-л-акоид” назми;
8. Мұхаммад ибн Аҳмад Жавҳарий (ваф. 1215/1801) нинг “Назм” асари;
9. Барзанжийнинг “Назм” асари. Бунга Барзанжий-нинг набираси Аҳмад Фоиз Барзанжий “Анҳау-л-қалоид фи талхис анфасу-л-фавоид” номли шарҳ ёзган;
10. Барновийнинг “Назм” асари;
11. Мұхаммад ибн Абдулқодир Аҳдалий (ваф. 1326/1908)нинг “Дурару-с-сания назму-л-акоид Насафия” назми;
12. Мұхаммад ибн Тоҳа Боласонийнинг “Лутафу-л-хафий фи назми ақоид Насафий” назми. Бунга “Қавлу-л-вафо фи шархи-л-лутафу-л-хафий” номли шарҳ битилган;
13. Мұхаммад олим Манзалий (ваф. 1311/1894)нинг “Маворид ва-л-ҳанийа” назми;
14. Абу Бақр ибн Аҳмад Румий (ваф. 1203/1788)нинг “Назму-л-акоид Насафий” асари.

Олимлар орасида энг тарқалған шарҳ ва ҳошиялар си-расига Тафтазонийнинг “Шарҳ ал-акоид Насафия”, Аҳмад ибн Мусо ал-Хиёлий (ваф. 860/1456)нинг “Ҳошияту-л-Хиёлий”, Муслихуддин Мустафо Қасталоний, Ка-сталий (ваф. 901/1495)нинг “Ҳошияту-л-Касталий” ва

Рамазон ибн Абдулмуҳсин Баҳшатий (ваф.979/1571) нинг “Ҳошияту-л-Баҳшатий” асарлари киради. “Ақоид Насафий”га ёзилган шархлар кўп бўлганлиги боис юкоридаги тўрт асар асосида манбашунослик таҳлилини олиб бориш максадга мувофиқ деб билинди.

Тошкент ислом университети қошидаги қўлёзмалар фондида Тафтазоний қаламига мансуб “Шарҳ ал-ақоид Насафия”нинг турли нусхалари 14, 98, 116, 158, 172 рақамлари остида сақланиб келинмоқда. Биз ўз тадқиқотимизни 98 рақам остида сақланиб келинаётган қўлёзма асосида олиб бордик. Ушбу қўлёзмада иккита китоб бўлиб, биринчиси “Шарҳ ал-ақоид Насафия”, иккинчи асар ҳам ақоид илмига доир. Қўлёзма настаълик ёзувида кўчирилган, бир жилдда, 142 варакдан иборат. Китобнинг ўлчами 25x14 см. Ҳар бир сахифада 15 сатр матн бор. Қўлёзма қора сиёҳ билан кўқон қофозига ёзилган. Муқоваси безакли, чармдан тайёрланган. Ушбу асар Бухорода 1311 йили кўчирилган. Қўлёзмада асосий матн билан шарҳ ажralиб туриши учун устига қизил сиёҳ билан чизилган.

Тафтазоний ўз асарини ёзишда шарҳ билан матнни аралаш ҳолда келтириб, матндан олдин (ә) ҳарфи, шархдан олдин эса (שׁ) ҳарфи қўйган. Шу билан бирга XIV – XV асрлардан кейин шорихлар орасида анъанага айланиб қолган матн устига чизик тортишдан ҳам фойдаланган.

Асар боб, фаслларга ажратилмай бевосита шарҳлашга киришилган. Тушунарсиз бўлган баъзи ибора ва терминларнинг лугавий ва истилоҳий маънолари келтирилган. Тафтазоний матнни ихчам шаклда шарҳлашга асосий эътиборни қаратган. Зеро, Тафтазоний яшаган даврда асарлар жуда ҳам кўп ва катта ҳажмда бўлганлиги боис талабалар орасида турли хилдаги норозиликлар келиб чиқкан. Шунинг учун ҳам Тафтазонийнинг аксарият асарлари мўжаз, тушунарли бўлган ва ўкувчиларга қулайлик туғдирган. Аксарият ўринда феъллар “айтилди”, “айтилади” ва “ривоят қилинади” каби мажхул нисбатда

қўлланилган. Баъзан шарҳланаётган матн юзасидан учунчи шахс номидан савол қўйилиб, жавоб берилган. Шу боис ҳам олимнинг асари такрор-такрор нашр қилиниб, қунт билан ўрганилмоқда.

Ушбу асарда дастлаб “калом” атамасининг келиб чиқиши, шаклланиш босқичлари, юонон файласуфларининг китобларини араб тилига таржима қилиниш сабаблари, ислом фалсафаси билан калом илмининг қоришиб кетиш жиҳатлари, турли ҳолатларнинг келиб чиқиши омиллари, Абу-л-Ҳасан Ашъарийнинг мұтазила фирмәсидан ажралиб, ахли сунна ва-л-жамоа таълимотига асос солғанлиги ҳақида тўхталиб ўтган. Лекин мотуридия таълимотининг шаклланиши ва ахли сунна ва-л-жамоа таркибиға кириши ҳақида сўз юритмаган. Кастанлий, Хиёлий ва Рамазон Афанди ҳошияларида масаланинг бу жиҳатига ҳам эътибор қаратилган.

Аҳмад ибн Мусо Хиёлийнинг “Ҳошияту Хиёлий” асари Эронда “Ихтар” босмахонасида мажмуа таркибида нашр қилинган.

Хиёлийнинг асари Тафтазоний шарҳига битилган ҳошия ҳисобланади. Бу ҳақда Хиёлий шундай дейди: “Ушбу қўлингиздаги асар ёрдамида “Шарҳ ал-ақоид Насафия”нинг сирли жиҳатларини тушунасиз”. Хиёлийнинг ушбу асари 1328 йили алоҳида ҳолда, 1326 йили Абдулҳаким Сиялкутий ҳошияси билан бирга Дехлийда нашр қилинган.

Юқоридаги омиллар асарнинг ютугини кўрсатиб берса, иккинчи жиҳатдан асарда хужжат ва далиллар йўқлиги асарнинг камчилигини намоён қиласи. Шу билан бир қаторда ушбу ҳошия бошқа ҳошиялардан грамматикага йўналтирилгани билан ажралиб туради.

Муслихуддин Мустафо Қасталоний Кастанлий (ваф. 901/1495й.) нинг “Ҳошияту-л-Кастанлий” асари асосан сўзларни изоҳлашга қаратилган. Рамазон ибн Абдулмуҳсин Баҳшатий (ваф. 979/1571й.)нинг “Ҳошияту-

л-Баҳшатий” асарида Кастанлий ва Хиёлий ҳошиялари мувофиқлаштирилгани кузатилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. М.Қодиров. Марказий Осиё, Яқин ва Ўрта Шарқнинг фалсафий тафаккури (ўрта асрлар). Ўкув қўлланма. Т.:ТДШИ, 2010.
2. Зоҳидий А. «Туркистонда ўрта аср араб-мусулмон маданияти».–Т.:ЎзФА, 1993.
3. Измирли И smoил Ҳаққи, Янги қалом илми, 1, 105, 170 (Ист. 1339/1920)
4. Brockelmann C. Geschichte der arabischen Litteratur. Band I-II. Weimar-Berlin, 1898-1902. GAS, Т. I, 604-606; Ислам. Энциклопедический словарь. М.: Наука, 1991. – Б. 161; Islam ansiklopedisi. – Istanbul. 1957. 7 – cilt.
5. Бартольд В.В. Сочинения // Работы по источниковедению. – М.: Изд. Вост. Лит, 1973. – Т. 8.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар:

1. Мўътазилий оқимининг асосчиси ким?
2. Ашъарийя мутакаллимларидан кимларни биласиз?
3. Имом Аъзамнинг қандай асарларини биласиз?
4. Ислом олами тарихида ақида борасида пайдо бўлган илк баҳс-мунозара қайси масала юзасидан вужудга келди?
5. “Ваъийдий”, “мазҳабу аҳлит тавҳид” ва “мазҳабу аимма” тушунчаларини шарҳланг.
6. Инсондаги ироди эркинлиги ҳақида мўътазилий оқимининг таълимоти ҳақида нима дейилади?
7. Ашъарийя мазҳабининг асосчиларидан кимларни биласиз?
8. Мотуридий таълимоти манбаларидан қайсиларни биласиз?
9. “Ал-фиқхул акбар” асарида қандай масалалар ёритилган?
10. Абу Мансур ал-Мотуридий ҳақида маълумот беринг.
11. Абу Мансур ал-Мотуридий адолат тушунчаси ҳақида нима дейди?

8-мавзу: Фиқҳий асарлар ва уларнинг ислом манбашунослигига тутган ўрни

1. Фиқҳ илми тарихи.
2. Мовароуннахрда фиқҳ илми.
3. Мовароуннахрлик фақиҳлар ва уларнинг илмий мероси.
4. Самарқанд фиқҳ мактаби намояндадари ва уларнинг фиқҳий мероси.
5. Бухоро фақиҳлари илмий мероси.
6. Бурхониддин Марғиноний ва унинг Ҳидоя асари.
7. Ҳидоя асарининг шарҳлари, қўлёзма нусхалари ва нашрлари.

Мавзунинг ўқув мақсади: фиқҳ, фиқҳ илми, унинг тармоқлари, Мовароуннахрда фиқҳ, маҳаллий фақиҳлар, уларнинг илмий мероси, Бурхониддин Марғиноний, «Ҳидоя фи-л-фуруъ» асари, асарнинг қўлёзмалари, унга ёзилган шарҳ ва ҳошиялар билан таништириш.

Таянч иборалар: фиқҳ, фуруъ, фақиҳ, Бурхониддин Марғиноний, «Ҳидоя», шарҳ, ҳошия.

1. Фиқҳ илми тарихи.

«Фиқҳ» араб тилида “фаҳм қилмоқ”, “англамоқ”, “тушунмоқ” маъноларини англатади.

«Фиқҳ»ни биринчи бўлиб Абу Ҳанифа Нұғмон ибн Собит «Фиқҳ ҳар бир мукаллаф кишининг ўз фойдасига ва заарига бўлган нарсалар ҳақидаги шариат ҳукмларини билиб олишидан иборат»деб таърифлаган.

Абу Ҳанифанинг таърифи улуми шаръия аниқ шаклланиб, бирбиридан ажралмаган замонда берилгани сабабли

эътиқод ва ахлоқ илмларини ҳам қамраб олади. Лекин кейинроқ ахлоқ ва эътиқодга тегишли меъёрларнинг ҳар бири илм сифатида фикрдан ажрала бошлаб, илмуттавхид ёки калом илми ва илмулахлоқ номлари билан алоҳида фанларга айланди ва фикҳ эса аҳкоми фаръия ва унинг ўрганиш услубини ўз ичига қамраб олди. «Фикҳ илми – ҳар бир мукаллаф кишининг амалий жиҳатдан фойдасига ва зарарига бўлган нарсалар ҳақидаги шариат хукмларини билиб олишидан иборатдир».

«Фақих», яъни фикҳ олими бўлиш учун фақатгина шариат хукмларини содда ва юзаки билиб олиб, уни ёд олиш етарли эмас, балки уларнинг барча сабаб ва ҳикматларини билиш ва шариат асосчисининг мақсадларини англаш зарур ҳисобланади.

И мом Баздавийнинг айтишича, фикҳнинг уч жиҳати бор:

Биринчидан, шариат хукмларини ўрганиш;

Иккинчидан, қўлга киритилган билимни ўзлаштириш, яъни шариатнинг барча усул ва қоидаларини жузъиёти билан чуқур англаб, ҳар бирининг сабаблари ва қайси мақсад учун ишлаб чиқилганлигини тушуниш;

Учинчидан, ўзлаштирилган ушбу илмни амалга татбиқ этишдир.

Демак, фикҳ илмининг мавзуси ижтиҳод орқали ислом хукуқининг асосий манбаларидан белгилаб олинган хукуқ тармоқлари, яъни фаръий хукмларни (жузъий ва амалий масалаларни) ўрганишдан иборат.

Ундан шариатнинг асосий қоидаларига таяниб чиқарилган хукмларга амал қилиш назарда тутилган.

Фақихларнинг фикрларига кўра, ислом хукуқи ўз тараққиёт жараёнида Пайғамбар, сахобалар, тобеинлар, мужтаҳидлар, мухаррижлар ва муқаллидлар даврларини босиб ўтган.

Абдулҳай Лакнавий ҳанафий мазҳаби фақихларини табақалаштиришда мухаррижлар давридан сўнг асҳобу-т-

таржих, яъни буюк факиҳлар томонидан ёзиб қолдирилган ҳукмлардан айримларини заруратга биноан бирбиридан устун қўйиш ваколатига эга бўлган олимлар даврини ҳам кўрсатиб ўтади.

Пайғамбар даври шариатнинг асосий манбалари бўлган Қуръон ва сунна даври бўлган. Унда Қуръон оятлари нозил бўлиб, уни изоҳлаб, тўлдириб ва янги меъёrlарни жорий қиласиган Пайғамбар (с.а.в.) кўрсатмалари берилди. Умуман шариатнинг асл ҳукмлари шу даврда жорий этилди. Насх, яъни ҳукмларнинг бекор қилиниши масаласи ҳам уламоларнинг таъкидлашларича шу даврга хос.

Саҳобалар даврида асосан уларнинг ижмолари кўп бўлди, улар шариат аҳкомларини ўргатиш мақсадида бошқа ўлкаларга тарқалиб кетишли, Қуръон китоб ҳолатига келтирилди.

Тобеинлар даврида замон ва давр тақозоси билан ислом ҳуқуқи ривожланиб, тафсир, ҳадис ва ислом илмларидан ажралиб чиқа бошлади.

Хижрий II асрнинг дастлабки ўн йилликларида илк ҳуқуқий мактаблар юзага кела бошлади. Ушбу мактаблар вакиллари бўлган факиҳлар ўз соҳалари бўйича иктидорли кишилар бўлиб, ислом таълимотига асосланган тафсир, ҳадис ва фиқҳ каби илмларга қизиқардилар, улар бўйича кенг маълумот ва юксак малакага эга эдилар.

Илк ҳуқуқий мактаблар қуйидагилардан иборат эди:

1. Мадина ҳуқуқий мактаби,
2. Макка ҳуқуқий мактаби,
3. Басра ҳуқуқий мактаби,
4. Куфа ҳуқуқий мактаби,
5. Шом ҳуқуқий мактаби.

Басра ва Куфа ҳуқуқий мактаблари Ироқ мактабини ташкил этади.

Миср ўзига хос ҳуқуқий мактабга эга бўлмай, бошқа ҳуқуқий мактаблар, айниқса, Мадина мактаби таъсири остида эди.

Илк хуқуқий мактабларнинг машхур вакиллари қўйидагилардан иборат эди:

1. Мадина мактаби намояндадаридан Умар ибн Хаттоб, Али ибн Абу Толиб, Абдулло ибн Умар, Зайд ибн Собит, Саид ибн Мусайиб, Зухрий, Яҳё ибн Саид ва бошқалар.

2. Макка мактабидан Абдулло ибн Аббос, Суфён ибн Уяйна, Муслим ибн Холид.

3. Ироқ мактабидан Алқама ибн Қайс, Қози Шурайх, Иброҳим Нахаъий, Ҳаммод ибн Сулаймон, Ибн Аби Лайло.

4. Шом мактабининг вакили ўз мазҳабининг асосчиси Абдураҳмон Авзоъий эди.

Фикҳ тарихи мутахассисларининг таъкидлашларича, Ироқ ислом хуқуқининг муҳим марказларидан бири эди. Ҳижрий II аср давомида ҳам Ироқ бу соҳада ўз устунлигини сақлаб қолди.

Илк хуқуқий мактабларнинг энг муҳим жиҳатлари шундан иборат эдики, биринчидан, улар Қуръонга асослаарди ва Суннага катта эътибор қаратарди. Ўша даврларда қиёс шариатнинг асосий манбаи сифатида ўз ривожланиш босқичларини босиб ўтмагани учун, улар ушбу услубдан кенг кўламда фойдаланмасдилар.

Ҳижрий III асрларда (722 – 922-йиллар) мазкур мактаблар юзага келган соҳаларда буюк хуқуқшунос олимлар, атоқли мужтаҳидлар камолга етган. Улар турли хуқуқий мактабларнинг ривожига ўз муносиб улушларини қўшганликлари сабабли, ислом хуқуқи тарихида бу давр олтин давр ҳисобланади. Ушбу даврда буюк фақиҳларнинг бир буюк силсиласи ўз тарихий бурчларни бажариб ўтдилар. Буюк мужтаҳидлар томонидан асос солиниб, ривожлантирилган суннийлик мазҳабларининг ҳар бири ўз асосчисининг номи билан аталадиган бўлди. Улар қўйидагилардан иборат:

1. Куфа ва Басра (Ироқ) илк хуқуқий мактаби негизида Абу Ҳанифа томонидан **ҳанафий мазҳабига** асос солинди;

2. Имом Молик Мадина мактаби асосида **моликий мазҳабининг** тамал тошини қўйди;

3. Имом Шофиъий ўз мактаби (**шофиъий мазҳаби**) ни Мадина мактабининг бир намояндаси сифатида бошлаган бўлса ҳам, ҳанафий мазҳабидан кўп фойдаланиши билан ахли ҳадис ва ахли раъи таълимотини бирлаштириб, Мисрга боргандан сўнг ўзининг иккинчи мазҳабига асос солди.

4. Аҳмад ибн Ҳанбал томонидан **ҳанбалий мазҳабига** Макка қадимий ҳуқуқий мактаби негизида асос солинди.

Суннийлик мазҳабларининг ҳар бири ҳуқуқий муаммоларни ўзига хос йўл билан ҳал қиласди. Турли мақонда юзага келган ушбу мазҳабларнинг ҳар бири ўзига хос ижтимоийиқтисодий шароит таъсири остида ривожланиб, асосий манбалардан фойдаланиш ва маҳаллий урфодатларни назарда тутиш услуги билан бирбиридан фарқланади.

2. Мовароуннаҳрда фиқҳ илми.

Абу Ҳанифа асос солган мазҳаб VIII аср ўрталарида, унинг ҳаётлик чоғиданоқ тарқала бошлаб, шу асрнинг охиrlарида Мовароуннаҳрга етиб келган эди.

Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг шогирдларидан Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Кабир Бухорий (ваф. 832 й.) биринчи бўлиб, IX аср бошларида ушбу мазҳаб таълимотининг илк вакили бўлиб ўз ватанига қайтиб келди. Бухоро шаҳрини ҳанафийликнинг муҳим марказларидан бирига айлантириди. Унинг тарбияси остида бир гурӯҳ фақихлар, жумладан, ўз даврида ҳанафий мазҳабининг шайхи ва салоҳиятли вакили бўлган унинг ўғли Абу Ҳафс Сағир Муҳаммад ибн Аҳмад ибн Ҳафс юксак даражали фақих мартабасига етганди.

Абу Ҳафс Кабирнинг замондоши, ҳадис илмининг буюк имоми Муҳаммад ибн Исмоил Бухорий (в. 256/870) «алЖомиъ ассахих» китоби ва «Фиқху-л-Бухорий» деб

аталган ўзига хос фиқҳий йўналиши билан ушбу фан ривожига катта ҳисса кўшган эди.

Бухоролик фақихлар ўша даврдан бошлаб ҳам усулу-лфиқҳ ва ҳам фуруъу-л-фиқҳ бўйича муҳим ва эътиборга лойик асарлар яратганлар. Ибн Халдун «алМуқаддима»да таъкидлашича, Абу Зайд Дабусий ушбу мавзуда (усул мавзусида) ёзган китоб энг муҳим асарлардан бири ҳисобланади. Шунингдек, кейинроқ Садрушширия Иккинчи Убайдулло ибн Масъуд ёзган «Танқиҳул-усул» номли китоб ва унинг устидан ёзган «ат-Тавзих» номли шарҳи катта эътибор ва илмий аҳамият касб этиб келган.

IX асрдан бошлаб ҳанафий, шофиъий ва ҳанбалий мазҳаблари Марказий Осиёда ўз нуфузини ўтказа бошлиди. Хурросонда ҳанбалий мазҳабининг йирик намояндаси Шайхулислом Абдулло Ансорий (XI аср) эди.

Шофиъий мазҳабининг атоқли вакили, Ўрта Осиё бўйича шофиъийлар имоми тошкентлик Муҳаммад ибн Али ибн Исмоил Қаффол Шоший (905986) эди. У ўз даврининг машҳур кишиси, фақих, муҳаддис, муфассир, усулий, адид ва шоир бўлиб, кўп асарлар ёзган. «Усулу-фиқҳ» ва «Шарҳуррисола» номли асарлари катта шуҳрат қозонган. Ибн Халликоннинг таъкидлашича, ўша даврда Мовароуннаҳр худудида унга тенг келадиган олим ва фақих бўлмаган. Зириклийнинг ёзишича, у фиқҳ, ҳадис, лугат ва адабиёт бўйича ўз даврининг атоқли олими ҳисобланган.

Котиб Чалабийнинг ёзишича, унинг ўғли Шайх Қосим ибн Муҳаммад Қаффол Шоший шофиъий мазҳабида энг муҳим, мукаммал ва эътиборли «ат-Тақриб фи-л-фуруъ» номли асар ёзди.

Шунингдек, ушбу даврда мўътазилийлар кенг қамровли ақидавий курашни йўлга солиб, ўз гояларини тарқатишга уриндилар. Уларнинг ақидавий усулларига таянган шиалар, айниқса, исмоилийлар ва уларнинг турли гурухлари (ботинийлар, қарматийлар) билан суннийлар

орасида кескин кураш авж олган бир пайтда, Абу Мансур Мотуридий ҳанафий мазҳабининг яловбардори сифатида қад кўтариб, ўзининг кўп сонли асарлари, жадал ва муно-заралари билан, эътизол, ботиния ва қарматия қарашлари нотўғри эканлигини исботлаб берди, аҳли сунна вал жамоа, айниқса, ҳанафий мазҳабининг мустаҳкамланишига катта ёрдам кўрсатди. Халқ уни қозонган бундай ғалабаси билан табриклаб, Қораҳонийлар томонидан, қалом илмida у яратган йўналиш аҳли сунна вал жамоанинг эътиқодий асоси деб эълон қилинди.

IX – X асрларнинг мураккаб ижтимоийсиёсий шароитида Самарқандда қалом илмидан ташқари усуулфиҳ соҳасида ҳам илмий аҳамиятга эга бўлган кўп асарлар яратилди. Абу Мансур Мотуридийнинг «Маъхазуш-шарь» ёки «Маохизуш-шарь» ва «Китобул-жадал» номли асарлари усул бўйича ёзилган энг пухта ва қимматли асарлардан саналади.

Алоуддин Самарқандий ёзган «Тухфатул-фуқаҳо», Алоуддин Абу Бақр ибн Масъуднинг ушбу асарга ёзган шарҳи, шунингдек, Баздавийлар, Абуллайс Самарқандийнинг (в. 552/1158) асарлари ва бошқалар фуруъулфиҳ бўйича эришилган мубаффакиятлардан ҳисобланади.

Насафийлар қалом илми бўйича Мотуридий мактаби давомчisi сифатида ушбу мактаб таълимотини тиклаб, ривожлантириб келдилар ва фуруъулфиҳ бўйича улар ва Фарғона факихлари жуда кўп қимматли асарлар ёзib қолдирдилар.

Мовароуннаҳрда ғиқҳ илмининг равнақи. Мовароуннаҳрда ғиқҳнинг ривожида ироқлик факихлар, айниқса, Абу Бақр Жассос (ваф. 981 й.), шунингдек, Хусросоннинг муҳим илмий марказларидан бўлмиш Жўзжон, Балх ва Тахор олимлари – Қози Шаддод ибн Ҳукайм Балхий, Абу Ҳомид Балхий, Абулмуайид Балхий, Абу Сулаймон Жўзжоний, унинг шогирди Абу Бақр Аҳмад Жўзжоний, Муҳаммад ибн Салама Абу Абдулло Балхий ва бошқалар таъсир этганлар.

Давлат ҳокимияти Қорахонийлар (999 – 1212)га ўтгандан кейин Мовароуннахрда фикҳ илмининг ривожи ва такомили учун таъсирчан омиллар юзага кела бошлади. Марказий шаҳарларда автоном бошқарувнинг кучайиши уламо гуруҳлари таъсир доирасининг кенгайишига олиб келди. Бу билан фикҳ меъёрларини ҳаётга татбиқ этишга реал шароит яратилди. Бухоро ва Самарқанд ҳақиқий илм марказларига айлантирилди. Бу шаҳарларда Насаф, Марв, Фарғона фақиҳлари ҳам фаолият кўрсатдилар.

Ўрта Осиёда фикҳнинг ривожи учун иккинчи омил Қорахоний хукмдорларининг фикҳ – ислом ҳуқуки ва қонунларига қизиқиши ва ҳуқукий нормаларнинг амалий ҳаётга татбиқ этилиши эди.

Манбаларда таъкидланишича, Қорахонийлар давлати ҳукмдорлари, айниқса Иброҳим Маҳмуд Тамғочон фақиҳлар фатвосини олмагунча ҳеч бир жиноятчини жазоламас, молу мулкини мусодара қилмас эди.

Олимларнинг хulosаларга кўра, мазкур даврда 300 га яқин фақиҳ мавжуд бўлиб, 150 дан кўпроқ фикхий асарлар, 20 та фатволар мажмуалари ёзилиб, улардан 98 фоизи ҳанафий мазҳабига тегишли бўлган экан.

Қорахонийлар давридан тортиб Темурийлар давригача суд вазифалари машхур фақиҳларга топширилган бўлиб, ундан ташқари Бурхониддин Марғиноний авлодлари шайхулисломлик вазифасини ҳам ҳатто меросий шаклда бажариб келганлар. Улар баъзан сиёсий ихтилофларни ҳал қилиш бўйича ҳам фаолият олиб бориб, Мирзо Улуғбек ва Мирзо Бобур ҳомийлари сифатида садоқат билан хизмат қилганлар.

Айтиб ўтилган омиллар, айниқса, давлат арбоблари томонидан илм ахлига кўрсатиладиган юксак эҳтиром, тарғибот ва ташвиқот, Ўрта Осиёда фақиҳлар сонининг кўпайиши ва ҳанафий мазҳабининг ривожланиб ёйилишига сабаб бўларди. Мўғуллар давридан кейин Амир Темур (1370-1405) даврида исломга давлат дини мақомининг

қайтарилиши янги уламолар табақаларининг шаклланишига олиб келди.

Абулфазл Қазвиний «Китобун-нақз»да эслатиб ўтишича, XII асрларда Хурросон шаҳарларидан тортиб, Ўзганд, Самарқанд, Мовароуннахр ва Туркистоннинг барча ҳудудларида аксарият аҳоли ҳанафий мазҳабида бўлган.

XII – XIII асрларда Ўрта Осиёда фақихлар сони кўплигини аллома Қазвиний «Жалолуддин Мангуберди сийрати» номли Муҳаммад ибн Аҳмад Насавий асаридан олиб берган маълумотдан билиб олиш мумкин. Унга кўра бухоролик «Оли Моза» нинг буюк имоми ва раисларидан бири бўлмиш Садри жаҳон Бурҳониддин Муҳаммад ва унинг авлодлари химояси остида 6000 фақих ҳаёт кечириб, уларнинг барчаси ҳанафий мазҳабига мансуб бўлганлар.

Ушбу оила мўғул хужумидан кейин ҳам ҳанафий фақихларини ўз химоялари остига олиб келганлар. Мисол учун 674/1276 йили 4000 фақих улар кўрсатган ёрдамлардан фойдаланар эканлар. Манбаларда кўрсатилишича, Садруссудур Бурҳониддин Абдулазиз ибн Умар Самарқанд шахрида 30 минг қизил олтин (динор) тўлаб, бир ҳанафий фақихнинг ҳаётини сақлаб қолган.

Юқорида берилган қисқа маълумотлардан кўриниб турибдики, ҳанафий мазҳаби Ўрта Осиё ва Мовароуннахр ҳудудида кенг кўламда тарқалган бўлиб, уларнинг жуда кўп йирик ва салоҳиятли вакиллари ва имомлари, ҳам эътиқод соҳасида, ҳам ҳуқуқ соҳаларида ушбу муҳитда камолот даражасига етиб борганлар. Улар ҳанафий мазҳабининг ҳуқуқий ва ақидавий асосларини ташкил этувчи Абу Ҳанифа асарлари ва унинг иқтидорли шогирдлари Шайбоний, Абу Юсуф қаламига мансуб «Зоҳирур-ривоя» китоблари, «Китобул-хирож» ва бошқа фикҳий асарларга асосланган ҳолда ниҳоятда муҳим ҳуқуқий асарлар яратиб, мазҳабининг ривожи ва гуллаб яшнашига ҳисса қўшиб келганлар. Масалан, Ўрта Осиёнинг буюк

фақиҳларидан саккизтаси «алМабсут» номи билан фиқҳ илми соҳасида илмий асарлар ёзган. Улардан Фахрул-ислом ал-Баздавий «Мабсут»и 11 жилдлик, Шайхулислом Муҳаммад ибн Ҳусайн алБухорий алҲанафий «Мабсут»и 15 жилдлик, Шамсулаимма асСаражсий «Мабсут»и 15 жилдлик бўлган.

3. Мовароуннаҳрлик фақиҳлар ва уларнинг илмий мероси.

Мовароуннаҳр илк давр фақиҳларининг иснодлари бу ўлкада ҳанафийлик анъаналарининг вужудга келиши ва ривожланишига Бағдод ва Хурсоннинг таъсири кучли бўлганлигини кўрсатади. Самарқанд ва Бухоро фақиҳлари бўйича етарли маълумотлар мавжуд. Лекин Насаф, Кеш, Термиз, Хоразм бўйича маълумотлар тўлиқ эмас.

Самарқанд фиқҳ мактаби намояндадари ва уларнинг фиқҳий мероси.

Абу Ҳанифанинг бевосита ўкувчилари Самарқандда фаолият олиб боришиди. Абу Муқотил Ҳафс ибн Саҳл Фазорий Самарқандий, Наср ибн Аби Абд Малик Атакий, Шарик ибн Аби Муқотил, Маъруф ибн Ҳассон, Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий ва Юнус ибн Субайҳ Самарқандий уларнинг энг эътиборлилариидир.

1. Абу Муқотил Ҳафс ибн Саҳл Самарқандий Абу Ҳанифанинг устозлари Айюб Сухтиёний, Ҳишом ибн Ҳиббон ва бошқалардан ҳам таълим олган. У Балх ҳанафийлари билан яқин алоқада бўлган. Абу Муқотил «Китоб ал-‘олим ва-л-мута‘аллим» муаллифи сифатида машҳур.

2. Наср ибн Абд Малик Атакий фиқҳ ва ҳадис илмлари соҳасида шуҳрат қозонди.

3. Исҳоқ ибн Иброҳим Ҳанзалий Самарқанднинг илк ҳанафий қозиларидан эди.

«Китоб ал-қанд» ва «Фазоил Балх» асарларида келтирилишича, Самарқандда жуда кўп уламо гурухлари фаолият олиб бордилар. Самарқандлик фақиҳлар ҳақидаги батартиб маълумотлар тўртинчи бўлимдан бошланади. Бу авлод намояндалари – машхур илоҳиётчилар Абу Мансур Мотуридий (ваф. 333/944-5 й.) ва Абу Наср Аҳмад ибн Аббос Иёдий (IV/X аср) ҳанафийлик анъаналарини Абу Сулаймон Жузжонийнинг шогирди Абу Бақр Аҳмад ибн Исҳоқ Жузжонийдан қабул қилиб олдилар. Абу Наср Иёдий ўзидан кейин 40 та шогирдни қолдирди. Унинг ўғли ва шогирди Абу Аҳмад Иёдий кейинги авлод бўйича Самарқанднинг пешқадам фақиҳи бўлиб қолди. Машхур самарқандлик фақиҳ Исҳоқ ибн Исмоил Ҳаким Самарқандий (ваф. 342/953 й.) балхлик зоҳид фақиҳ Абу Бақр Варроқнинг (ваф. 294/905-06 й.) издошларидан эди. Балхнинг пешқадам фақиҳлари – Абу Бақр Искоф (ваф. 336/947-48 й.), Абу-л-Қосим Саффор (ваф. 336/948 й.) ва Абу Бақр Аъмашларнинг (ваф. 328/939-40 й.) шогирди Абу Жаъфар Мухаммад ибн Абдуллоҳ Ҳиндувонийнинг Самарқанд фақиҳларига кўрсатган таъсирини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳиндувонийнинг шогирдлари Абу-л-Лайс Наср ибн Мухаммад Самарқандий (ваф. 373/983-84 й.) ва Мухаммад ибн Мансур Навқадийлар (IV/X аср) Мовароуннаҳр фиқҳининг қоидаларини ишлаб чиқиша мухим рол ўйнадилар. Самарқандда яшаш учун Балхдан Мухаммад ибн Фадл Балхий (ваф. 319/931 й.) ва Аҳмад ибн Саҳл Балхий (ваф. 340/951-52 й.) кўучиб келдилар. Аҳмад ибн Саҳл Балхийнинг авлодлари Самарқандда яшаб, фикх илми бўйича катта илмий мерос қолдирганлар.

Бухоро фақиҳлари илмий мероси

Бухоро аҳлидан 33 киши Абу Ҳанифанинг асҳоблари сафларида аталадилар. Улар орасида Шарик ибн Абд Аллоҳ Нахайӣ, Мухаммад ибн Қосим Асадий, Абу Ҳафс Кабир Бухорийнинг устози Мухаммад ибн Фадл

ибн Атийя, Исо ибн Мусо Ғунжор Бухорийнинг устози Муҳаммад ибн Саллом Пайкандий, Исҳоқ ибн Мужоҳид Ҳанзалий, Абу Абдуллоҳ Исҳоқ ибн Бишр Бухорий, Абу Ҳанифа номи билан машҳур бўлган Усмон ибн Ҳумайд каби йирик фақиҳлар бор. Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг шогирди Абу Ҳафс Аҳмад ибн Ҳафс Бухорий (ваф. 217/832 й.) Бухоро ҳанафийлик мактабининг асосчиси. У Абу Ҳафс Кабир номи билан танилган. Абу Бақр Муҳаммад ибн Фадл Бухорийнинг (ваф. 381/991 й.) шогирди Абу Жаъфар Уструшаний (ваф. 404/1013-14 й.) Бағдод ҳанафийлар мактабининг намояндаси Абу Бақр Аҳмад ибн Али Бақр Аҳмад ибн Али Розий Жассоснинг (ваф. 370/981 й.) қўлида таълим олган. Икки йирик балхлик фақиҳнинг ноиблари ҳам Бухоро билан боғлиқ. Ҳоким Шаҳид номи билан машҳур Муҳаммад ибн Муҳаммад Марвазий Балхий (ваф. 334/945 й.) Сомонийларнинг давлат хизматида бўлган, Абу Жаъфар Ҳиндувоний эса бухоролик фақиҳлар билан мунозара қилиш учун келган.

Шунингдек, Абу Ҳанифа шогирд ва асҳоблари сафида 8 хоразмлик, 3 термизлик, 1 тадан кешлик ва сағониёнлик фақиҳлар эслатилади.

Бухоро ҳанафийлари Бағдод тарафидан кўпроқ таъсир сезган бўлсалар, Самарқанд ҳанафийлари Балх таъсири остида бўлдилар.

Иккинчи табақадаги ҳанафийларнинг намояндалари – Абу Ҳафс Бухорий ва Абу Сулаймон Жузжонийлар Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг 6 китоби – «Китоб ал-мабсут», «ал-Жоми‘ ас-сағир», «ал-Жоми‘ ал-кабир», «Китоб ас-сийар ал-кабир», «Китоб ас-сийар ас-сағир» ва «аз-Зиёдот» асарларини Ироқдан Хуросон ва Мовароуннаҳрга олиб келдилар. Мазҳабнинг «асоси» бўлмиш «Китоб ал-мабсут» икки нусхада мавжуд эди: Абу Ҳафс нусхаси бухоролик фақиҳлар томонидан ривоят қилинган, Абу Сулаймон нусхаси эса балхлик ва самарқандлик фақиҳлар томонидан ривоят қилинган.

Шайбонийнинг бу олти китобларида мазҳабнинг асосий вакиллари Абу Ҳанифа, Абу Юсуф ва Мухаммад Шайбоний асосий ҳукукий таълимотлари баён қилинган. Абу Ҳафс Бухорий ва Абу Сулаймон Жузжонийлар «Китоб ан-наводир»ни ёзиб олдилар. Бу асарда улар мазҳаб асосчиларининг Шайбоний б китобига кирмай қолган фатволарини тўпладилар.

Мовароуннахрда кейинчалик фиқхнинг ривожлашида Ҳоким Шаҳиднинг асарлари маълум аҳамиятга эга бўлди. У Шайбонийнинг катта ҳажмдаги «Китоб ал-мабсут» асарини «Китоб ал-кофи» ва «Китоб ал-мунтақи» номли бўлимларга бўлди.

III-IV/IX-X асрлар чегараларида балхлик фақиҳлар томонидан фуру‘ ал-фиқҳ масалалари бўйича мазҳабнинг асосий намояндалари билдирган фикрлар орасидаги зиддиятлар кўриб чиқилди. Натижада Абу-л-Қосим Саффор Балхийнинг «Китоб муҳталиф ар-ривоя» асари вужудга келди.

Кафавийнинг асосий эътибори фақиҳларнинг фуру ал-фиқҳ масалалари бўйича чиқарган фатволарига қаратилган. У 19 бухоролик ва 16 самарқандлик илк давр қонуншуносларнинг 135 та фатволарини келтиради. Бу фатволарнинг кўпчилиги кейинги давр мовароуннахрлик муаллифларнинг асарларидан чиқариб олинган. Кафавий IV/X асрда яшаган Зандавистийнинг «Равдат ал-‘уламо» асаридан фойдаланган.

4. Бурҳониддин Марғиноний ва унинг “Ҳидоя” асари

Ўрта Осиёлик фақиҳларнинг ҳар бири ўз илмий услуби ва яшаган даври шароитига қараб ислом ҳуқуки, айниқса, ҳанафий мазҳаби ривожига ҳисса қўшган асарлар қолдиргандар. Улар орасида Бурҳониддин Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ихчамлиги, мукаммалиги, ҳанафий мазҳабини бошқа суннийлик мазҳаблари

билан қиёсий услубда ўрганиб, ҳар томонлама ёритганлиги учун назарий ва амалий аҳамият касб этади.

«Ҳидоя» китоби саккиз асрдан буён ҳанафий мазҳаби бўйича муҳим қўлланма сифатида мусулмон мамлакатлари мадрасалари ва ўкув юртларида ўқитилмоқда. Асарга машҳур факиҳлар томонидан 60 дан ортиқ шархлар ва ҳошиялар ёзилган. Шунингдек, «Ҳидоя» форс, инглиз ва рус тилларига таржима қилинган.

Фиқҳ илмининг аҳамиятини чуқур тушунган Бурҳониддин Марғиноний ўз фарзандларини ҳам ушбу соҳада тарбиялаб камолга етказди. Унинг ўғли Имодуддин ибн Бурҳониддин Марғиноний етук фақиҳ ва шоир бўлган. Шогирди Умар Низомуддин ибн Бурҳониддин Фарғоний «ал-Фавоид» ва «Жавоҳирул-фиқҳ» номли асарларни яратган. Муҳаммад Абулфатҳ Жалолуддин Фарғоний, Марғинонийнинг невараси Абулфатҳ Зайнуддин Абдурраҳим ибн Имодуддин Фарғонийлар унинг фолиятини давом эттирганлар. Марғиноний қуидаги асарларни яратган:

- 1. «Нашрул-мазҳаб».**
- 2. «Китобу таносикил-хос»** (Маносиқул-ҳаж).
- 3. «Китоб фил-фароиз»** (Мерос бўйича китоб).
- 4. «Ат-Тажнийсу вал-мазийд»** (Иккита фатволар мажмуаси).
- 5. «Мухторотун-навозил»** (Мажмуъуннавозил).
- 6. «Мазийдун фи фуруъил-ҳанафия».**
- 7. Имом аш-Шайбонийнинг муҳим асари бўлмиш «ал-Жомиъ ал-кабийр»нинг шархи.**
- 8. «Бидоятул-мубтадий».**
- 9. «Кифоятул-мунтаҳий».**
- 10. «ал-Ҳидоя фил фуруъ.**

Муаллиф «Бидоятул-мубтадий»ни Абулҳасан ибн Аҳмад ибн Муҳаммад Кудурийнинг «ал-Муҳтасар» ва Муҳаммад ибн Ҳасан Шайбонийнинг «Жомиъ ас-сағир» асарларига асосланиб, қисқартирилган фиқҳ китоби си-

фатида ёзган. Ундаги масалаларни тартибга солишда аш-Шайбоний услубидан фойдаланган.

Муаллиф «Бидоятул-мубтадий» муқаддимасида уни шархлаш ниятида эканлигини айтади. Буни амалга ошириш мақсадида, асарнинг ниҳоятда қисқалигини назарда тутган холда, унинг устидан 8 жилдлик катта шарҳ ёзиб, уни «Кифоятулмунтаҳий» (Якунловчиларни қониқтирувчи китоб) деб атади.

«Хидоя» муаллифи ниҳоятда муҳим ва мунозарали масалаларни ёритмоқчи бўлганда сахобалар, мазҳаблар асосчилари, буюк факиҳлар исмлари, жўғрофий ва тарихий жойлар, турли тоифа ва қабилалар номларини зикр этади. «Хидоя»нинг биринчи қисмида 50 дан ортиқ сахоба ва тобеинлар исмлари, 12та тоифа ва уруғлар номлари, 55та географик ва тарихий жойлар номини кўрсатиб, уларнинг ҳар бири ҳақида қисқача маълумот бериб ўтган. Марғиноний ўз асарида 90 дан ортиқ буюк факиҳлар, имомлар, мужтаҳидлар, жумладан, машҳур сахобалар ва муҳаддислар исмларини ҳамда уларга тегишли бўлган маълумотларни зикр этади.

Бурҳониддин Марғиноний «Хидоя» асарини ўзига хос услугда яратди. Унинг ҳар бир ибораси ниҳоятда қисқа ва мухтасар, фикхий хукмларни ифодаловчи жумлаларнинг ҳар бири бир умумий қоида шаклида берилади, иборалар қисқа ва кенгқамровли, жумлаларнинг таркиби қоидали.

У дастлаб Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбонийнинг фикрини, сўнгра далилини келтиради, ундан кейин Абу Ҳанифанинг назарини зикр этиб, унинг далилини ҳар иккаласи учун жавоб бўладиган тарзда изоҳлаб ўтади. «Хидоя» асарининг яна бир хусусияти шундан иборатки, унда «илмулхилоф» орқали белгилаб берилган қоидалар кенг кўламда назарда тутилади. Чунки Марғиноний ушбу фан соҳасида ҳам катта олим ва мутахассис ҳисобланган.

«Илмулхилоф» фанига биринчи бўлиб аллома Абу Зайд Дабусий асос солган. Бурҳониддин Марғиноний

«Хидоя»да ҳуқуқий муаммоларни ечиш жараёнида фақат асосий мазҳабларгагина эмас, балки зоҳирий ва авзοъий мазҳабларига доир фикрмулоҳазаларни ҳам ўрни келганда текшириб ўтади ва ҳар бири ҳақида ўз нуқтаи назарини билдиради. Ушбу нуқтаи назардан «Хидоя» «илмулхилоф»ни кенг кўламда ўрганиш учун ҳам муҳим ва эътиборли манба ҳисобланади. Айни ҳолда уни охирги даврда янги бир фан сифатида юзага келган «**қиёсий ҳуқуқ**»нинг ўзига хос бир шакли деб қараш мумкин.

Марғиноний фиқҳий нуқтаи назардан, ҳуқуқий масалаларни изоҳлаш жараёнида, уларнинг машруъ (конуний) ёки номашруъ (ғайриконуний) эканлигини нақлий далиллардан кейин, ақлий далиллар билан ёритиб ўтади. Ушбу нуқтаи назардан «Хидоя»ни ислом ҳуқуқи фалсафаси ва кейинги даврларда кенг ривожланган «хуқуқ фалсафаси» фанининг манбаларидан бири деб қабул қилиш мумкин.

5. “Хидоя” асарининг шарҳлари, қўлёзма нусхалари ва нашрлари.

Бурҳониддин Марғиноний ёзган тўрт жилдлик «Хидоя» китоби суннийликдаги ҳанафий мазҳаби бўйича муҳим ва мукаммал ҳуқуқий кодекс сифатида 55 дан ортиқ китоб, юздан ортиқ боб ва фаслдан таркиб топган.

Бурҳониддин Марғиноний мерос ҳуқуқини ўз китобига киритмаган, чунки Абу Ҳанифа мерос муаммоларни алоҳида фан сифатида фиқҳий боблардан ажратиб, уни «**Фароиз**» деб атаган.

«Хидоя»нинг биринчи жилди таҳорат ва амалий ибодатлар (намоз, рўза, закот ва ҳаж)га, иккинчи жилди оила ҳуқуки, қул сақлаш муаммолари, ҳудуд жазолари, ҳалқаро ҳуқуқ меъёрлари, ширкатчилик, ислом ҳуқуқига хос бўлган вақф ҳуқуқи каби масалаларга, учинчи жилди муомалот турлари (фуқаролик ҳуқуқи), суд, суд жараёни, тўртинчи жилди эса, экинчилик ва ер муаммолари, жиноят турлари, гувоҳлик ва бошқа кўплаб мавзуларга бағишлиланган.

«Ҳидоя» Шарқий Ҳиндистон ширкати тасарруфидаги Бенгалия вилояти маҳкамалари учун 1190/1776 йил Фулом Яҳёхон томонидан форс тилига таржима қилинади. Ушбу таржима 1221/1807 йил Калкутта шаҳрида чоп этилган. «Ҳидоя» биринчи марта Чарльс Хамелтон таржимаси асосида инглиз тилида 1791 йил Лондонда нашр этилган. Ушбу 4 жилдлик таржима жуда қиммат ва ноёб бўлгани учун 1870 йил С.Г.Гарийнинг назорати остида янги бир жилдлик ҳолда чоп этилган. Охирги марта инглизча таржимаси 1982 йил Лоҳурда босмадан чиққан.

Н.И.Гродеков «Ҳидоя»ни инглизча таржимасидан рус тилига ўғирган ва у 1893 йил Тошкентда нашрдан чиққан.

Олмониялик олим Экарт Шийвак тўплаган маълумотларга кўра, «Ҳидоя»нинг машхур нашрлари куйидагилардан иборат: арабча асл матни 1818 йил Калкуттада, сўнгра Бомбей, Лакну, Кавнпур, Дехлида чоп этилган. XIX асрда Қоҳирада, шу асрнинг охирида (1888 йил) Қозон шаҳрида босилган. Унинг танқидий матни 1908,1980 йиллари Қоҳира шаҳрида нашр этилган.

«Ҳидоя» араб тилидан ўзбек тилига таниқли олим Салоҳиддин Мухиддинов раҳбарлигига бир гурӯҳ ёш олимлар томонидан таржима қилиниб, унинг биринчи жилди 2000 йил «Адолат» нашриётида босмадан чиқарилди.

Шайх Абдулқодир ибн Муҳаммад Қураший Мисрий (ваф. 775/1375 й.) «Ҳидоя» китобида келтирилган ҳадисларни таҳриж қилиб «ал-Иноя би-маърифати аҳодисил-Ҳидоя» деб атаган. Шунингдек, Шайх Алоуддин «ал-Кифоя фи маърифати аҳодисил-Ҳидоя» номли китобида, Шайх Жамолиддин Абдулло ибн Юсуф Зайлаъий «Насбур-роя ли аҳодисил-Ҳидоя» номли китобида мазкур ҳадисларнинг саҳиҳлигини кўрсатиб берганлар. Охирги асарни Ибн Ҳажар Асқалоний қисқартириб, «ад-Дироя фи муNTAXаби аҳодисил-Ҳидоя» деб атаган.

Иккинчи Садруш-шария лақаби билан машхур бўлган Убайдулло ибн Масъуд бобоси Тожушширия ёзган «Викоятур-ривоя»ни араб тилида шарҳлаб, уни «Шархулвиқоя» деб атади. «Викоятур-ривоя» китобини ўзлаштириб олишга қурби етмаётганлар учун «ан-Нуқоя» (қисқача баён) ёки «Мухтасарул-Викоя» шархи ёзилди. Шунингдек, Садрушширия Иккинчи фиқҳ усуллари бўйича «атТанких» (Сўзни покизалаш, бир хос мавзуга тааллуқли хукмни умумийлаштириш) номли асар ёзди, сўнгра уни шарҳлаб «ат-Тавзих» деб атади.

«Хидоя» ва унинг қисқартмаси «ал-Викоя»даги жуда кўп масалалар ичидаги энг асосий ва энг ҳаётийларини танлаб олиб, мўъжаз шаклда ўз китобига киритган, уларни жуда содда ва тушунарли ифодалашга муваффақ бўлган.

«Мухтасарул-Викоя» кичик ҳажмли бўлишига қарамай, у ислом ҳукуқининг асосий масалаларини ўзлаштиришга тўлиқ имкон беради. Шу сабабли машхур ҳукуқшунос олимлар томонидан араб, турк ва форс тилларида унга бағишлиб кўп шарҳлар ва ҳошиялар ёзилган.

«Мухтасар» асарига Аҳмад ибн Муҳаммад Шаманий, Ибн Айний Ҳанафий, Абдулвоҳид ибн Муҳаммад, Алоуддин Али ибн Муҳаммад, Ибн Кутлубуғо Ҳанафий, Маҳмуд ибн Илёс Румий, Шамсуддин Муҳаммад Қуҳистоний, Али Қорий, Абулмакорим ибн Абдулло ибн Муҳаммад, Нуриддин Абдурраҳмон ибн Аҳмад Жомий каби фақиҳлар шарҳ ёзганлар.

XV асрда Шамсаддин Аҳмад ибн Ҳамза турк тилида “Хидоя” га ҳошия ёзган ва Аҳмад ибн Муҳаммад Кирмоний турк тилига шеърий таржима қилган.

«Мухтасарул-Викоя» форс тилига самарқандлик олим Жалолуддин Маҳмуд ибн Абу Бакр Самарқандий Гўрмирий томонидан таржима қилинган.

«Шархи Гўрмирий» номи билан шуҳрат топган бу китоб 1864 йил Ҳиндистондаги Лакнаҳуда ва кейинроқ

Нулкишур босмахоналарида, шунингдек 1900 йили Тошкентда нашр этилган.

«Мухтасарул-Викоя»нинг арабча матни форсча таржимаси билан 1901 йилда Тошкент шахридаги О.А.Порцов босмахонасида чоп этилган. Бу китоб домла Шамсий Охунд ибн Ниёз Мұхаммад томонидан Эшон Тиллохўжа илтимосига биноан, таржима қилинганды.

Китобнинг энг муҳим шарҳларидан бири бўлмиш Али ал-Қорининг арабча шарҳи 1901 йил Олимжон ибн Муҳаммаджон алБорудий томонидан Қозон университети матбасида нашр қилинганды.

«Мухтасарул-виқоя» ўзбек тилида тошкентлик фиқхшунос олим Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа томонидан «Мажмаул-Мақсуд» номи билан таржима қилинганды.

«Мухтасарул-виқоя»нинг арабча матни 1991 йили «Мовароуннахр» нашриёти томонидан Тошкент шахрида нашр этилган. «Мажмаул-Мақсуд»нинг биринчи жилди 1996 йил Маҳмуд Ҳасаний томонидан чоп этилган.

Фойдаланадиган манба ва адабиётлар рўйхати:

1. Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя фи-л-фуруъ. Тошкент ислом университети Манбалар хазинаси, кўлёзма №154.
2. Бурхониддин Марғиноний. Ҳидоя.т.1.-Т.: “Адолат”, 2000.
3. Жузжоний А. Марғиноний ва унинг издошлари. ТИУ нашриёти, 2000.
4. Исҳоқов С. Бурхонуддин Марғиноний ва фиқҳ илми. – Т.: “Адолат”, 2000.
5. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари ва унга ёзилган шарҳлар. –Т.: 2000.

6. Мақсұдхұја ибн Мансурхұја. Мажмағ ул-Мақсұд ёки “Мұхтасар ул-Виқоя”нинг ўзбекча шарҳи. – Т. 1. –Т.: 1996.

7. Мұхтасар. –Т.: Чўлпон, 1995.

Мағзуни мұстаҳкамлаш учун бериладиган саволлар:

1. Фиқх илми ҳақида нималар биласиз?
2. Фақиҳлар кимлар, факих юртдошларимиздан ким-ларни биласиз?
3. Мовароуннахрдаги фиқх илмининг хусусиятлари?
4. Бурхониддин Марғиноний ҳаёти ва фиқхий мероси ҳақида гапириб беринг?
5. “Хидоя” қандай асар?
6. “Виқояту- р- ривоя» асари ҳақида нималарни биласиз?
7. “Мажмағ ул-Мақсұд ёки “Мұхтасар ул-Виқоя”нинг ўзбекча шарҳи” ҳақида гапириб беринг.

9-мавзу: Тасаввуф манбаларининг исломшуносликдаги ўрни

1. Тасаввуф таълимотининг шаклланиши
2. Тасаввуф истилоҳининг манбашунослик таърифи.
3. Тасаввуф тариқатлари: нақшбандия, яссавия, кубровия.
4. Тасаввуф тариқатлари манбалари.
5. Тасаввуфга оид адабиётлар таҳлили.

Мавзунинг ўқув мақсади: тасаввуф, тариқатлар, Мовароуннахрлик йирик мутасаввифлар, тариқат эгалиари, тасаввуф манбалари ҳақида маълумот бериш.

Таянч иборалар: тасаввуф, суфий, мутасаввиф, тариқат, муршид, мурид, Яссавийя, Кубровийя, Нақшбандийя, валийлик, оламнинг яратилиши, тавба, зухд, риёзат-мужоҳада.

1. Тасаввуф таълимотининг шаклланиши.

Тасаввуф – исломдаги мистикаскетик оқим ҳисобланниб, мистицизм, мистика атамалари қадимий юонон тилдаги *mystikos* – «яширин», «сирли» сўзидан олинган, илоҳиёт билан бевосита мулоқот қилиш мумкинлиги ҳақидаги таълимот. Бу таълимот инсоннинг Худо билан ақл ва ҳиссиётдан юкори бўлган сирли алоқаси бўлиб, унинг натижасида инсонда Худони билиш ҳосил бўлади. Қадимий шарқ ва юонон динларида ҳам инсонни ғайритабиий кучлар билан боғлайдиган урф-одатлар (мистериялар) – мистицизм элементлари бор эди. Яккахудолик динларининг барчасида мистицизмга хос унсурлар мавжуд. Ҳаётнинг барча соҳалари диний эътиқод билан боғлиқ бўлган ўрта асрларда унинг роли катта бўлди.

Ўрта асрларда христианликда мистицизмнинг икки – ортодоксалчкерков мистицизми ва еретик мистицизм шакллари мавжуд эди. Биринчисига кўра, инсон бутунлай Худонинг ҳукмига бўйсунган бўлиб, унинг хоҳишига қараб унга етишиши мумкин бўлса, иккинчисининг таълимотига кўра, инсон ўз ҳаракатлари билан ҳам Худога етишиши мумкин, дейилади.

Тасаввуфнинг келиб чиқишига оид жуда кўп карашлар мавжуд. Бу борада тасаввуфнинг тарихини ўрганган гурухлар турли фаразларни билдирадилар.

Куръони карим, ҳадиси шарифда ҳам «тасаввуф» сўзи бирор марта зикр қилинмагани уни исломий илм эмаслигига далил бўла олмайди.

Тасаввуф таълимоти билан шуғулланган уламолар тасаввуфни сунний ва фалсафийга бўлганлар.

Фалсафий тасаввуфни барча йўналиш аҳллари қоралайдилар ва инкор қиласидилар, Куръон ва суннатга асосланган сунний тасаввуфни қувватлайдилар.

Фалсафий тасаввуф кейинчалик пайдо бўлиб, турли фалсафалар таъсири остида исломга ёт бўлган фикр ва эътиқодларни олға сурган. Бундай тасаввуфнинг кўзга кўринган намояндлари Мухийиддин ибн Арабий, Мансур Халлож ва бошқалар бўлиб, улар ваҳдатул-вужуд, хулул вал-иттиҳод каби фалсафаларни ўртага ташлаб, катта ихтилофларга сабаб бўлганлар.

Тасаввуф, суфий ёки мутасаввиф сўзларининг келиб чиқиши ҳақида турлича фикрлар мавжуд. Суфийлик муаллифлари кўпинча унинг келиб чиқишини «свиф» («соф бўлмоқ») ўзагидан ёки «ахл ас-суффа» (Пайғамбарнинг Мадинадаги уйи яқинидаги сүффага йиғилувчи зоҳид кишилар)га тегишли деб таъкидлайдилар. Фарбий Европа тадқиқотчилари то XX асрга қадар унинг келиб чиқишини юононча – «ҳикмат» (sophia) сўзидан келиб чиқкан деган фикрга мойил бўлишган. Умар Фарид Кам (1861-1944) «Ваҳдати вужуд» асарида, Шамсиддин Со-

мий (1850-1905) эса «Қомуси туркий» асарининг «тасаввұф» ва «суфий» моддаларида ушбу фикрни ёқлайдилар. Шайх Саффет Йеткин ҳам шу нұктаи назарни ҳимоя қиласы. Ислом Ҳақый Измирлик эса бу фикрни рад этиб, зохидлик йүлиға сулук солған кишиларнинг «суфия» исми билан машхұр бўлиши юончада асарларнинг таржима қилиниши ва фалсафанинг мусулмонлар орасида тарқалишидан аввал содир бўлган, деган далилларни илгари суради ва «суфий» сўзининг юон тилидан олинган лигига қарши чиқади. Эндиликда бу сўзининг «суф» (жун чопон) сўзидан келиб чиққанлиги ҳақидаги ўрга аср мусулмон олимлари таъкидлаган фикр умумқабул қилинган фикр хисобланади. Чунки суфийларнинг асосий белгилари уларнинг дағал жундан кийим кийишлари эди. Шимолий Арабистон ва Сурияда христианликнинг турли секталарига мансуб жаҳонгашта монах ва анахоретлар «суфий» деб аталар эди, деган маълумотлар ҳам бор.

2. Тасаввұф истилоҳининг манбашунослик таърифи.

Ислом манбашунослиги асарларида тасаввұф атамасында турли таъриф берилген.

Маъруф Кархий (ваф. 200/815 й.) «Тасаввұф – ҳақиқатларни қабул этмоқ, инсонларнинг күлларидаги нарсаларга күнгил боғламаслиқдир», Сирри Сақатий (ваф. 251/865 й.) «Тасаввұф гўзал ахлоқдир», «Тасаввұф уч маъненинг ўз ичиға олган атамадир: а) маърифатнинг нури вараънинг нурини сўндиримайди; б) ботин илмига оид бирор сўзни китоб ва суннатга қарши ишлатмайди; в) қароматларни, сирларни, Аллоҳ билан ўзининг орасидаги хос сирларни элга билдиримайди»,

Жунайд Бағдодий (ваф. 298/910 й.) «Тасаввұф – Ҳақнинг сендағы «сен»ни ўлдириши ва сени Ўзининг наездіда тирилтиришидир».

Абу Амр Ислом ибн Нужайд (ваф. 366/976 й.) «Тасаввұф – амр ва наҳй остида сабр қилмоқдир».

Абу Сайд ибн Абил Хайр (ваф. 440/1048 й.) «Тасаввуф – ақлингдаги барча ўй-хаёлларни тарк этишинг, кўлингдаги нарсаларни эҳсон килишинг ва сенга рўпара келган воқеа-ҳодисалардан оҳ-воҳ чекмаслигингдир»,

Абул Ҳафс ал-Ҳаддод (ваф. 270/883 й.) дейди: «Тасаввуф – батамом одобдан иборат»,

Абул Ҳусайн Нурий (ваф. 295/ 907 й.) «Тасаввуф – нафснинг барча истакларини ва завқларини тарк этмоқдир»,

Рувайм (ваф. 303/ 915 й.) «Тасаввуф – нафсни Аллоҳнинг муородига тарк этмоқдир. Тасаввуф уч хислат узра қурилган: факт ва ифтикорга ёпишмоқ, Аллоҳ йўлида мол-мулкингни аямай сарфлаб, ўзгани ўзингдан устун тутмок, (ўзидан кўра кўпроқ бошқани ўйламоқ), таарруз – (шиддат кўрсатиш) ва ихтиёрни тарк этмоқдир»,

Ином Фаззолий (ваф. 505/1111 й.) «Тасаввуф – қални фақатгина Аллоҳга йуналтириб, мосиво – Аллоҳдан бошқа барча нарсалардан буткул алоқани узишдир»,

Ибн Халдун (ваф. 808/1406 й.) «Тасаввуф – ибодатда астойдил давом этмоқ, Аллоҳга йўналмок, дунёнинг безак ва ёлғончилигидан юз ўгиromoқ, кўпчилик эътибор берадиган завқ, мол-дунё ва шон-шуҳратдан ҳам юз ўгириш, ибодат учун халқдан айрилиб, хилватга киришдир»,

Абдулбори Надвий «Тасаввуф – руҳни баданий фонийликлардан поклаб, безаш ва ботиний сифатларида жаноби Пайғамбаримизга эргашишни ўргатувчи илмдир»,

Абдулҳаким Арвосий «Тасаввуф – шариатнинг ботинидир», деган фикрларни билдирганлар.

Демак, ҳар бир мутасаввиф тасаввуфни ўз дунёқарашига мувофиқ тарзда таърифлаган. Чунки тасаввуф ҳар бир суфийнинг ички оламидаги руҳий жараён бўлиб, ёлғиз яшаш тарзи ва ҳиссиётига тааллукли фардий бир соҳа. Шу боис ҳар бир суфий ўзининг ҳол ва мақомига кўра тасаввуфнинг маълум жиҳатини баён этганки, бир суфийнинг тасаввуф ҳақидаги таърифи бошқасиникидан фарқли бўлишига олиб келган. Таърифларнинг фарқли

бўлиши, суфийларнинг маънавий мартабалари, табиатидаги фарқлар туфайли ҳам юзага келади. Сиртдан бирбиридан фарқли кўринган бу таърифлар диккат билан текширилса, ҳар бири тасаввубуни тўғри изоҳланганлиги ва бу таътифларнинг муштараклиги равшан кўринади. Мазкур таътифлардаги умумий муштарак хусусиятлар кўйидагилардир: а) дунёдан юз ўгириб, қалбни Аллоҳга йуналтириш; б) Куръон ва суннат кўрсатган йўлда астойдил ибодат қилиб, руҳиятни софлаш: в) ибодат, зикр, тафаккур, риёзат ва мужоҳада орқали нафснинг орзуларини назорат остига олиш: г) ҳақиқат билимини қўлга киритиб, Аллоҳга етишмок учун гайрат кўрсатиш.

Илм йўналиши сифатида умумий таътифлаганда, «Тасаввуб – инсон қалбидаги ёмон сифатлардан халос бўлиш чораларини ўргатувчи, қалбдаги эзгу сифатлар ва уларни қўлга киритиши йўлларини кўрсатувчи, маънавий мартабаларни босиб ўтиб, энг юксак мартаба бўлмиш «комил инсон» мақомига эришмок қоидаларини ўргатувчи ва ниҳоят, тавҳид сирларини баён этувчи бир илм» дейиш мумкин.

Тасаввубуфнинг манбалардаги талқинига кўра, баъзи мусулмонлар калом ва мантиқ илмларидағи турли кўринишдаги тортишувлардан, қуруқ баҳслардан ўз қалбларини сақлаб, Аллоҳ таолонинг муҳаббати йўлида зуҳд ва тақвони ўзларига касб қилиб олдилар. Уларга «суфий» деб ном берилди. Ислом динида биринчи суфийномини Абу Ҳошим Шомий (ваф. 776-77 й.), тасаввубуф усулига биринчи марта шарҳ берган киши Имом Моликнинг шогирди Зуннун ал-Мисрий (ваф. 869-70 й.), минбардан туриб биринчи маротаба тасаввубуфга чакирган киши Абу Бакр Шиблий (ваф. 945-46 й.), тасаввубуф усулини кенгайтириб тартибга солган киши Жунайд Бағдодий (ваф. 1007-08 й.) эдилар. Аёллардан биринчи суфий бўлган киши Робиъа Адавия (ваф. 752-53 й.) хисобланади. Умуман олганда, тасаввубуфнинг ривожланиш йўли ислом тарихининг ажралмас бир бўлгадидир.

3. Тасаввуф тариқатлари: яссавия, қубровия, нақшбандия.

Тасаввуф тариқатлари ҳақида ҳозирги кунга қадар кўплаб асарлар яратилган. Улар мазмун-моҳиятига, кўзланган мақсадига кўра кенгқамровли тасаввуф ил-мининг турли жиҳатларини ёритишга қаратилган. Жумладан, Абдурахмон Жомий “Нафаҳоту-л-унс”, Алишер Навоий ўзининг «Насойим ул-маҳабба мин шамойим ул-футувва» асарида тасаввуф шайхлари ҳақида батафсил маълумотлар берганлар. Жаҳон тасаввуф тариқатларидан энг машҳурларининг асосчилари ҳисобланган Нажмиддин Кубро, Аҳмад Яссавий ва Баҳовуддин Нақшбанд Мовароуннаҳр худудида туғилиб, мазкур илмнинг ривожига катта таъсир кўрсатган.

Нақшбандия тариқати. Унинг иккинчи номи Хўжагон йўналиши бўлиб, халқ орасида кенг тарқалган. Бу оқимга Хожа Юсуф Ҳамадонийнинг машҳур шогирди Хожа Абдулҳолик Фиждувоний (ваф. 1179 ёки 1220 й.) муршидлик қилган. Кейинчалик бу йўналишни Хожа Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) давом эттирган ва Нақшбандия тариқати номи билан бутун ислом оламига тарқала бошлаган.

Нақшбандия Осиёда ҳам энг кенг тарқалган тасаввуф тариқатларидан саналади. Тариқат асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд Бухоро яқинидаги Қасри Орифон қишлоғида дунёга келди. Уни ўшлигига Хожагон тариқати шайхларидан Мұхаммад Бобойи Самосий маънавий фарзандликка қабул қилди. Кейинчалик Самосий унинг тарбиясини Амир Кулолга топширди. Баҳоуддин Нақшбанд Абдулҳолик Фиждувонийдан увайсия йўлида ҳам тарбия топади. У дастлаб Самарқандда яшаб, у ердаги тасаввуф шайхларининг сұхбатларида бўлади ва илм ўрганади. Амир Кулолдан халифаликни олгач, Қосим шайх, Халил ота ва Мавлоно Ориф каби Яссавия шайхларининг хузурида кўйиллар илм олади. Икки маротаба ҳажга бориб келган

Баҳоуддин Нақшбанд ҳаётининг охирги йилларини Бухорда ўтказди. Ислом оламида жуда катта обрў-эътиборга эга бўлган Нақшбанднинг ҳаёти маноқибларга тўла бўлиб, бугунгача унинг ҳаёти ва тариқатини ифодаловчи жуда кўплаб асарлар битилган. Шулардан, Фахруддин Али ибн Ҳусайн Вөъиз Кошифийнинг «Рашаҳот айн ал-ҳаёт» рисоласи Нақшбандия тариқати шайхлари ҳақида кенг маълумот беради. Машойих силсиласига қараганда, бу тариқат бошқа баъзи тариқатлар билан алоқадор эканлиги ва шунга кўра ўша даврда фарқли номлар билан аталгани маълум бўлади. Маълумки, Абу Бакрдан Боязид Бистомийга қадар сиддиқия, Бистомийдан Абдулхолик Ғиждувонийга қадар тайфурия, Ғиждувонийдан Баҳоуддин Нақшбандга қадар хўжагония, Нақшбанддан Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрорга қадар нақшбандия, Хўжа Убайдуллоҳ Аҳрордан Аҳмад Сирҳиндийга қадар нақшбандия-аҳрория, «Мужаддиди алфи сони» номи билан машхур Аҳмад Сирҳиндийдан Шамсиддин Мазҳарга қадар нақшбандия-мужаддидия, Шамсиддин Мазҳардан Мавлоно Холидий Бағдодийга қадар нақшбандия-мазҳария, Холидий Бағдодийдан кейин эса нақшбандия-холидия номлари билан тилга олинган.

Нақшбандия аҳли сунна эътиқодига амал қилувчи тариқат бўлиб, хафий зикрга асосланган. Зоҳирان кўзга ташланадиган хатти-ҳаракатлардан йироқ суҳбат ва робита га кучли эътибор беради. Кўпчилик билан қилинадиган нақшбандий зикрга «Хатми хўжагон» дейилади. Бу зикрда тариқатга кирмаганлар қатнашишлари таъқиқланади. Нақшбандияда тариқатга кирган дарвиш доимо тавбада бўлиш, суннатга қатъий амал қилиш, бидъатлардан қочиш, ҳаётий қулайликлардан воз кечиб, тақвони кучайтириш, зулм ва ноҳақлик қилмаслик, карздор бўлмаслик, биронни норози қилмаслик, қазо намозларини адо этиш, Аллоҳни ҳар лаҳзада зикр қилиши лозим.

Нақшбандия тариқати қуидаги тўрт тамойил асоси-га қурилган: 1) шариат билан зоҳирни поклаш; 2) тариқат

билин ботинни поклаш; 3) ҳақиқат билан қурби илохийга эришмок; 4) маърифат билан Аллоҳга эришмоқ.

Бундан ташқари Нақшбандия тарикатига кирган ҳар бир дарвиш риоя қилиши талаб қилинадиган ўн бир асостамойил ҳам бор. Абдулхолик Фиждувоний ишлаб чиқкан бу тамойилларнинг асосийлари қўйидагилардан иборат:

1. Хуш дар дам (ҳар нафасда хушёр бўлиш) – ғафлатга тушмаслик, ҳар лаҳза Аллоҳни эслаш; ҳар нафас олишчиқариш чоғида Аллоҳни зикр қилиш, агар ғафлатга тушса, истиғфор айтиш;

2. Назар бар қадам (қадамга назар солиш) – солик қаерда бўлишидан қатъи назар, юраётганида оёқ учига қараб юриши лозим, токи қалб кўзи ва назари бўлмағур манзараларга қарашибдан халос бўлсин. Шунда маънавий сафарда рўпара келадиган таҳликалар тезда ошиб ўтилади. У тамойил камтар бўлиш ва мавжуд ҳолатга шукур килишни ўзида мужассам этади;

3. Сафар дар ватан (ватанда, ўз ерида туриб сафар қилиш) – соликнинг ёмон ахлоқдан яхши хулққа, башарий сифатлардан илохий сифатларга йўналиши. Дарвиш бир муршиди комил топгунга қадар жисмонан саёҳат қилишини билдиради. Нақшбандийлар фикрича, сайру сулук чоғида соликни умидсизликка тушириб, қийинчилик келтириб чиқаргани учун мурид муршиди комил топгач саёҳат қилмаслиги мақсадга мувофиқдир. Бу тамойил сайру сулук мартабаларини босиб ўтишни ўзида мужассам этади;

4. Хилват дар анжуман (жамоат ичидаги туриб яккаланиш) – зохирда халқ билан, ботинан Ҳақ билан бирга бўлиш. Солик моддий борлиғи билан халққа аралашиб, турли башарий ва ижтимоий фаолиятларда қатнашиб, ҳаёт талаб қилаётган амалларни ижро этаётиб, қалбан доимо Аллоҳнинг ҳузурида эканини бир лаҳза бўлса-да, эсдан чиқармаслигидир. Бу ҳол доимий зикр маъносини ҳам билдириб, зикрда эришиладиган энг охирги босқич – мақомдир. Баҳоуддин Нақшбанд Нақшбандиянинг та-

малини «хилват дар анжуман» ташкил этишини таъкидлаган. «Хилватда шухрат бор, шухратда эса оғат бор» дея Нақшбандияда хилватга кўп рағбат кўрсатилмайди. Шу боис бу тариқатда сұхбат ва халқ билан аралашиб, уларнинг дардларига шерик бўлиб, Ҳақ розилиги йўлида халққа хизмат қилиш муҳим ўрин тутади. Нақшбандияда Қуръондаги «Шундай кишилар бордирларки, уларни на тижорат ва на олди-сотди Аллоҳни зикр қилишдан, намозни тўқис адо этишдан ва закотни (ҳақдорларга) ато этишдан машғул қила олмас» (Нур; 24-37) ояти ушбу холга ишора қиласи деб таъкидланади;

5. Ёдкард (эслаш, зикр этиш) – Аллоҳни ёд этиб, бошқа нарсалардан кўнгилни узиш. Нақшбандияда бу зикрнинг усули қуидагичадир: мурид ўзини хузур ичра шайхининг кўнгли рўпарасида тасаввур қилиб, кўзи, оғзини ёпади, тилини танглайига ёпиштириб, тишлари ни бир-бирига жипслаб, нафас олмай, хоксорлик билан қалбан «калима тавҳид»ни зикр қиласи. Бир нафас олиб-чиқаришда уч дафъа зикр этишга уринади ва ҳоказо.

Яссавия тариқати Шайх Аҳмад Яссавий (ваф. 1166-67 й.) ва унинг шогирдлари номи билан боғлиқдир. Аҳмад Яссавий суфийлик тариқатининг тарғиботчиси бўлиш билан бирга шоир ҳам эди. Яссавий ғоялари бир неча ма-ротаба турли таҳрирда нашр этилган «Девони ҳикмат»да жамланган. Унинг фикрича, дунёнинг ноз-неъматларини сўраган киши суфий эмас, балки зуҳд ва тақвони ихтиёр этиб, умрини тоат-ибодатда ҳамда йиги билан ўтказган киши асл суфий ҳисобланади. Унинг «ҳикматлар»и халқ орасида кенг тарқалган.

Тариқат асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий Қозоғистоннинг жанубидаги Чимкент вилояти, Сайрам қишлоғида дунёга келган. Баъзи манбаларга қараганда, у Яssi – ҳозирги Туркистонда таваллуд топган. Ривоятларга кўра, бу ерда у Арслонбоб исмли машхур шайхнинг хайрли дуосини олган. Оддий халқ оммаси англайдиган услубда суфиёна ҳикматлари, шеърлари билан атрофдаги одамларни

хақ йўлга чақиради, уларнинг маънавиятига кучли таъсир кўрсатади. Аҳмад Яссавий ҳаётлигига ёк узок ўлкаларга муридларини жўнатиб, ўз тариқатини кенг тарқатишига ҳаракат қилди. Яссавий риёзат, чилла, зикр ва муҳоҳадага кучли аҳамият бериб, ҳаётининг аксари қисмини чиллахонада ўтказди. Унинг ҳаёти ва кароматлари ҳақида кўплаб маноқиблар сақланиб қолган.

Яссавий тариқатида жаҳрий зикр ижро этилади. Зикр чоғида дарвишнинг томогидан аранинг товуши каби овоз чиққани учун Яссавия зикрига «зикри арра», «зикри миншорий» дейилади. Бу зикр қуидагича ижро этилади: дарвиш икки кўлинни тиззаси устига кўйиб, нафасини қорнига чиқариб «ҳа» деб, яна қорни томонидан нафас олиб бош, бел, елка қимирламаган ҳолда «ҳай» дейди ва зикр шу тарзда давом этади. Зикрнинг 12 зарб тури маълум. Яссавийликда хилватга ҳам катта аҳамият берилади.

Бу тариқатда муҳим ўрин тутган асослар куидагилардан иборат: Аллоҳни таниш (маърифатуллоҳ), мутлак жувонмардлик, ростгўйлик, ўзини Аллоҳга топшириш (таваккул) ва теран тафаккур.

Яссавия тариқати, асосан, сунний эътиқодига амал қилиш билан бирга Хурросон маломатия мактабидан бироз таъсирланганни сабабли, терма маданият асосига эга. Унинг хусусиятлари кейинчалик юзага келган кўплаб тариқатларда акс этган. Аҳмад Яссавийнинг энг машҳур халифаларидан Сулаймон Ҳаким ота Боқирғоний (ваф. 1186 й.), Суфий Муҳаммад Донишманд Зарнуқий ва бошқалар маълум.

Кубровия тариқати. Бу тариқатнинг асосчиси – шайх Нажмиддин Кубро Хивақий (ваф. 1221 й.) бўлиб, тасаввуф тарихидаги энг ёрқин сиймолардан бири. Хивада туғилган. Ёшлигига диний илмларни, айниқса ҳадис илмини пухта эгаллаган. У турли ўлкаларни кезган. Мисрида шайх Рузбихон Мисрий билан танишиб, унга мурид бўлган. Қаттиқ қийинчиликлар натижасида муршидининг ишончига эришиб, унинг қизига уйланган. Бундан ке-

йин у Аммор Ёсирга мурид бўлган, унинг тавсияси билан эса Исмоил Касрий даргоҳига кирган ва у ердан «хирқаи табаррук» кийган. Мисрга – шайхининг ёнига қайтган Кубро, шайхи томонидан ўз ватани Хоразмга иршод ва-зифаси билан жўнатилади. Кубро Хоразмга кўчиб бориб, кубровия-заҳабия тариқатига асос солган. Қисқа вақт ичидага атрофдагиларнинг муҳаббатини қозонди, шогирдлар тарбиялаб, вояга етказди. Чунончи, Фаридиддин Атторнинг устози шайх Нажмиддин Бағдодий билан «Мирсаду-л-ибод» асари муаллифи машхур Нажмуддин Доя Кубро шогирдлари жумласидан. Нажмиддин Кубро мўғуллар билан бўлган жангда ҳалок бўлган.

Ёзган асарлари орасида энг машхури «Усули ашара» рисоласи бўлиб, бу асар барча тариқатларга ўз таъсирини қўрсатган. Исмоил Ҳаққий Бурсавий томонидан унга шарҳ ёзилган. «Фавоиху-л-жамол» асари эса тасаввуф руҳшунослиги (психологияси) мавзусига бағишиланган. Кубронинг асарлари Эрон, Кичик Осиё ва Ҳиндистондаги тариқат муҳитларига кучли таъсир қилишган. Унинг нақшбандия ва мавлавия тариқатларига ҳам таъсири сезилади.

Кубровия кўпроқ Ўрта Осиё, Россия ва Эрон мамлакатларида кенг тарқалган. Кубровиянинг ўзига хос жиҳатлари чордона куриб, жаҳрий зикр қилиш. Унинг тариқат силсиласи Али ибн Аби Толибга бориб уланади. Тариқат асослари «Усули ашара» асарида тавсиф этилган. Баҳоия, хилватия, фирдавсия, нурия, рукния, ҳамадония, нурбахшия, барзанжия каби йўналишлар кубровиянинг машхур шаҳобчалари саналади.

4. Тасаввуф тариқатлари манбалари

Ислом дини замираидаги юзага келиб ривож топган тасаввуфнинг асосини ислом манбалари ташкил этади. Тасаввуфнинг дунёга келишига таъсир кўрсатган ислом манбаларини бир неча моддага бўлиб ўрганиш мақсадга мувофиқ.

а) Оят ва ҳадислар: Ислом тафаккури ва маданияти тамалида Қуръони карим ётади. Ислом маданияти ва тафаккури тизимининг муҳим қисмини ташкил қилувчи тасаввуф таълимотининг тамал асослари Қуръони карим ва ҳадисларга асосланади. Тасаввуф маданиятини ташкил этувчи бош унсурларнинг деярли барчаси Қуръон ва ҳадислардан олинган.

1. Ладун илми: Мутасаввифлар «Биз унга (Ҳизрга) илми ладун бердик». (Қаҳф-18:65) оятига суюниб, зоҳирий илмдан ташқари яна ла-дун илми (ботиний илм) ҳам борлигини қабул қилганлар. Улар сезги ва илҳомга таянадиган билим назарияларини ушбу тамал асосига курганлар. Уларнинг фикрича, Мусо (а.с.)га фаришта орқали юборилган ёки халққа таблиғ этиш учун берилган диний билимлар зоҳирий илм ва шариат илми саналади. Ҳизр (а.с.) га бевосита ва маҳсус берилган диний билимлар эса ладун илми, ҳақиқат илми ёки ботин илми саналади. «Аллоҳдан кўрқинг, Аллоҳ сизга ўргатади» (Бақара - 2:282) оятида Аллоҳнинг амр ва таъкидларига риоя қилиб, тақво узра ҳаракат қилганларга Аллоҳ бевосита илми ладун эҳсон этишига ишора бор. Бундай йўл орқали эгалланган билимга «маърифат» дейилади. Инсон қалбини ойдинлатувчи илҳом ва маърифатга қуидаги ояtlар далиллар: «Биз учун муроҳада этганларга биз йўлимизни кўрсатамиз», «Агар тақво узра бўлсангиз, Аллоҳ сизга бир Фурқон (ва нур) беради» (Анкабут-29:69, Анфол-8:29). Бу ояtlар банда риёзат ва муроҳадалар билан Аллоҳга яқинлашиб, Унинг розилигини топса, Аллоҳ ҳам унга «маърифат», яъни илоҳий даргоҳидан баъзи илоҳий билимлар эҳсон этиш билан жавоб беради, мукофотлайди, деган маънони беради. «Аллоҳ бирор кишини хидоятга эриштирмоқни истаса, қалбини Ислом учун очиб қўяди «(Анъом-6:125) ояти ҳам маърифат илмига эришиш банданинг касбига қараб эмас, балки Аллоҳнинг хоҳиш-иродасига ва лутуфу карамига боғлиқ эканини кўрсатмоқда. «Ахир Аллоҳ

кўксини Ислом учун кенг қилиб қўйган, бас ўзи Парвардигори томонидан бир нур-хидоят устида бўлган киши (куфр зулматларида адашиб-улоқиб юрган кимса билан баробар бўлурми) ?!» (Зумар- 39:22) ояти эса маърифат ва ладун илмига ноил бўлган кишининг ҳақ йўлни топган ва хидоятга эришишини кўрсатади. «Бошқалар қайси йўлда фатво берса бераверсин, сен фатвони қалбингдан сўра, виждонингга қулоқ сол!», «Қалбингни шубҳага солган нарсадан воз кеч, шубҳасизга қара!». «Гуноҳ – қалбда доғ қолдириб, виждонни касал қиласидан иллатдир» сингари ҳадислар инсонни кўнглига қулоқ солишга, Аллоҳ қалбга илҳом қилган туйғуларга эътибор беришга ташвиқ этади.

2. Зикр: Тасаввифий ҳаёт тарзининг асосий унсурларидан бири бўлган зикр кўплаб оят, ҳадислар орқали мусулмонларга буюрилган ва тавсия қилинган. «Парвардигорингизнинг номини (мудом) ёд этинг ва Унга бутунлай берилиб, (чин ихлос билан бандалик қилинг!) « (Муззаммил-73:8), «Эй мўминлар, Аллоҳни кўп зикр қилинглар!» (Аҳзоб- 33:41), «Бас, Мени эсласангиз, Мен ҳам сизларни эслайман ва Менга шукр қилингиз ва Мени инкор қилмангиз! (Бақара-2:152), «Улар кечадан озгина (фурсатгина) кўз юмар эдилар. Ва сахарларда улар (қилган сахву хатолари учун) Парвардигордан мағфират сўрар эдилар « (Ваз-зориёт-51:17,18), «Бас, диллари эслашдан қотиб қолган (яъни Аллоҳни эслашни тарқ қилган) кимсаларга ҳалокат бўлгай!» (Зумар-39:221, «Улар турганда ҳам, ўтирганда ҳам, ётганда ҳам Аллоҳни эслайдилар ҳамда осмонлар ва ернинг яралиши ҳакида тафаккур қилиб (дейдилар): «Парвардигоро, бу (борлик)ни беҳуда яратганинг йўқ! Сен (беҳуда бирон иш қилиш айбидан) поксан! Ўзинг бизни жаҳаннам азобидан асррагил!» (Оли Имрон-3:191) оятлари ва «Парвардигорини зикр қилмаган тирик билан ўлик орасидадир». Бундан ташқари валийлик, оламнинг яратилиши, тавба, зухд, риёзат-мужоҳада тасаввифининг манбаларига киради.

5. Тасаввуфга оид адабиётлар таҳлили

Тасаввуфий-фалсафий асарлар: Тасаввуфий асарларнинг маълум қисми Аллоҳ таолонинг зоти ва сифатлари, махлукотининг яратилиш ва моҳияти, Аллоҳ-инсон муносабати, билим масаласи каби соҳалар, фалсафа ҳамда қалом илмлари шуғулланадиган мавзулардан иборат. Бундай асарларда ҳужжат-далиллар келтириш билан бирга муаллифнинг ҳам фикрлари ўрин олган ва мукошафа илмига кўп аҳамият берилган бўлади. Уларда ақл, нақл, ва илҳом (кашф) муштарак илм чашмаси сифатида қўлланилган бўлиб, кўпроқ илҳомга аҳамият берилади.

Тасаввуф фалсафасининг асосий манбаларини ташкил этувчи бу асарлар Мухиддин Ибн Арабий қаламига мансуб. Мазкур туркумдаги асарлар:

1. «Футухот ал-Маккия». Бу тўрт жилдли асар бўлиб, тасаввуф фалсафасининг энг муҳим манбаларидан бири.
2. «Фусус ал-ҳикам». Тасаввуф фалсафасининг муҳим манбаларидан, унга бир қатор шарҳлар ёзилган.
3. «Тадбирот ал-илоҳийя».
4. «Таназзула ал-мавсилия».
5. Мансур Халлож, «Китобут тавосин».
6. Абдулкарим Жилий, «Ал инсонул комил».
7. Фахриддин Ироқий, «Ламаот».
8. Мавлоно Абдураҳмон Жомий, «Ашиъатул - ламаот».
8. Мавлоно Абдураҳмон Жомий, «Лавоих».

a) Тасаввуф илмини изоҳлаган асарлар:

Бу туркумга кирувчи асарлар тасаввуф илмининг асосий мавзуларини изоҳлаш, уларнинг шаръий асосларини кўрсатиш, тасаввуф ахлоқининг асосларини аниқлаш мақсадида ёзилган. Улар қалом ва фиқҳ илмлари билан боғлиқ ҳолда ривожланган ва машҳурлари қўйидагилар:

1. Калабозий – «Ат таарруф ли мазҳаби аҳлит-тасаввуф».

2. Ҳорис Мұхосибий – «Ар-риоя ли хуқуқиллах».
3. Абу Наср Саррөж Тусий – «Ал-Лумъа фитасаввуф».
4. Абдулкарим Қүшайрий – «Ар-рисола».
5. Али ибн Ұсмон Жұллобий Ҳужвирий – «Кашфул-махжүб».
6. Имом Ғаззолий – «Ихёу улумид- дин».
7. Абдулқодир Жийлоний – «Кунятут-толибин».
8. Ибн Ҳалдун – «Шифо үс-соил ли таҳзибил-масоил».
9. Шаҳобиддин Сұхравардий – «Авориғул-маориф».
10. Абдуллоҳ Ансорий Ҳиравий – «Манозилус-соирин».
11. Имом Раббоний – «Мактубот».

б) «Табақоти суфия» китоблари:

Бу асарлар машхур мұтасаввиғларнинг ҳаёти, фикр-карашлари, тасаввуфий мартабалари, кароматларига бағишланған. Бундай асарларда ровийларга оид хужжат занжирига-силсиласига ўрин берилгандылық билан ҳадис илми ўртасида услубий ўхшашлик мавжуд. Тасаввуф ахлиға намуна ва ўрнак бўлган энг машхур асарлар куйидагилардир:

1. Абдураҳмон Сулламий – «Табақотус-суфия».
2. Калабозий – «Ат-таарруф ли мазҳаби ахлит-тасаввүф».
3. Абу Нуайм Исфаҳоний – «Ҳилятул-авлиё ва табақатул-асфиё» (10 жилдлик катта асар).
4. Абдулкарим Қүшайрий – «Ар-рисола».
5. Ҳужвирий – «Кашфул-махжүб».
6. Абдуллоҳ Ансорий Ҳиравий – «Табақатус-суфия».
7. Фаридуддин Аттор – «Тазкиратул-авлиё».
8. Мавлоно Абдураҳмон Жомий – «Нафаҳотул-унс мин ҳазаротил-құдс».
9. Ибнұл-Жәвзий – «Сифатус-сафва».

Тасаввуф мусулмон Шарқи мамлакатлари ижтимоий ва маънавий ҳаётига чукур кириб борди, фан, маданият

ва адабиёт ривожига катта ижобий таъсир қўрсатди. XI асрдан бошлаб Шарқнинг деярли барча нуфузли шоир ва ёзувчилари, мутафаккир ва олимлари тасаввуфдан озиқланиб, унинг инсонпарварлик ва ҳақсеварлик foяларидан руҳланганлар. Шуни назарда тутиб, атоқли олим Е.Бертелс XX аср бошидаёқ ”Тасаввуф адабиётини ўрганмасдан туриб, ўрта асрлар мусулмон Шарқи маданий ҳаёти ҳақида тасаввурга эга бўлиш мумкин эмас... бу адабиётдан хабардор бўлмасдан Шарқнинг ўзини ҳам англаш қийин”, деган фикрни берган.

Мавзуни тақрорлаш учун бериладиган саволлар:

1. Тасаввуф истилоҳининг маъноси нима?
2. Тасаввуф таълимотининг шаклланиш тарихи.
3. Мовароуннаҳр тасаввуф мактаблари.
4. Мовароуннаҳрлик машҳур мутасаввифлар.
5. Кубровийлик ва унинг манбалари.
6. Яссавийлик тариқати ва «Ҳикматлар» асари.

10-мавзу: Тарихий асарлар – ислом тарихи манбалари сифатида

1. Тарихий асарларнинг ислом тарихини ўрганишдаги аҳамияти.
2. Мовароуннахр муаррихларининг тарихга оид асарлари таснифи.
3. Абу Жаъфар Табарийнинг “Тариху-р-русул ва-л-мулук” китоби.
4. Мирхонд ва унинг «Равзату-с-сафо»асари.
5. Мухаммад Ризо Оғаҳий тарихий асарларининг ислом манбашунослигига тутган ўрни.

Мавзунинг ўқув мақсади: пайғамбарлар тарихи, ислом тарихи манбалари, тарихий асарларнинг таснифи ва турли тарихий жанрларда ёзилган асарлар ҳақида маълумот бериш.

Таянч иборалар: тарихий асар, Абу Жаъфар Табарий, Сийра набавийя, Равзату-с-сафо, муаррих, Тарихи Табарий.

1. Тарихий асарларнинг ислом тарихини ўрганишдаги аҳамияти

Тарихий асарлар ислом манбашунослигига катта аҳамиятга эга бўлган манбалар туркуми саналади. Барча манбалар сингари улар мазмун ва таркиб жиҳатдан анъанавий шаклга эга. Асарнинг кириш қисмига Аллоҳ ҳамди – таҳмид, пайғамбарга наът, тўрт сахоба ёки хулафои рошидин таърифи, ундан сўнг асар бағишланган шахс, ҳомийларга бағишлов мақтов, муаллиф, асар тарихи ҳақида, унинг номи ва асарнинг ихчам мазмуни баён этилади.

Асарнинг охиридаги хотима – колофонда эса, муаллиф асарини тугатиб олгани учун Аллоҳга шукроналар келтириб, мазкур кўлёзма асар ва унинг ушбу нусхаси, кўчирилиш жойи ва тарихи, хаттоти ҳақида маълумот келтирилади. Тарихий асарларда асосий матн настаълик хатида, Қуръони карим оятлари ва ҳадиси шариф намуналари одатда асосий матндан ажратиб, бошқа сиёҳ билан ва кўпинча бошқа ёзув, хат тури билан битилган.

Тарихий асарларнинг нодир кўлёзмалари ўз даври анъаналарига мос равишда одатда чарм муқова – жилдларга олинган, китоб бошланиши унвон, сарлавҳа, зарварак нақшлари билан, матн ўрталарида лавҳа нақшлар ва мўйжаз расмлар билан безатилади.

Араб тилида яратилган тарихий асарлар маълум умумий хусусиятларга эга. Уларда умумий тарихни жаҳон тарихи сифатида талқин қилиш руҳи сезилади.

Муаррихлар тарихий жараёнларни ёритишига қадар ислом манбалари – Қуръони карим, ҳадислар, пайғамбарлар қиссалари, диний ривоятларни яхши ўзлаштирганлар ва мавзу билан боғлиқ воқеаларни келтиришда улардан ўта моҳирона истифода этганлар.

Араб тилидаги энг қадими ёзма манбалар нодир ёзув турларидан куфий, сулс, насх хатларида битилган. XIII – XIV асрлардан сўнг настаълик ёзувининг истеъмолга кириши билан барча манбалар қатори тарихий асарлар ҳам мана шу хатда битилган. Тарихий манбаларнинг ўзига хос хусусиятларидан яна бири уларнинг барчасидаги тарихий воқеалар анъанавий тарзда Одам (а.с.) тарихи билан бошланади ва муаллиф даври воқеалари билан тугалланади. Шу сабабли, тарихий асарларда у ёки бу тарихий воқеаларнинг такрорланиш ҳоллари учрайди. Мазкур тақрорлар айнан бўлмай, балки муаллиф томонидан бошқа манбалардан олинган маълумотлар билан тўлдирилган. Аксарият тарихий асарлар кўлёзмалари ҳажман катта бўлиб, улар асосан кутубхоналар учун китобат қилинган.

Маҳаллий муаррихлар қадимги араб, форс ҳамда қўшни мусулмон мамлакатлари тарихини пухта билганлар, уларга оид манбалар билан яқиндан танишганлар. Бу уларнинг тарихий асарлари таркибига киритилган маълумотларда яққол кўзга ташланади.

2. Мовароуннаҳр муаррихларининг тарихга оид асарлари таснифи

Мовароуннаҳрнинг VII аср охиридан бошлаб, XII аср гача бўлган тарихи кўпроқ араб тилидаги ёзма манбаларда ёритилган ва бу анъана кейинчалик Темурийлар даврида ҳам қисман давом этган. Бу даврда юртимиз аввал араб халифалиги таркибида, сўнгра Сомонийлар, Қораҳонийлар, Фазнавийлар, Хоразмшоҳлар давлатлари сифатида тарихни бошдан кечирди. Араб тилидаги ватанимиз тарихига оид ёзма манбаларни муаллифларнинг келиб чиқишига қараб, икки гурӯхга ажратиш мумкин.

Биринчи гурӯхга юртимиздан чиққан Муҳаммад Мусо Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Маҳмуд Кошғарий, Маҳмуд Замахшарий, Абу Сайд Самъоний, Шаҳобуддин Муҳаммад Нисовий каби тарихчи ва олимларнинг араб тилида ёзилган асарлари киради. Жумладан, Абу Райхон Берунийнинг “Осору-л-боқия” асарида ҳалқимиз қадимги маданияти тўғрисидаги муҳим маълумотлар киритилган.

Иккинчи гурӯх Абулҳасан Мадоиний (ваф. 840 й.), Абу-л-Аббос Яъқубий (IX аср), Абу Бақр Балазурий, Ибн Хурдадбех (820-таксм.913), Абу Жаъфар Табарий (839-923 й.), Исҳоқ Истахрий (850-934 й.) каби шарқ мамлакатлари олимлари қаламига мансуб асарлардан иборат.

Мазкур муаррихлар юртимиз худудини умуммусулмон олами, араб халифалигининг бир қисми сифатида ёритганлар. Улар асосан араб халифалигини араб ва ажамга ажратиб ўргангандар. Араблар томонидан юртимизга берилган ном Мовароуннаҳр – “дарё ортидаги мамлакат” мазмунини билдирувчи жуғрофий ном сифатида бизгача

етиб келган ва асосан араб ва маҳаллий муаллифлар асарларида истифода этилади.

Ватандош олимларимиз томонидан битилган энг муҳим, нодир манбалар:

“Китобу-т-тарих”

Буюк математик Мұхаммад Мусо Хоразмий (VIII аср охири – IX аср биринчи ярми)нинг араб тилида битилган ноёб асари. Олимни Ўрта Осиёлик биринчи тарихчи олим деб аташ мумкин. Асар бизгача мукаммал ҳолида етиб келмаган. Ундан олинган парчаларни кейинчи давр тарихчилари Ибн Надим, Масъудий, Табарий, Ҳамза Исфаҳонийлар ўз асарларида келтирди. Бу китобни Абу Райҳон Беруний ўзининг “Осор ул-боқия” асарида ҳам эслатади. Мазкур асар халифалик тарихига оид маълумотлардан иборат бўлган.

“Китоб сурати-л-арз”

Хоразмий юонон олими Птоломейнинг географияга оид китобини араб тилига таржима қилган ва уни ўзининг янги маълумотлари билан бойитган. “Китоб сурати-л-арз” (“Ер тасвири китоби”) асарида Каспий денгизи ёки Хоразм денгизи ҳақида қимматли маълумотлар бор. Ушбу тарихий географияга оид асардаги Ўрта Осиёга оид маълумотлар катта илмий аҳамиятга эга. Китобнинг милодий 937, ҳижрий 428 йили кўчирилган мўътабар қўллөзмаси бизгача етиб келган бўлиб, унга турли хариталар чизиб илова қилинган. Ушбу мўътабар қўллөзма матни 1926 йили шарқшунос Ҳ.М.Мжик томонидан Лейпцигда нашр қилинган. Китобни ўзбек тилига А.Аҳмедов таржима қилиб, илмий шарҳлар билан 1983 йили чоп этган.

«Осору-л-боқия»

Қомусий олим Абу Райҳон Беруний (973-1048) қаламига мансуб асар. У табиий ва ижтимоий фанлар

бўйича 150 дан ортиқ асарлар яратиб, улкан кашфиётларга ва муваффақиятларга эришган. Ўзининг ижтимоий фан, айниқса тарих тўғрисидаги чукур билимларини “Осору-л-боқия ани-л-куруни-л-холия” (“Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар”) ҳамда “Ҳиндистон” ёки “Китаб таҳқиқ мө лил-Ҳинд мин манкула фи-л-ақл ва-л-марзу ма” (“Ҳиндларнинг ақлга сифадиган ва сифмайдиган таълимотларини тадқиқ этиш”) ва “Китобу-л-мусаммара фи ахбори Хоразм” (“Хоразм ҳақидаги ахборотлар ҳақида сухбатлар”) номли асарлари билан тарих ва маданият тарихига катта хисса қўшди.

“Осору-л-боқия” диншунослик, исломшунослик соҳалари бўйича нодир қимматли манба саналади. Асар 1000 йили Журжон шахрида ёзиб тамомланган. Унда қадимги Ўрта Осиё, Юнон, Эрон, Ҳинд, насроний, яхудий ва бошқа халқларнинг исломиятгача бўлган тарихи, урфодатлари, байрамлари ва асосан вақтни ҳисоблаш, тақвимхронология тўғрисида мукаммал маълумот беради. Ушбу асарнинг XIV асрда яратилган мўътабар қўлёзмасига нодир расмлар ишланган ва бу ноёб санъат обидаси Шотландия пойтакти Эдинбург университети кутубхонасида 161 ракам остида сақланмоқда.

“Осору-л-боқия”нинг русча ва ўзбекча таржималари Тошкентда 1957 ва 1968 йиллари чоп этилди. Китоб Европада “Хронология” номи билан машҳур.

Абу Райхон Берунийнинг Хоразм тарихига оид «Тарихи Хоразм» ва “Машоҳири Хоразм” (“Хоразмнинг машҳур кишилари”) номлари билан машҳур бўлган асарлари мавжуд, унинг айрим лавҳалари – парчалари Абу-л-Фазл Байҳакийнинг 1056 йили ёзиб тамомланган “Тарихи Байҳак” ва Ёкут Ҳамавийнинг “Мўъжаму-л-булдон” асарларида сақланиб қолган.

Берунийнинг “Китоб фи ахбороти-л-мубайизот вал-каромита” (“Оқ кийимлилар ва қирмитийларнинг хабар-

лари ҳақида китоб") асари ҳам тарих илми учун алоҳида қийматга эга. Унда ўша замонларда Ўрта Осиёда кенг тарқалган қирмитийлар ҳаракати ҳақида диққатга сазовор маълумотлар бор.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Берунийнинг асарларида тарих илми учун маълумотлар жуда кўп учрайди. Унинг юқорида зикр этилган асарлари унинг катта тарихчи олим, этнограф бўлганлигини кўрсатади.

Шарқ мамлакатлари муаррихлари томонидан ёзилган асарлар. “Китобу-л-булдон”

Абу-л-Аббос Аҳмад ибн Абу Яъкуб ибн Жаъфар ибн Ваҳб ибн Вадиҳ Котиб Аббосий Яъқубий IX асрнинг ийрик географ тарихчи олими. Яъқубий Бағдодда туғилган, лекин умрининг асосий қисмини Арманистон, Хурросон, Фаластин, Миср ва Мағрибда ўтказган.

Олимнинг ”Китобу-л-булдон“ – “Мамлакатлар ҳақида китоб” ва “Тарих” асарлари етиб келган. ”Китобул-булдон“ тахминан 891 йилда ёзилган тўрт қисмдан иборат. Асарда араблар қўл остидаги мамлакатларнинг географик ҳолати, ийрик шаҳарлар ва қалъалари, аҳолиси ва уларнинг асосий машғулоти, урф-одатлари, ўша мамлакатдан олинадиган хирожнинг умумий миқдори ҳақида қимматли маълумотлар келтирилади.

Асарнинг икки нодир кўлёзмаси Германия кутубхоналарида сақланмоқда. Китобнинг арабча матни голландиялик машҳур шарқшунос М.де Гуе (1836-1909 й.) томонидан 1892 йили Лейденда чоп этилган.

Яъқубийнинг “Тарих” асари умумий тарих типида ёзилган бўлиб, Шарқ мамлакатлари, шунингдек Ўрта Осиёнинг VII-IX асрлардаги тарихи бўйича муҳим манбалардан ҳисобланади. Асар икки қисмдан иборат бўлиб, Одам (а.с.)дан исломгача бўлган тарихий воқеалар ҳамда мусулмон мамлакатларидаги 873 йилгача содир бўлган воқеалар баёнига бағишланган.

“Тарих” асарининг арабча матни 1883 йили голландиялик олим М.Т.Хаутсма (1851-1943 й.) томонидан чоп этилган.

“Китобу-л-хирож”

Асар муаллифи Абу Юсуф Яъқуб ибн Иброҳим Күфий (731-798 йй.) Абу Ҳанифанинг (699-767 йй.) шогирди, аббосийлардан Маҳдий (775-785 йй.) ва Ҳорун Рашид (786-809 йй.) даврида Бағдод қозиси бўлган.

“Китобу-л-хирож” Араб халифалигининг VII-VIII асрлардаги ижтимоий-иктисодий аҳволи, хусусан ер эгалиги ва ундан фойдаланиш каби ижтимоий масалаларни ўрганишда қимматли манба ҳисобланади. Халифа Ҳорун Рашидинг топшириғи билан ёзилган бу асарда ўрта асрларда аҳолидан йигиладиган асосий солик – хирож, унинг турлари ва микдори, тўлаш тартиби баён этилган. Бундан ташқари мулкчилик, хусусан корандалик тартиби, йирик ер эгаларининг шахсий хўжаликларида қўл меҳнатидан фойдаланиш ҳакида ҳам маълумотлар мавжуд.

Асарнинг арабча матни 1884 йилда Мисрнинг Булоқ шахрида чоп қилинган. Уни Е.Фанъян французчага таржима қилган.

“Китоб ахбори-л-булдон”

Асар машхур тарихчи олим Абу Бақр Аҳмад ибн Муҳаммад Ҳамадоний томонидан тахминан 903 йили ёзилган.

“Китоб ахбори-л-булдон” асарида сиёsat, тарих ва маданий ҳаётга оид бой маълумотлар келтирилган. Асардаги Балх, Самарқанд каби шаҳарлар ҳақидаги маълумотлар катта аҳамиятга эга. Унда Эрон ва Мовароуннахрнинг иқтисодий ва тарихий географиясига оид дикқатга сазовор маълумотлар бор.

Манбанинг Али ибн Жаъфар Шайзорий тарафидан бажарилган (1022 й.) кисқа таҳрири де Гуе томонидан 1885 йили Лейденда чоп этилган.

Асарнинг нодир қўлёзмаси Машҳаддаги Имом Ризо масжиди кутубхонасида сақланади.

“Китоб масолики-л-мамолик”

Асар муаллифи Абу-л-Қосим Убайдуллоҳ ибн Хурдадбех асли эронлик бўлиб, у олий мартабали мансабдор хонадонига мансуб бўлган. Ибн Хурдадбех Бағдодда ўқиган ва чуқур билимга эга олим сифатида танилган. У халифа Мўътамид (870-892 й.) даврида юксак давлат лавозимларида турган, дастлаб надим, сўнг Эроннинг гарбий-шимолий тарафида жойлашган Жибал вилоятида “соҳибу-л-барид ва-л-хабар” (почта ва разведка бошлиғи) лавозимини эгаллаган. Ибн Хурдадбех турли мавзуда, адаб, тарих, географияга оид ўнга яқин асар битган. Улардан энг муҳими “Китоб масолики-л-мамолик” бўлиб, у 846 йили ёзиб тамомланган.

Асарнинг қисқартирилган таҳрири бизгача етиб келган ва М. де Гуе тарафидан 1889 йили чоп қилинган. Русча таржимаси Ноила Велиханова томонидан 1986 йили Бокуда чоп этилган.

Китобда Араб халифалиги қўл остидаги мамлакатлар, шаҳарлар, уларга бориладиган йўллар, шаҳарлар ва мамлакатлар орасидаги масофа, аҳолидан ундириладиган солиқ ва жарималарнинг миқдори ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Айниқса, қадимий Сўғд шаҳарларидан Кушония (Самарқанд атрофида жойлашган), Самарқанд, Уструшана, Шахристон (Уструшана шаҳарларидан), қадимги Шош, Испижоб (Сайрам) шаҳарларида аҳоли ўртасида муомалада бўлган пул бирлиги, Нух ибн Асад (ваф. 842 й.) ва Аҳмад ибн Асад (819-846 й.) даврида Сўғд ва Фарғонанинг умумий аҳволи, Мовароуннаҳр ва Фарғонада IX асрда истиқомат қилган туркий халқлар ҳақидаги маълумотлар бениҳоя қимматли.

”Тарихи Яминий”

Асар муаллифи Абу Наср Мухаммад ибн Абдужаббор Утбий (тахм.961-1077 йй.). У Эроннинг Рай шаҳридаги бадавлат ва нуфузли зодагонлардан бўлиб, унинг тоғалари Сомонийлар даврида вазир сифатида хизмат қилишган.

Утбий юкори давлат лавозимларида хизмат қилган, Сомонийларнинг Хуросондаги ноиби Абу Али ибн Симжур (989-998 йй.), Шамсу-л-Маолий Қобус ибн Вушмагир (998-1030 йй.)нинг шахсий котиби, Фазнавийлардан Сабуктакин (977-997 йй.), Султон Маҳмуд (998-1030 йй.) ҳамда Султон Масъуд (1031-1041 йй.) саройида хизмат қилган. Утбий Султон Маҳмуднинг элчиси сифатида (999 йй.) Гарчи斯顿га борган, кейин Ганж рустакда «соҳиб барид» бўлиб ишлаган ва 1023 йили Султон Маҳмуднинг амри билан хизматдан четлатилган.

Саолибийнинг “Ятимату-д-дахр” тазкирасида айтилишича, Утбий “Латоифу-л-куттоб” (“Котибларнинг латиф сўзлари”) каби бир нечта йирик асар ёзган. Лекин улардан фақат ”Тарихи Яминий” номли тарихий асари сақланиб қолган.

”Тарихи Яминий” амир Сабуктакин ҳамда Султон Маҳмуд замонида Фазнавийлар империяси таркибига кирган Афғонистон, Хуросон, Хоразм ва қисман Мовароуннаҳрнинг 975-1021 йиллардаги ижтимоий-сийёсий тарихини баён этади. Асаддаги Қорахонийларнинг Мовароуннаҳрни босиб олиши (992-996 йй.) ҳакида келтирилган маълумотлар бениҳоят қимматли.

Асар ўрта аср тарихшунослигига хос мураккаб сажъ – қоғияли наср услубида ёзилган. Унда Султон Маҳмуд ва унинг яқинлари кўкларга кўтариб мақталади. Шунинг билан бирга, тарихчи узлуксиз давом этган урушлар, зулм, турли-туман солиқ ва жарималар туфайли хонавайрон бўлган меҳнаткаш халқнинг оғир турмушига ҳам айрим ўринларда кўз ташлаб ўтади.

”Тарихи Яминий“ асарининг арабча матни 1874 йили Дехли, 1874 йили Булоқ ва 1883 йили Лохур шаҳарларида чоп этилган. Ундан айрим парчалар К.Шефер, Т.Нёлдеке, Г.Эллиот ва Н.Доусон томонидан француз, немис ва инглиз тилларига таржима қилинган. Китобнинг форсча таржималари бўлиб, уларнинг энг тўлиғи Абу Шариф Носих Жорбозақоний қаламига мансуб. Бу таржима Эронда 1856, 1956 ва 1966 йиллари чоп этилган. Асарни Лондонда 1858 йили Рейнолдс инглиз тилига таржима килган.

“Ал-комил фи-т-тарих”

“Ал-комил фи-т-тарих” – “Мукаммал тарих” йирик тарихий асар бўлиб, муаллифи Иzzуддин Абулҳасан Али ибн Муҳаммад (1160-1234 йй.) Ибна-л-Асир номи билан машҳур бўлган. Муаррих Дажла дарёси бўйида жойлашган Жазирату-л-Умар шаҳрида катта ер эгаси оиласида туғилган. Умрининг кўп қисмини Мўсулда (Сурия) ўтказган ва ўша ерда вафот этган.

Ибна-л-Асир саҳобалар таржимаи ҳолини ўзида қамраб олган беш жилдли “Китоб асаду-л-ғоба фи маълумоти-с-саҳоба” – “Саҳобалар ҳақида маълумот берувчи ўрмон шерлари” номли китобини ҳам ёзган ва у 1863 йили чоп қилинган.

“Ал-комил фи-т-тарих” асари ўн икки жилдан иборат бўлиб, унда дунёning яратилишидан то 1231 йилга қадар Шарқ мамлакатларида бўлиб ўтган ижтимоий-сиёсий воеалар хронологик тартибда баён этиб берилади.

Асарда кўпгина қимматли манбалар, хусусан Табарий, Балазурий, Ибн Мискавайх асаларидан, жумладан, Сулламийнинг бизгача етиб келмаган “Китоб фи ахбор вулоти Хуросон» – «Хуросон ҳукмдорлари ҳақида ахборот берувчи китоб” каби қимматли асалдан фойдаланган.

751 йили Талас дарёси бўйида араб ва Мовароуннаҳр ҳамда хитой қўшинлари ўртасида бўлиб ўтган жанг ва унда кўп минглик хитой қўшинининг тор-мор этилиши ҳақидаги маълумот айнан шу манбада зикр этилган.

Ундан ташқари, Сулламий ва унинг муҳим тарихий асари ҳақида маълумот Ибн ал-Асир туфайлигина бизгача етиб келган.

Асарнинг VII-XII жилдлари мустақил, алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, 924-1231 йиллар орасида Шарқ мамлакатларида, шунингдек Мовароуннахрда бўлиб ўтган воқеаларни ўз ичига олади ва асосан кўлёзма манбалар, шунингдек тарихни яхши билган кишилар берган ахборотлар ҳамда муаллифнинг шахсий кузатишлари давомида тўплаган бой ва фактик материал асосида ёзилган.

“Ал-комил фи-т-тарих” асарининг айниқса, мӯғуллар истилосига бағишланган XII жилди алоҳида қийматга эга ва Мовароуннахр ҳамда Шарқ мамлакатларининг XIII асрнинг биринчи чорагидаги ижтимоий-сиёсий тарихини ўрганишда асосий манба вазифасини ўтайди.

Китобнинг тўла матни 1851-1876 ва 1901 йиллари чоп этилган. Айрим парчаларни рус тилига Н.А.Медников, А.Е.Крымский таржима қиласлар.

Асар Хивада Муҳаммад Раҳим соний (1863-1910 йй.) даврида Нурилло Муфтый, Муҳаммад Шариф охунд ва бошқалар томонидан ўзбек тилига тўлиқ таржима қилинган бўлиб, Тошкентдаги Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида таржиманинг ўн учта мўътабар кўлёзмалари сақланмоқда.

3. Абу Жаъфар Табарийнинг “Тарих ар-руслул вал-мулук” китоби

Табарий сермаҳсул олим бўлиб, у 20 дан ортиқ асарлар ёзган. Унинг “Тафсири Табарий” ва “Тарих ар-руслул вал-мулук” – “Пайғамбарлар ва ҳукмдорлар тарихи” асарлари ислом манбашунослигининг нодир манбаларидан саналади.

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Жарир Табарийнинг “Тарих ар-руслул вал-мулук” асари “Тарихи Табарий” номи билан машҳур, қадимий тарихга оид маълумотлар билан

түлдирилган ва тарихий воқеаларнинг келиб чиқиш сабаблари ва уларнинг ҳақиқийлик даражаси ҳақидаги маълумотлар берилгандык билан илмий аҳамият касб этади.

Асар ўрта асрларда яратилган энг муҳим манбалардан бўлиб, Яқин ва Ўрта Шарқ, хусусан, VII-IX асрлар Ўрта Осиё халқлари тарихи ҳақида бизга кўпгина маълумотларни беради. Муаллиф асарни ёзишда турли манбалардан фойдаланган, унда дунёнинг яратилишидан тортиб то 915 йилга қадар содир бўлган тарихий воқеалар ёритилган. Шунингдек, VII-X асрлар оралиғидаги Араб халифалиги тарихига оид маълумотларнинг салмоқли қисми Кавказ ва Кавказорти, Ўрта Осиё, Хурросон ва Шимолий Афғонистондаги тарихий воқеалар ҳам баён этилган. Бу маълумотлар қўшни халқларнинг ўтмиш тарихини ойдинлаштиришда аҳамият касб этади.

Табарийнинг “Тарих ар-руслул вал-мулук” асари ўрта асрлар мусулмон оламидаги энг ишончли манбалардан ҳисобланган. Бу китоб турли манбаларда турлича, жумладан, “Тарихул-умам вал-мулук”, “Тариху-р-руслул вал-мулук”, “Тарихур-руслул вал-анбия вал-мулук”, “Ахбару-руслул вал- мулук” номлари билан ҳам қўлланилган.

Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти қўллөзмалар фондида 11273 рақам остида “Тарихи Табарий” асарининг нодир тўлиқ қўллөзмаси сақланмоқда. Қўллөзма XIX асрга мансуб бўлиб, яхши сақланган. Матн охорланган қўқон қофозига настълиқ хатида қора сиёҳда ёзилган. Ҳар бир жумланинг тугашига қизил ранг билан ажратилган юмалоқ белги кўйилган. Қўллөзмадаги изоҳланашётган сўзларнинг устига қизил сиёҳ билан чизилган. Фасл номлари, сарлавҳалар қизил сиёҳ билан ажратиб ёзилган. Қўллөзманинг бошланиш қисмida мавзулар фикрести берилган. Нусха сўнгидаги анъянавий маълумотлар киритилган хотима – колофон мавжуд.

Асарнинг муқоваси қора рангли чарм тортилган қалин картондан ишланган. Муқовада тўртбурчак шакли-

даги учта саҳҳоф тамғалари мавжуд. Муқованинг дастаки қисми жигар рангли чарм билан қопланган. Таяки қисми ҳам жуда яхши сақланган.

Асар 524 варак, ҳар варак 23 қатордан иборат. Саҳифа ўлчови 22,5x30. Матн ўлчови 14x21. Тили форсий. Асар Абу Солих Мансур ибн Нуҳнинг фармонига биноан Хуросонда Али Муҳаммад ал-Балхий томонидан таржи-ма қилинган. Мазкур нусха 1887 йили хаттот Мулло Абдуллоҳ томонидан кўчирилган.

Иbn Жарир Табарий “Тарих ар-русл ва-л-мулук” аса-рининг ўзига хос жиҳатлари:

– ислом тарихидаги тарих бўйича яратилган биринчи мукаммал тарихий асар, унда дунёнинг яратилишидан то муаллиф давригача бўлган воқеалар баён қилинган;

– кейинги давр тарихчилари Иbn Мискавайх, Абул Фидо, Абул Фараж Исфаҳоний, Иbn Жавзийларнинг асарлари учун мазкур манба асос бўлиб хизмат қилган.

“Тарихи Табарий” асари дунё олимлари томонидан эътироф этилган. Жумладан, доктор Иброҳим Байзовий: “Мен китобимда воқеалари очик-ойдин кўрсатиб ўтилган асл китобларга таяндим, улардан энг аввалги сафида Табарийнинг “Тарих” китоби ўрин эгаллайди”, – деб айтган.

Умуман олганда, Табарийнинг “Тарих” китоби бугунги кун учун ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки, у ислом тарихи ва қадимги тарихга оид маълумотларни ўзида жамлаган ишончли манба. Табарий асарда бошқа илмлардан ҳам кенг фойдаланган. Масалан: мутакаллимларнинг сўзлари, сиёсий қонунларнинг амалиётдаги ижроси ва бошқалар. Бу китобни ўрганиш орқали инсоният тарихига доир қимматли маълумотларга эга бўламиз.

4. Мирхонд ва унинг «Равзату-с-сафо»асари.

“Равзату-с-сафо” – “Соф жаннат боги” ёки “Равзату-с-сафо фи сийрат ал-анбиё ва-л-мулук ва-л-хулафо” –

“Пайғамбарлар, подшоҳлар ва халифаларнинг таржимаи ҳоли ҳақидаги соғ жаннат боғи” номи билан машҳур бўлган асар умумий тарихга оид манба саналади. Унинг муаллифи Мир Муҳаммад ибн Саййид Бурхониддин Ховандшоҳ ибн Камолиддин Маҳмуд Балхий бўлиб, асосан Мирхонд (1433-1497 йй.) номи билан машҳур.

Муаррихнинг ота-боболари асли Бухородан бўлганлар. Мирхонднинг отаси саййид Бурхониддин Ховандшоҳ ўқимишли ва кенг маълумотли киши бўлиб, Темурийлар ҳукмронлиги даврида Балхга кетиб қолган ва ўша ерда вафот этган.

Мирхонд Балхда туғилган, лекин умрининг қўп қисмини Ҳиротда ўтказган. Унинг набираси Хондамирнинг гувоҳлик беришича, Мирхонд Алишер Навоий билан учрашгунча турли илмлар билан шуғулланган, аммо биронтасида муқим тўхтаган эмас. Тарихчи Алишер Навоий билан учрашгач, шоир ўзининг “Ихлосия” хонақоҳидан унга алоҳида хона ажратиб, шахсий кутубхонасидағи китоблардан фойдаланишга ижозат бериб, олимни умумий тарихга оид катта асар ёзишга ундаган, уни бу соҳада доимо моддий қўллаб турган. Аммо Мирхонд улкан асарини мукаммал тугата олмай, яъни еттинчи жилди ва жуғрофий илова материаллари йигилган мусаввада холида қолганида вафот этади. Унинг асарини набираси Фиёсиддин Хондамир якунига етказади.

“Равзату-с-сафо” асарини яратишда Мирхонд қиркта муаллиф, яъни араб тилида ижод қилган ўн саккизта ва форс тилида ижод қилган йигирма иккита олим ижодига мурожаат қилган. Асар замонавий тадқиқот даражасида яратилган тарихий ёдгорлик ҳисобланади.

Муҳаммад Ризо Оғаҳий Мирхонднинг форс тилида ёзилган “Равзату-с-сафо” асарини ўзбек тилига таржима қилган. Мазкур асар қўплаб қўлёзма нусхаларда кўчирилган ва кенг тарқалган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Б.А.Аҳмедов. Ўзбекистон тарихи манбалари. -Тошкент: “Ўқитувчи”. 2001. Б. 7-14.
2. Т.С.Сайдқулов. Ўрта Осиё халқлари тарихининг тарихнавислигидан лавҳалар. - Тошкент: “Ўқитувчи”. 1993. -Б. 3-9.
3. Собрание восточных рукописей Академии наук Республики Узбекистан. История. Составители Д.Ю.Юсупова, Р.П.Джалилова. -Ташкент: “Фан”. 1998. -С. 3-7.
4. Рукописная книга в культурах народов Востока. Книга первая.-Москва: “Наука”. 1987.-С.5-17.
5. Марказий Осиё тарихи: манбашунослик ва тарихнавислик изланишлари. 2- илмий тўплам. Тошкент. 2010.

Мавзуни мустаҳкамлаш учун бериладиган саволлар:

1. Тарихий асарларнинг ёзилиш тартиби хақида нималар биласиз?
2. Тарихга оид асарлар таснифи ҳақида айтиб беринг.
3. Абу Жаъфар Мұхаммад ибн Жарир ат-Табарийнинг “Тарих ар-руслу вал-мулук” китобининг мазмуни қандай?
4. Мовароуннаҳрлик машхур муаррихлар.
5. Мирхонд ва Оғаҳийларнинг «Равзату-с-сафо» номли асарлари.
6. Алишер Навоийнинг тарихий мероси ҳақида гапириб беринг.

МУНДАРИЖА

1-мавзу: Манбашунослик фанининг предмети, асосий вазифалари, тармоқлари	3
2-мавзу: Ислом манбашунослиги ва унинг ўзига хос хусусиятлари	16
3-мавзу: Жохилия даври манбашунослиги ва манбаларининг илмий таҳлили	20
4-мавзу: Куръони карим ислом манбашунослигининг асосий манбаси сифатида	26
5-мавзу: Ҳадис тўпламлари ислом манбалари сифатида ...	57
6-мавзу: Тафсирлар – исломшунослик манбалари сифатида	91
7-мавзу: Мовароуннахрда калом илмининг шаклланиш тарихи	114
8-мавзу: Фикхий асарлар ва уларнинг ислом манбашунослигига тутган ўрни	130
9-мавзу: Тасаввуф манбаларининг исломшуносликдаги ўрни	150
10-мавзу: Тарихий асарлар – ислом тарихи манбалари сифатида	166

ИСЛОМ МАНБАШУНОСЛИГИ

(ўқув қўлланма)

“Тошкент ислом университети”
нашриёт-матбаа бирлашмаси
Тошкент – 2013

Муҳаррир: Сарвар ОЧИЛОВ
Саҳифаловчи: Лутфулло АБДУЛЛАЕВ

Нашриётнинг гувоҳнома руками АI № 224
Босишга 2013 йил 26 апрелда берилди.
Бичими 84×108 1/32 Шартли б.т. 9,45. Нашр т. 9,48.
Адади 50 нусха. Буюртма № 31
Баҳоси шартнома асосида.

“Тошкент ислом университети” нашриёт-матбаа
бирлашмаси босмахонасида чоп этилди.
100011. Тошкент ш. А.Қодирий, 11.